


8С (436)  
С 89

Юсуф Султонов


# Хамза

хаёти  
ва ижоди  
хақида  
очерк



ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИТОБХОНЛАР ҚУНГИЛЛИ ЖАМИЯТИ

ДОБРОВОЛЬНОЕ ОБЩЕСТВО ЛЮБИТЕЛЕЙ КНИГИ  
УЗБЕКСКОЙ ССР




Ҳамза Ҳақимзода Нисеъӣ  
(1889—1929)

ЮСУФ СУЛТОНОВ

ҲАМЗА

ҲАЁТИ  
ВА ИЖОДИ ҲАҶИДА  
ОЧЕРК



Ғафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти

ТОШКЕНТ  
1979

ББК 83. 3Уз  
С 96

Султонов Юсуф.

Ҳамза: Ҳаёти ва ижоди ҳақида очерк, Масъул муҳаррир М. Қўш-  
жонов.— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.— 151 б.

Масъул муҳаррир

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Мухбир аъзоси

М. ҚЎШЖОНОВ



83007

Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси Ю. Султоновнинг ушбу китоби Улуғ Октябрнинг оташин куйчиси, ўзбек совет адабиёти ва санъатининг асосчиси, таниқли жамоат арбоби Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидадир. Асарда Ҳамзанинг адабий ва мусиқий мероси таҳлил қилиниб, унинг кўп миллатли совет адабиёти ва санъати тараққиётидаги роли кўрсатилган.


Асар кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Султонов Ю. Ҳамза. О жизни и творчестве Х. Х. Ниязи.

ББК 83. 3Уз7  
8Уз2

70202 — 216  
С — Рез — 79 — 46030110202  
М352(04) — 79

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979 й.



Кундан кун ривож топаётган кўп миллатли совет адабиётимиз ва санъатимиз тарихига қайрилиб қарар эканмиз, халқимизнинг талантли фарзанди Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий яққол кўриниб туради. У ижодий фаолиятини Октябрь революциясидан илгари бошлаган бўлиб, ўтмиш адабиётимиз, умуман маданиятимиз илғор анъаналарини давом эттириб келган. Улуғ Октябрь кунлари ва гражданлар уруши йиллари яратган шеър, қўшиқ, музыка ва драма асарлари билан эса, янги адабиёт ва санъатни, ўзбек совет адабиёти ва санъатини бошлаб берган. Унинг ижоди ўтмиш гуманистик маданиятимиз билан янги, совет замонамиз маданиятини уловчи бир кўприк бўлган дея оламиз.

Ҳамза Ҳакимзода Улуғ Октябрь социалистик революциясини эър қувонч билан кутиб олади. «Бизнинг бахтга қуёш чиққан кундир бу кун» дейди. Туркистон ўлкасида Совет ҳокимияти барпо этилганини «Шарққа қуёш чинлаб чиқди» деб таърифлайди.

Ҳамза бутун куч ва қобилиятини революцияга бағишлайди,

унинг солдати ва куйчиси бўлади. Шу билан бирга унинг ижодий қобилияти ҳам Октябрь нурларидан баҳра олиб, яшнаб кетади. У оташин революцион шоир ва композитор, драматург ва театр санъати арбоби бўлиб кўзга кўринади ва халққа манзур бўлади. «Владимир Маяковский, Демьян Бедный ва революция туйфайли бунёдга келган бошқа улкан шоирлар,— дейди улуғ совет ёзувчиси ва жамоат арбоби Н. С. Тихонов,— рус поэзиясида новаторлик йўлларини излаган ўша тарихий даврда Ҳамза ўзининг миллий адабиётида ана шу йўлларга дадиллик билан асос солди. Ҳамза музика ва театр санъатида ҳам ана шундай муваффақият билан янги ижодий изла-нишлар олиб борди»<sup>1</sup>.

Ҳамза Совет ҳокимиятининг биринчи йиллари яратган юксак бадиий асарлари билан ўзбек совет адабиёти ва санъатига асос солди, кўп миллатли социалистик маданиятимиз асосини яратган улкан сиймолардан бири бўлиб қолди.

---

<sup>1</sup> «Ўзбекистон маданияти» газетаси, 1961, 11 февраль.



## ДЕМОКРАТИК АДАБИЁТНИ ДАВОМ ЭТТИРИБ

Ҳамза 1889 йил 6 мартда Қўқон шаҳрида табиб оиласида туғилган. Унинг ёшлик йиллари Ўрта Осиёнинг катта шаҳарларидан бўлган ана шу Қўқонда ўтган. У вақтларда Ўрта Осиё подшо Россиясининг қолоқ ва эзилган чекка ўлкаларидан бири эди.

Меҳнаткашлар бой-феодаллар, капиталистлар ва помешчиклар томонидан қаттиқ эксплуатация қилинар эди. Мамлакатда дин, хурофот таъсири кучли бўлиб, патриархал-феодал ва колониал зулм ҳукмрон эди.

Чор ҳукумати, бой ва руҳонийлар миллий маданиятнинг ривожланишига тўсқинлик қилишга уринар, кенг халқ оммаси учун мактаб, маориф эшигини берк тутишга жон-жаҳди билан тиришар эди. Лекин Россияга қўшилган Ўрта Осиё фақат чор Россиясининг бир қисми бўлибгина қолмай, шу билан бирга, революцион Россиянинг, Герцен ва Чернишевский, Пушкин ва Толстой,

Плеханов ва Ленин Россиясининг ҳам бир қисмига айланди. Рус помешчик ва капиталистлари эксплуатация ҳамда миллий зулми кучайтиришга интилган бўлсалар, рус ишчилар синфи, рус халқининг барча илғор қисми Урта Осиё халқларининг озод бўлишлари учун ёрдам қўлларини узатдилар.

XIX аср охирларида Россия буюк халқ революцияси томон ривожланаётган эди. Бу тўғрида К. Маркс ва Ф. Энгельс 1882 йилда «Коммунистик партия Манифести»нинг русча нашрига ёзган сўз бошида шундай деган эдилар: «Россия эса Европадаги революцион ҳаракатнинг илғор отрядига айланди»<sup>1</sup>. Пролетариатнинг геннал устоз ва йўлбошчилари айтганларидек, кўп ўтмай Россия халқаро революцион ҳаракат марказига айланди.

Тақдирлари улуғ рус халқи тақдири билан қўшилган Урта Осиё халқлари рус меҳнаткашлари билан қўлни қўлга бериб, биргаликда самодержавиега қарши, помешчик ва капиталистлар асоратига қарши кураш олиб бордилар ва бу кураш жараёнида улар ўртасидаги дўстлик, биродарлик туйғулари ўсди ва мустақамлана борди.

Чор ҳукуматининг қаттиқ таъқиб этишига қарамай Урта Осиёда 1900 йил бошидаёқ марксистик адабиёт анчагина тарқалган эди. Маҳаллий меҳнаткашлар марксизм-ленинизм ғоялари билан тобора кенгроқ танишиб, уни кўнгилларига жо қила бордилар ва рус ишчилар синфи бошлаган йўлдан қадам ташладилар. 1905 йил революцияси кунларида маҳаллий меҳнаткашлар рус ишчилар синфи билан бир ёқадан бош чиқариб ва унинг етакчилигида умум душман — чоризмга қарши курашдилар. «Бешинчи йил,— деган эди В. И. Ленин,— Россиядаги барча миллат ишчиларини бирлаштирди»<sup>2</sup>. Бу революцион кураш жараёнида ўзбек меҳнаткашларининг синфий онги юксала борди, уларнинг улуғ рус халқи ва мамлакатимиздаги бошқа халқлар билан дўстлиги янада мустақамланди. Ўзбек халқининг содиқ фарзандлари, демократик ҳаракат намояндалари улуғ рус халқига, унинг илғор фани ва маданиятига чуқур ҳурмат ва муҳаббат билан қараганлар. Ўзбек халқининг бу самимий

<sup>1</sup> К. Маркс ва Ф. Энгельс. Коммунистик партия Манифести, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1977, 6-бет.

<sup>2</sup> В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 25-том, 82-бет.

хурмати атоқли демократик шоирларимиз Муқимий (1851—1903) ва Фурқат (1858—1909) асарларида ёрқин ифодаланди.

Шоир Муқимий Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилувини натижасида вужудга келган янгиликларни, прогрессив воқеаларни маъқуллаб, турмушдаги қолюқ томонларни қаттиқ танқид қилди. Булар унинг «Таърифи печ», «Араванг», «Лой» каби шеърларида очиқ кўринади. Муқимий бойлар, реакцион руҳонийлар ва подшо чиновникларининг халққа қарши ҳаракатларини Фош этиб, ҳажвий асарлар ёзди. Унинг «Танобчилар», «Турфа нодон баччағар» каби асарлари шулар жумласидандир.

Шоир Фурқат эса, рус халқининг улуғворлигини, ундан ўрганиш, ибрат олиш ва дўстликни мустаҳкамлаш кераклигини жўшқин сатрларда куйлади. «Телеграф баёнида», «Гимназия», «Электр лампочка ҳақида» шеърлари бу фикрнинг далилидир.

Зиҳи даврони фархўнда нишони,  
Замон ўлди ўрусия замони...  
Улму фанда Афлотундин авзал,  
Камоли ақлу дониш бир-ла акмал.  
Неча иш илм ила бунёд қилди,  
Хусусан телеграф ижод қилди.  
Ки бир соатда ул соҳиб ҳунарлар,  
Уч ойлик ердан олғай хабарлар.  
Агар Мағрибда бўлса кимса сокни,  
Ани билмоқ эрур бир кунда мумкин.  
Низом ўлди сипоҳлик ишига,  
Етиб ҳам манфаатлар кўп кишига...  
Бу ҳикмат Русиянинг давлатидин,  
Бўлибдур илмнинг хосиятидин...

Фурқатнинг «Телеграф баёнида» шеърдан келтирилган бу парчада мамлакатда прогрессив ҳодисалардан халқнинг илғор фарзандлари нечоғлик қувонганлари, буларни вужудга келтиришда рус олимларининг, умуман, рус халқининг хизматларини қадрлаб, халқимизнинг миннатдорлигини изҳор қилганликлари аёндыр.

Ҳамзанинг ёшлик чоғлари ана шундай тарихий шароитда кечди.

Ҳамза таржиман ҳолида ёзишича, отаси — Ибн Ямин Ниёз ўғли (1836—1920) «...16 ёшинда деҳқончилигин ташлаб, Бухорога бориб, ... эскича халқ дўктори бўлиб

қайтғондир». (Адабиётшуносларимизга Ҳамза Ҳакимзоданинг ўз қўли билан ёзилган таржимаи ҳоли борлиги маълум бўлмай келган эди. Буни 1962 йилда маълум қилишга муяссар бўлдик.

1926 йилда Ҳамза Ҳакимзодага шахсий пенсия тайинланганини назарда тутиб, Ўзбекистон ССР Социалтаъминот министрлигининг ўша йилга оид архив материалларини кўздан кечириб эканмиз, шоирга тааллуқли ҳужжатлар орасидан унинг ўз қўли билан ёзилган қисқача таржимаи ҳоли топилди. У эски ўзбек алифбесига бинафша қалам билан тўрт бет қоғозга ёзилган бўлиб, охирига «1926 йил 25 август» тарихи қўйилган ва «Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий» деб аниқ имзо чекилган)<sup>1</sup>.

Ҳамзанинг отаси билимдон ва ўткир табиб бўлиб, ундан кўп беморлар шифо топган. Шу билан бирга, кўринишда хипча, зуваласи пишиқ киши бўлганига кўра, эл орасида «Ҳакимча» номи билан машҳур бўлган. Ҳамзанинг ота номи ўрнида «Ҳакимзода» деб юритиши шундандир.

Ҳаким отанинг рус врачларидан ошнолари бўлиб, зарур вақтларда улар билан маслаҳатлашиб турган. Ҳамзанинг опаси — Ачахон ая бу тўғрида шундай ҳикоя қилган эди: 1910 йили бўлса керак, у қаттиқ бетоб бўлиб, жарроҳнинг аралашуви зарур бўлиб қолади. Шунда ота бир рус докторини бошлаб келиб, кўрин, дейди. Опа ийманади, кўринмайди. Шунда Ҳаким ота буйруқ қилиб, мени десанг айтганимни қиласан, сенинг ҳаётинг меннинг учун қимматли, деган мазмунда гапириб, қатъий туриб олади... Опа тузалгач, Ҳаким отага мурожаат қилиб, ўзингиз каттакон табиб бўлсангизу, нега шундай қилдингиз, деб сўраган, у киши биз табибларнинг кучи дорига етади, тиг лозим бўлганда рус ошноларимга бораман, деганлар<sup>2</sup>.

Яна бир воқеани айтиб ўтайлик: 1912 йили Ҳамза

---

<sup>1</sup> Бу таржимаи ҳол «Ўзбек тили ва адабиёти» журнаlining 1963 йили 1-сонига ва «Шарқ юлдузи» журнаlining 1963 йил 3-сонига эълон қилинган. Рус тилига таржима этилиб, «Звезда Востока» журнаlining 1963 йил 3-сонига босилган. Бундан сўнг ундан фойдаланилганда «Таржимаи ҳол» деб юритамиз.

<sup>2</sup> Бу воқеани Ачахон ая 1939 йилда Тошкентга келганда ушбу асар муаллифига айтиб берган эди.

бир рус қизига кўнгил қўйган, у ҳам Ҳамзани ёқтиради, ота, оналар ҳам кўнадилар. Ҳамзанинг отаси бу масалага ижобий қарайдилар. Лекин никоҳни кимнинг одати бўйича қилиш устида бош қотирадилар. Агарда мусулмон шариати бўйича никоҳ қилинса — рус қизи христиан динидан чиқиб мусулмон бўлиши, агар черковда никоҳ этилса — Ҳамза христиан динини қабул қилиши керак бўлиб қолади.

Ҳаким ота бу тўғрида йўл-йўриқ сўраб ўша вақтда бу масалада анча билимдонлар тўпланган Уфа шаҳрига — «Вақт» газетаси редакциясига хат ёзади. Бу хатга «Вақт» газетаси муҳаррири Фотиҳ Қаримий 1912 йил 23 октябрда жавоб ёзган (хат Ҳамзанинг шахсий архивида сақланган). Унда «Христиан динидан Ислом динига чиқарга рухсат берилмай», деб ёзган. Яна нималар бўлган билмаймиз. Шу ҳол аниқки, Ҳамза рус қизига уйланади. Сўнг гап-сўз тарқалади. Мусулмон руҳонийлари Ҳамза ва Ҳаким отага қарши таъна тоши ёғдирадилар. Натижада Ҳамза Қўқондан чиқиб кетишга мажбур бўлади. 1913 йил февраль ойида Ҳаким отанинг Маккага кетаётган танишларига қўшилиб жўнайдди. Афғонистон, Ҳиндистон орқали Маккага боради, у ерда қолиб бир неча ой ишлайди, сўнг Мадина, Шом, Байрут орқали Станбулга келади. У ерда ўқимоқчи бўлади, лекин иложи бўлмайди, «ўзим билетсиз қочиб боргон учун, — деб ёзади Ҳамза кейинроқ таржиман ҳолида, — отам бир рус қизидан уйланган онламнинг юборган очулик хатларидан кўрқиб қайтдим».

Қўқонда эса Ҳамза ҳажга жўнапти, деган гап тарқаб, руҳонийларнинг тажовузини анча кесади. Лекин Ҳамза бу кетишга бир саёҳат деб қараган. Бу ҳол шунда кўринадикки, Ҳамза ўз исмига «ҳожини» сўзини қўшиб ишлатганини ҳеч қаерда учратмадик. Ёр-биродарлари «ҳожини» сўзини қўшиб айтгудек бўлса, унинг жаҳли чиқар экан.

Ҳамзанинг шахсий архивида сақланган ёзувларга қараганда у 1914 йил май ойи бошларида Станбулдан пароходда Одессага келади ва у ердан поездда Харьковга жўнайдди. Яна қайси шаҳарларда бўлгани ёзилмаган. 1914 йил май ойи охирида Қўқонга қайтган.

Ҳамза чет элларга кетган вақтда Ҳаким ота рус келинига яхши қараб, юпатиб туради. Ҳамзанинг яқин дўсти Бўронбой Миртожи ўғлининг 1913 йил ноябрь ойида Қўқон шаҳридан Маккага Ҳамза номига ёзган бир хатида

шундай сўзлар бор: «...Зухраҳон (Зоя — Ю.С.) йиғлагани йиғлаган, Ҳаким поччам юпатганлари юпатган».

Ҳамза 1916 йил бошларида саёҳатда бўлади. Дўсти Бўронбой унинг тезроқ қайтишини сўраб ёзган хатида шундай дейди: «...Ҳаким поччам Сизга жуда суйинишлар экан. Шундан билурманки, фақирдан Сизни сўраб ва суриштириб, қачон келади, деб сўраганларидан гумон кўтариб айтаманки, Ҳаким поччамнинг Сизга эътиқодлари жуда ўзгача экан. Жуда ҳам сафарни узундан-узун қилмасдан ва ҳаво қизимасдан тезгина қайтсангиз».

Бу фактлар шундан далолат берадики, Ҳамза туғилиб ўсган оила ўқимишли ва эътиборли бўлган. Ҳаким ота ўз замонининг билимдонини ва илғор кишиларидан бўлиб, ўғли Ҳамзага дастлабки билимни берган.

Ҳамза зийрак ва зўр қобилиятли эди. «Отам ўқимишли бўлгани учун,— деб ёзади у таржимаи ҳолида,— 1898 йилда ўзбекча, форсча том саводли бўлиб, 1899 йилдан 1906 йилгача мадрасада эски усул билан дарс ўқишда давом этдим». Лекин мадраса дарслари, диний схоластика Ҳамзага ёқмайди ва мадраса таҳсилдан воз кечиб, ўзича мустақил ўқишга берилади. Бадий адабиётга қизиқади. Рус тилини севиб ўрганади. Ўзбек ва форс-тожик адабиётлари ҳамда рус адабиёти классиклари асарларини қунт билан ўқий бошлайди, ўзбек халқ қўшиқлари, эртаклари ва дostonларини зеҳн қўйиб тинглайди.

Ҳамза аввал отаси билан бирга, сўнг ўзи кўп саёҳат қилади, кўп жойни кўради, халқ ҳаётини ўрганади ва умид-орзулари билан ошно бўлади. Бу ҳол унинг маънавий юксалишида катта аҳамиятга эга бўлади.

Еш Ҳамза ўз атрофидаги ижтимоий ҳодисаларни зийраклик билан кузата боради. Уша вақтларда чиқиб турган газета ва журналларни ҳамда революцион варақаларни ўқиб туради. «Кўп узоқ эмас,— дейди у кейинроқ ёзган хотираларининг бирида,— 1908 йилларда ҳам мадрасада ўқиб юрган вақтимизда газета, журналларни бировлар номига ёздириб олиб, қўлтиғимизда яшириб, шу мадрасанинг қозон қўядиган қоронғи ҳужраларида эшикни ичдан беклаб, ўшанда ҳам қўрқиб-қўрқиб ўқир эдик»<sup>1</sup>.

Китоб ва ҳаёт унинг билим манбаи бўлади. Унинг диққатини бойлар, руҳонийлар ва чор истибдоди пан-

<sup>1</sup> «Иштирокиюн» газетаси, 1920 йил, 16 март.

жасида эзилиб, қуллик ва жаҳолатда сақланган кенг меҳнаткашлар оммасининг аҳволи ва бу оммани оғир, азобли ҳаётдан қутқозиш ғояси жалб қилди. Бу ғоя уни халқ озодлиги учун курашувчилар сафига тортади.

Ҳамза Ҳакимзода таржиман ҳолида ўн ёшдан бошлаб шеър ёзишга киришганини ёзади. Лекин унинг бу шеърлари сақланмаган. Унинг шахсий архивида сақланган материаллар орасида 1905—1914 йиллар мобайнида ёзган шеърларининг рўйхатини аниқладик. Бу рўйхатдаги 214 шеърдан 4 таси 1905 йилда битилгани кўрсатилган. Шоирнинг 1948 йилда топилган «Девон»<sup>1</sup>и бу далилнинг тўғрилигини тасдиқлайди. Унга Ҳамза санаб ўтган 214 шеърдан 197 таси киритилган. Уларнинг кўпчилиги ғазал ва мухаммаслардан иборат. «Девон» Ҳамза дастхатига мансуб бўлиб, сиёҳда ёзилган.

Муқимий ва Фурқатдан сўнг уларнинг демократик традицияларини давом эттирувчи ёзувчини замон кутар эди. Бундай ёзувчиларнинг энг кўзга кўрингани Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий бўлади.

Ёш Ҳамза адабиётга ҳавас кўяр экан, аввало Лutfий, Алишер Навоий, Фузулий каби классик шоирлар ҳамда яқин замондошлари Муқимий ва Фурқат асарларидан баҳраманд бўлади. «Ниҳон» тахаллуси билан шеърлар ёза бошлайди.

Мисоллар келтирамиз. Муқимийнинг «Бир келиб кетсун» радифли ғазали шундай бошланади:

Сабо, арз айла то ул зулфи райҳон, бир келиб кетсун,  
Ки топсун бўйиндин тан ҳар нафас жон, бир келиб кетсун.  
Қолиб ҳижронларида, соғиниб ҳасрат билан охир —  
Жаҳон гулзори бўлди менга зиндон, бир келиб кетсун.

Ҳамзанинг шу радифдаги шеъри (1908) қуйидагича бошланади:

Сабо, арзимни еткур, моҳитобон бир келиб кетсун,  
Тамоми ҳусн элининг шоҳи — султон бир келиб кетсун.  
Тутарга бир дами суҳбат асиру нотавон бирлан  
Дариф тутмай нигорим, бўлса нмкон бир келиб кетсун.

<sup>1</sup> Бу «Девон» 1948 йилда Ўзбекистон ССР Халқ шоири Фафур Фулом томонидан топилиб, ЎзССР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтига топширилган. Ҳозирда шу институтда сақланмоқда (Инв. № 8989).

Фурқат «Қашмирда» радифли ғазалида ёзган эди:

Бир қамар сиймони кўрдим балдан Қашмирда,  
Кўзлари масхуру юз эрур тасхирда.  
Зарра-зарра зар сочар бошига ҳар кун офтоб,  
Субҳ келгач, кеча ётиб чашман эскирда.

Ҳамза «Тасвирда» ғазалини шундай бошлайди:

Лола янглиғ оразингни мен кўриб тасвирда,  
Мубтало ўлмоқлигим ёзмиш экан тақдирда.  
Турфа савдолар бошима тушди, кетди ихтиёр,  
Воҳ, ўтарга ўхшади энди умр занжирда.

Ҳамзанинг бу ғазаллари шуни кўрсатадики, у ўтмиш классик шоирларимизга, жумладан, Муқимий ва Фурқатга ихлос билан қараб, асарларидан илҳомланган, уларга эргашиб шеърлар ёзган, ўз қобилиятини синаб кўрган.

Муқимий ва Фурқат ғазалларига Ҳамза шеърларининг ўхшашлиги услуб, вазн, радифдагина бўлмай, фикрларининг яқинлигида ҳам кўринади.

Муқимий «Шунчалар» радифли ғазалида:

Келса олдингизга бойсурат, ёқоси тугмалик,  
Иззат ила шоду миннатдор қилмоқ шунчалар,  
Гарчи келса эски тўн, биздек дуогўйи фақир  
Камбағалнинг ҳирқасидан ор қилмоқ шунчалар,—

деса, Ҳамза «Бу фалак» шеърда (1911) ижтимоий тенглик йўқлигини, ҳақиқатгўй меҳнаткашларнинг аҳволи оғир эканини айтиб қайғурарди:

Чашми хун, боши нигун ҳар бир ҳақиқат ошиқи,  
Кўҳнапўш ўлса аёқ остида хасдан хор экан.  
Жоми сидқим ҳавзи ҳақлик ичра ботмаз, билмадим,  
Жоми ҳавзу сувдаму қайсида бир сир бор экан.

Фурқат диний хурофот ва подшолик зулми ҳукм сурган шароитда оқилона фикр юритувчи доноларга кун берилмаганидан шикоят қилиб:

Чархи кажрафторнинг бир шевасидин доғман,  
Айшни нодон суриб, кулфатни доно тортадур,  
Сориг олтун касрати кўнгилни айлайдур қаро,  
Чунки сафро бўлса голиб ўзга савдо тортадур,—



деса, Ҳамза 1913 йилда ёзган «Кимда дониш бўлса» ғазалида ёзади:

Кимда дониш бўлса олам мисли зиндондир анга,  
Ҳар нафасда бинг ғаму андуҳ меҳмондир анга.

Муқимий ва Фурқат ғазалларига ўхшатиб ғазаллар ёза олган ёш шоир улар олга сурган гуманистик фикр, туйғуларни давом эттиришга интилади. Бу нарса унинг ғазалларида ўзига хос хусусият бўлишига, овозининг жаранглаб эшитилишига олиб келади. Ҳақиқатан ҳам «Девон»га киритилган кўп ғазаллар навқирон шоирнинг покиза қалб туйғулари, ҳаёт ҳақиқатлари анчагина бақувват ва гўзал сатрларда самимий тараннум этилганини кўрсатади. У яқин замондош Муқимий ва Фурқат традицияларини ривожлантиради.

Муқимий ва Фурқат халқнинг оғир аҳволини изҳор этган, унинг учун қайғурган бўлсалар, Ҳамза бу билан қолмай, халқ оммаси аҳволини яхшилаш чораларини ахтаради ва бунинг учун курашади.

Шоир дунёқарашининг шаклланишида унга замондош бўлган илғор кишиларнинг таъсири катта аҳамиятга эга бўлган. Ҳамза 1908 йилда Наманган шаҳрида ўқиб юрган вақтларида революцион ғоялар билан ошно бўлганини эслаб, таржиман ҳолида шундай ёзган эди: «Қўл матбааси билан майда рисолача, эълонлар чиқариб турувчи бир татар йигити бўлиб, мен ҳар ҳафтада бир-икки унинг билан суҳбат қиладир эдим. Ул мени хили дардлаган бўлса керак, шул кундан бошлаб эски подшолар турмушидан «Ҳақиқат кимда?» исмли ҳавосиз опералик бир роман ёзган эдим, ўғирлатдим, букунки топилмайдир. Бундан буёнги шеърларим миллий ва инқилобий тусларин ола бошлади».

Ҳақиқатан ҳам, халқ бахт-саодати йўлида хизмат қилиш тилаги унинг асосий мақсадига айланади. У 1913 йилда ёзган «Ҳамроз топ» ғазалида шундай дейди:

Бу жаҳонда ком, ноком ўтғуси ҳар кас, Ниҳон,  
Ҳарна қилким, ёдгоринг қолғудек эъзоз топ.

Бу олижаноб мақсадга — халққа хизмат қилиб яшаш орзусига Ҳамза умр бўйи содиқ бўлиб қолди.

Ҳамза халқ оммасининг оғир аҳволига бепарво қараб туrolмади. Бу аҳвол сабаблари ва ундан қутулиш йўллари ҳақида мулоҳаза юргизиb, халққа мурожаат қилади. Бу жиҳатдан унинг 1914 йил август ойида ёзган «Фақирлик нимадан ҳосил ўлур?» деган публицистик мақоласи ва шу мақола билан бирга босилган «Рамазон»<sup>1</sup> шеъри характерлидир.

Мамлакатда капиталистик муносабатлар тараққий топган сари меҳнаткашлар оммаси қашшоқлаша борганининг жонли шоҳиди бўлган Ҳамза бу аҳволни ўша вақтлардаёқ тўғри кўрсатиб ўтган. У майда ҳунармандларнинг оғир аҳволи ҳақида шундай дейди: «Хусусан 1912 йилдан бошлаб аксар косиблар зарарланиб, мардикорликка кира борганлари учун кучсиз мардикорларни бозор олмай, бу йиллардан алар гадоларга қўшилиб, 1914 йил рамазонда гадолар бошқаларга қараганда юзга қирқ процент бўлиб кетган, десак ҳам лоф бўлмайдир.

Мана бу разолат, хайрчилик ва хорлик не ердан келди? Нағалсиз кафишларнинг кўпайганиданми? Турмуш харажатларининг ортганлигиданми?! Ёхуд оёғимиз тагидаги кафиш нағалининг ақчасигача фабрикантлар қўлига ўтиб кетганлигиданми?!»

Албатта, капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари ҳукм сурган шароитда бундай ҳолнинг бўлиши табиийдир. Шоир турмуш харажатларининг ортганини қайд этиш билан бирга, капиталистик рақобатнинг кучайиши орқасида бунга чидаш беролмаган майда ишлаб чиқарувчилар сина борганини ҳам кўрсатган.

Фабрикаларда тайёрланган галошлар («Нағалсиз кафишлар»)нинг бозорга чиқиши билан косибларнинг кафиши ўтмай қолади. Ҳамза айтганидек:

Бойлар бой бўлур илмсиз яшаб,  
Ориқларини семизн ошаб.

Капитализмнинг бу офати майда косиблар бошига ҳам тушади. Бунинг конкрет мисолини Ҳамза тўғри кўрсатиб ўтади. Шу билан бирга, автор бойлар томонидан камбағалларнинг хўрланиши ва жабрланишини қайд этади ва уни қоралайди: «Қоринлари оч, ранглари

<sup>1</sup> «Садон Туркистон» газетаси, 1914 йил, 10 август, 34-сон.

саргайган, устларидаги бутун тўнлари йиртилган. Бу гурбат, бу зиллат, бу хорлик, бу асорат ва бу разолат ила эртадан кечгача оғизлари қуришиб, кўзлари мўлтираб, мўлдир-мўлдир ёшлар оқизиб, холиқ ва розиқ ҳақиқлари бўлган жаноб бори таолонинг буюрган беш вақт саждасидан бўйин тортган мард йигитлар чорак газчит учун ўзларига ўхшаган бир худо бандасининг эшигига бориб, бунга таъзимлар қилиб, ташаккурлар этиб ва меҳнатлар чекиб дарбадар юришлари, оҳ!..


Кошки ул закот берувчи зотлар берадиган бир неча вершук читларини миннатсиз ва озорсиз берсалар эди. Оҳ, аларни эртадан кечгача интизор қилиб ва хизматчиларни буюриб, шовқин солганларини, боши демай, кўзи демай йўғон калтаклар ила уриб, оғизлари, кўзлари, хотин ва қизлари демай, ҳақоратлар қилиб, неча хил дашном ва таъналар ила туртиб-туртиб юбориб қилган муомалаларини кўриб, ҳар бир жони бор инсон сифиндаги зот, ...исломнинг ёлғиз исмигина қолганига ҳукм қила оладилар...

Эй, кошки, бойларимиз бу тариқа азоб, кулфат ва озор ила берадиган закотларини бермасдан ўзлари еб қўя қолсалар эди. Фақирлик ва зарурият ситами ила аламзада бўлган ул бечораларнинг дилидаги доғ устига қора ёғ қуймасалар эди».

Ҳамзанинг бу ёзганлари шунини аниқ кўрсатадики, у кишининг кишига муте бўлишига, хор этилишига қарши чиқади. Бу ҳол унинг чуқур гуманистик қалбидан дарак беради. Унинг бутун муҳаббати эзилганларда, меҳнаткашларда бўлиб, золим бойларга қарши ғазаб ўтларини сочади.

Ҳамза меҳнаткашлар оғир аҳволининг ижтимоий сабабларини очишга ҳаракат қилиб шундай дейди: «Бу хорликларнинг илмсизликдан келганини шояд ўйлаган ва ақлга солиб қараган киши билур. Мана сиз ила инсонликда баробар бўлиб, илм ўқиган одамларни кўрасизми? Сиздан давлати тараққий этмаган бўлса ҳам, сиз каби хор-зор бўлмасдан, бир фалон ила маишат ўтқариб келмакдадир».

Бундан маълумки, Ҳамза чоризм шаронтида бир амаллаб ўқиб олган жуда оз сонли кишиларнинг илмсизларга қараганда тузукроқ тирикчилик ўтказаяётганликларини кўриб, унга ортиқ баҳо беради ва буни умумлаштириб, кишилардаги муҳтожлик — илмсизлик на-



тижаси, дейди. Ҳолбуки, халқ оммасини ана шундай илмсизликда ва муҳтожликда сақланишининг асосий сабаби — бойлар, руҳонийлар ва подшо ҳукуматининг сиёсати, чоризм тузуми эди.

Бу зулм оқибатларини Ҳамза ўзининг «Рамазон» шеърисида қуйидагича тасвирлайди:

1914 йил 10 август, рамазон ойининг биринчи кунин. Бойлар ва руҳонийлар бу оини ҳар сафаргидай хурсандлик билан кутиб оладилар. Домла, эшонлар рўза кунлари халқни дин оғуси билан янада кўпроқ заҳарлаб, кўп пул ва мол қўлга киритадилар. Қамбағалларга эса, рамазон кунлари яна ҳам оғирроқ туюлади. Меҳнат аҳлини севган Ҳамза бу ҳолга бепарво қараб туролмайди. Бойлар ўз аҳлларига ёрдамлашиб, меҳнаткашларга зулм қилишларини очиб ташлайди:

Ағниёлар ағниё аҳлига вергай закот,  
Амри ҳақ аҳкоми шаръа ўзлари устоддир.

Қамбағаллар қичқирурса, дема овози закот,  
Бари бой хизматчисин зарбидан доддир.

Дарбадарлик, беватанлик зарби етмасми анго!  
Боз анго дашному таъна ханжари муздоддир.

Бойларнинг меҳру шафқатсизликларини кўриб, шоир ғазабланади, қамбағалларнинг оғир аҳволини кўриб уларга ачинади:

Ид кунин барча ясангай турфа алвонлар кийиб,  
Осмон, гўё оёқ остида барафтоддир.

Қамбағаллар титрашиб, юргай яланғоч изғишиб,  
Оҳ, бу фақирлик, асорат онлара сайёддир.

Дил шикаста, бағри хун, кўзда ёши шашқатор,  
Отасиз, бахтсиз етимлар ҳолига фарёддир.

Бу ерда фарёд чекаётган лирик қаҳрамон тасвир этилган, у нолиса-да, умидсизланмайди, халқнинг қурбига ишонади, унинг ахир бир кун енгишини, озод бўлишини умид қилади:

Ўйлама, ўлгунча ҳар ким бу разолатда кетар,  
Шоҳлар бир кун гадо, бир кун гадо шаҳзоддир.

Оптимистик руҳ билан суғорилган шоирнинг норозилиги асосида турмуш ҳақиқатини бериш, уни ҳаққоний акс эттириш ётади. Ҳақиқат тарафида бўлишни шоир ўзининг муқаддас бурчи деб билади:

Ҳақ қули бўлсанг ҳақиқат риштасин тутгил мудом,  
Зоҳиру ботин ҳақиқат наҳридин ободдир.

Ҳамза 1914 йил ноябрь ойида, қурбон ҳайити муносабати билан бир публицистик мақола ёзиб, «Садон Туркистон» газетаси редакциясига юборади. Редакция Ҳамзанинг фикрларига қўшилмаган ва уни оммалаштиришни истамаган бўлса керак, мақола босилмаган. У мақоланинг иккинчи нусхаси ёзувчининг архивида сақланган.

Мақолада Ҳамза эски урф-одатларни танқид қилиш билан бирга, қурбон ҳайитини ким қандай қарши олишини тасвирлайди.

Бойларнинг ўз аҳллари олдида «сахий» бўлиб, камбағалларга нисбатан хасислигини, руҳонийларнинг эса жуда ҳам тамағирлигини кўрсатиб ўтади: «Ағниё тоифаларимизда, — дейди Ҳамза, — нақадар шодлик ва фароғатлик кун бўлганда, етим, фақир, бекас ва бенаво тоифаларимизда, оҳ!.. Ондин неча даражалар ортиқ афсус ва надомат, мотам ва қиёматли бир кундан иборатдир.

Демак, уруғи ерга сочилмаган «американ» пахта-нинг устидан фабрикалардан олинган аччаларнинг кучқувватидан юз-икки юз сўмни ипаклик албисаларга, юз-икки юзини об-дастурхонга масаруф тутган таваккалтом комил мусулмон, текин ошга баковул бўлган баҳодир боёнларимизнинг даста-даста бўлиб, қадамларини йигирма варшукдан босиб, рафтор қиладирган кунларидан иборатдир...

Хусусан, у йилдан бу йилга келадиган ид қурбондаги эллик-олтмиш қурбон терисининг устидан қарз олиб, иморатлар бинога қўйган, бир хотинлилари иккинчини, икки хотинлилари учинчини олиб, уч юз олтмиш беш кечани айш-ишрат билан ўтказган... аҳком шаръи, имом ва муаззинларимизга қарзлари учун улуғ нажотлик ва ўзлари учун фурсат ва ғаниматлик кунларидан иборатдир.

Оҳ!.. Бир келайлик яна фақирлар ва етимларимиз холина. У йилдан бу йилга баҳазор машаққат, танини

латта поралар, қорнини парча-пуриш нонлар ила қано-атлантириб келган фақир ва етим, бекас ва бехонимон, аксари ота, онадан, баъзилари бир парчагина ватандан маҳрумликда мусича каби бўйин қисилган, ҳавонинг бир оз совуқлик шиддатларидан устлари юпун, рангла-ри сарғайган, юқоридаги асосиз давлатга моликлар-нинг ясан-тусандаги шов-шувлари куйган юрак-бағри устига намақоб бўлиб, диллари маънос ва вайрон, жи-гарлари эзилган... кунларидан иборатдир.

Эй, қардошлар! Худо йўлига, деб қурбон қилувчи улуг зотлар. Кўзингизни очинг! Эшикларингиз остида интизор бўлиб ўтирган фақир ва етимлар ҳолина бо-қинг! Ўйланг, фикр қилинг, сизга на учун қурбон вожиб бўлди! Ҳақиқатга қараб иш юритинг»<sup>1</sup>.

Бу сатрларда ўзбек халқининг революцияга қадар бўлган ҳаётидан бир манзара тасаввур этилади. Ёзув-чининг диққат марказида меҳнаткашлар оммасининг оғир аҳволига ачиниш, руҳонийлар ва бойларнинг жабр-зулмига қарши ғазаб туради.

Демак, Ҳамза ижоди ўзбек халқининг энг яхши ма-даный, адабий анъаналари заминида, тобора ривожла-ниб борган инқилобий ҳаракат ва инқилобий ғоялар таъсирида шаклланади. У ижодий фаолиятини халқ ҳа-ёти билан боғлаб боради ва халққа арзирлик хизмат қилишга зўр ғайрат ва жасорат билан киришади.

## ИЛМ ИСТАБ, НУР ИЗЛАБ

Ўзбек совет маданиятининг таниқли арбобларидан бири Маннон Мажидов — Уйғур замондоши Ҳамза Ҳа-кимзода билан 1916 йилда Тошкентда учрашганини эс-лаб, шундай дейди: «У, айниқса, маданиятимиз ҳақида ҳаяжон билан гапирарди. Ўзбек халқининг шеърни ях-ши кўришини, илмга ташналигини, лекин бунга шароит йўқлигини куйиб-пишиб гапирарди. Шу биринчи учра-шувдаёқ мен Ҳамзанинг ўтқир шоир ва ҳақиқий мао-рифпарвар эканлигини уқдим»... Ҳақиқатан ҳам Ҳамза шундай эди. Кенг халқ оммасини маърифатли қилиш Ҳамза фаолиятида асосий ўрин олади. У зулмат ҳукм-

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Қўлёмалар инсти-тути, Ҳамза фонди.

ронлигида, қоронғиликда сақланган элнинг кўзини маърифат нури билан очишга, онгини ёритишга интилади.

Маърифатпарвар-демократ шоир Фурқат илмнинг аҳамияти ҳақида шундай деган эди:

Жаҳон басту кушоди илм бир-ла,  
Надур дилнинг муроди илм бир-ла.  
Кўнгилларнинг сурури илмдандур,  
Кўрар кўзларнинг нури илмдандур.

Ҳамза Ҳакимзода ҳам илм ҳақида махсус шеър ва публицистик мақолалар билан майдонга чиқади ва бу масалада Фурқат изидан боради. У 1914 йилда ёзган «Илм иста» шеърида шундай деган эди:

Оламнинг хуршиди кундир, одамнинг хуршиди илм,  
Оламнинг зулмати тундир, одамнинг — нодор илм.

Ҳар муроду мақсадинга етмоқ истарсан мурод,  
Кўз очиб бедор бўл: даркор илм, даркор илм.

Ул ҳақиқат ойнига сайқал истарсан Ниҳон,  
Илм иста, илм иста, истағил зинҳор илм.

Лекин Ҳамза халқни илм-маърифатга чақириш билангина кифояланиб қолмади, бу йўлда амалий иш ҳам олиб боради. Бу ишни у Тошкент шаҳрида бошлайди. «1910 йилда, — деб ёзади Ҳамза таржимаи ҳолида, — Қашқар дарвоза маҳалласида биринчи марта усул савтия мактаби очдим. Шу кундан муаллимликка киришдим». 1911 йилда Қўқон шаҳрида худди шундай мактаб очиб ўқитувчилик қилган.

У вақтда мамлакатда бир қанча бошланғич диний мактаблар ва жадидлар томонидан очилган бир неча «янгиича» мактаблар ҳам бор эди, лекин буларда, асосан, бойлар ва муллаларнинг болалари ўқир эди. Бу мактабларни тамом қилган талабалардан озгина қисми, асосан бадавлат оиладан бўлган болалар мадрасага кира оларди. Замонавий билим берадиган олий ўқув юрти йўқ эди. Мадраса таълими эса асосан диний бўлиб, талабаларни хурфот билан чулғаб оларди. Ана шундай шароитда Ҳамзанинг ташаббуси катта прогрессив аҳамиятга эга эди.

Ҳамзанинг янгиича мактаби жадидлар очган «янгиича» мактаблардан фарқ қилар эди. Жадидлар миллий бур-

жуазия учун кадрлар тайёрлашни назарда тутардилар ва мактабларига бир қисм кишиларни, асосан, бой болаларни қабул этардилар. Ҳамза эса, кенг халқ оmmasига маориф тарқатишни назарда тутати ва мактабига барча болаларни жалб қилишга интилади. Шунинг учун ҳам у камбағал болаларининг ўқий олишлари учун «Ёрдам жамияти» ташкил этади. Ҳамза болаларнигина эмас, катта ёшдаги кишиларни ҳам саводхон қилишга ҳаракат қилади, Қўқон шаҳридаги мактаби қошида катталар кечки курси ташкил этади.

«Кундуз кунни ўқимоқга ожиз ўлуб,— деб ёзган эди 1911 йил 27 сентябрь санаси қўйилган бир эълон варақасида,—кечаси ўқимоқга ҳаваскор ўлон афандиларнинг муродлари ҳосил ўлмоғи учун кечалик мактаб очилди.

Мазкур мактабда 16 ёшдан 50 ёшгача қабул ўлуниб, муддат икки ойдан тўрт ойга қадар. Хат-савод, ҳисоб тамом чиқарилур ҳамда арабча, форсча тилларни ҳам ўқиб, сўзламоқга муҳтож афандиларни қабул ўлунуб, мазкур муддатда мумкин қадар билдирилур.

Мактаб очилур кеч соат 7 дан 11 гача. Ўқиш бошланур 1 октябрдан. Мактабхона Мирҳожибек гузарида. Ҳамза».

Ҳамза халқнинг тақдирига қайғуради, унинг онгини илм зиёси билан нурафшон қилмоқчи бўлади. Лекин Ҳамзанинг бундай прогрессив ташаббуслари замона зўрлари, чор ҳукумати ва руҳонийлар қаршилигига дуч келади. Бу вақтларда, 1912 йил октябрь ойида, Ҳамзанинг бир рус қизига уйланиши руҳонийларнинг иғвоси учун бир баҳона бўлади. Подшо ҳукумати Ҳамзанинг **мактабини «хавфли» деб ёпади** ва ўзини таъқиб эта бошлайди, у ўз она шаҳри Қўқондан чиқиб кетишга мажбур бўлади.

Ҳамза чет мамлакатларда бўлиб, бошқа халқлар ҳаёти билан танишиб ўз мамлакатига қайтар экан, унинг огир аҳволи янада аниқроқ кўрина боради. У ўз халқининг истиқболи, айниқса ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ҳақида ўйлайди. Бу йўлда у аввало эски урф-одатларни нишонга олади ва уларга қарши ўт очади, махсус мақолалар билан майдонга чиқади. «Бу бидъат ва мажусиятлар,— деб ёзади бир мақоласида Ҳамза,— «бидъат, урф, урф» деб қонимизга сингишиб, гўё ота-



бободан бизга мерос қолган каби бўлиб кўринадир. Бундан сўнгра яна «урф, урф» деяверсак истиқболда булар ёнига яна бир нечалари қўшилиб, биздан кейин келадиган авлодларимизга кўпроқ мерослар қолдирурмиз... ўзимизнинг бидъатларга мубтало бўлганимиз етар. Ўзимиздан кейинги авлодларимизнинг хуршид саодатларин заволга еткурмайлик.

Мана бу ишлар не ердан чиқди? Албатта, илмсизликдан чиқди. Бундан кейин бидъат ва мажусият одатларини йўқ қилмоқ учун ёлғиз икки калима сўзни яхши тушунмоқ лозим: ўқимоқ ва ўқитмоқ»<sup>1</sup>.

Ҳамза маърифатпарварлик ғоясини бадий асарларида ҳам олға суради, бунга тўсиқ бўлганларни саваб ўтади. У «Бир зарра борму» (1916) шеърида ёзади:

Шаръа тескари амалдоримиз.  
Аларга емиш йўқу боримиз.  
Ҳақиқатгўлар оёғ остида,  
Мўътабар ўлди фиёқу коримиз.  
Етишди ҳамон ўқурга замон,  
Энди илмсиз яшамоқ гумон.  
Уғул, қизимиз ўйнар парпирак,  
Қайдин билсунлар ўқимоқ керак.  
Ота, оналар сабаб ўлушиб, 18,1  
Яксон ўлмада гарангу зийрак.  
Етишди ҳамон ўқурга замон,  
Энди илмсиз яшамоқ гумон.  
Таъсир айламас дилҳаста Ниҳон,  
Қилганинг била бинг оҳу фиғон.  
Ислоҳ ўлмагай элни оғзига  
Уқув баробар тушмаса қачон.  
Етишди ҳамон ўқурга замон,  
Энди илмсиз яшамоқ гумон.

Ҳамза ўзининг бу муддаосини амалга оширишга ҳарқат қилади.

1914 йил август ойида Қўқон шаҳрида яна мактаб очиб, ўзининг севган ўқитувчилик ишини давом эттиради, кенг халқ оммасига маориф тарқатиш ишида ташаббус кўрсатади. Қамбағал оиладан чиққан болаларнинг

<sup>1</sup> «Садон Фарғона» газетаси, 1914 йил, 20 май, № 11.

ўқий олишлари учун текин мактаблар очниш масаласини қўяди. «Ойлик вазифа тўлаб ўқувдан ожиз қолган фақир ва бечора болалар кўча-кўчаларда ҳайрон ва саргардон бўлиб, ниҳол умрларини сафоҳатга барбод бериб кетмоқдадирлар,— деб ёзади Ҳамза.— Буларнинг бу амаллардан сақламоқ... учун энг аввалги чора ўшал болаларни бир илож қилиб, бир мактабни пулсиз қилиб қўйиб бўлса ҳамки, тарбия ва ўқувга бошини банд қилмоқ керак»<sup>1</sup>.

Ҳамза шундай мактабни қийинчиликлар билан пона тўплаб Қўқон шаҳрида очади. Бу тўғрида «Садон Фарғона» газетасининг 1914 йил 9 октябрь сонида босиллиб чиққан мақоласида шундай ёзади: «Етимлар мактаби» («Дорилайтом») Шайхулислом гузаринда бўлиб, 1914 йил 4 октябрь (27 зулқада шанба кунидан эътиборан ўқув бошланди». Бу мактабда 2 ой ўқиб, 10 киши хатсавод чиқаради. Булар орасида кейинчалик Ҳамза жуда қадрдон дўст бўлиб қолган Бўронбой Миртожи ўғли ҳам бор. Лекин бу мактаб узоқ давом этолмайди. Бир томондан моддий ёрдам берувчилар бўлмай, иккинчидан, подшо чиновниклари Ҳамзанинг бу ишларидан саросимага тушиб қоладилар. «20—30, кейин 15—16 киши бир ойгина ёрдам бердилар,— деб ёзади Ҳамза таржиман ҳолида,— ўзим 4 ойча давом эттиргандан кейин, уезд начальниги (Мединский) томонидан тинтув бўлиб **ёпилди**. Лекин ҳеч бир қандай қоғозларим қўлига тушмаган учун қамалмай қутулдим».

У энди, ёр-дўстларининг маслаҳати билан, Марғилон шаҳрига бориб, бир кишининг ташқари ҳовлисида яна мактаб очади. Уқитувчи кадрларнинг ниҳоятда озлигини эътиборга олиб, мактаби ёнида муаллимлар тайёрлайдиган курс ҳам ташкил этади. Бу курсда 20 га яқин киши ўқийди.

Ҳамзанинг халқни маърифатли қилиш йўлидаги бундай олижаноб ташаббуслари зулмат ҳукмронлигида чақнаб кўринган чироқлар эди. Уша вақтда Ҳамза номига келган хусусий бир мактуб шундай бошланади. «Саодатли Фарғонанинг қоронғи гўшасини ялтиратиб чиққан ёш прожектор ҳазратларина...» Лекин бу «ёш прожектор»нинг нур сочиб туришига йўл қўйилмайди. «8 нчи ойгача бормаи,— деб ёзади Ҳамза таржиман

<sup>1</sup> «Садон Фарғона» газетаси, 1914 йил, 17 сентябрь.

ҳолида, — Андреев исминдаги Скобелов маориф раҳбари томонидан мажбурий ёпилди. Бунга сабаб Марғилонда аввалдан давом этиб турган мактаб ҳам туземни — рус мактаби муаллими Қудратилла қорининг Андреевга бериб турган ахборотидир».

Ундан сўнг, Ҳамза яна Қўқон шаҳрига қайтиб, бошқа воситалар билан, шеър, ҳикоя, публицистик мақола-лар ёзиб, маорифчилигини давом эттиради.

Ҳамза ўзининг халқпарварлиги билан ўша вақтдаги ўзбек ёзувчиларининг барчасидан олдинда борган бўлса ҳам, турмушнинг ривожланиш истиқболини ҳали аниқ тасаввур эта олмаган эди. Шунга кўра у халқнинг хор-зорликда сақланишига, зулм кишанларига банд этилганига қарши норозилик билдирса ҳам, улардан қутулишнинг тўғри йўлини билолмаган эди. У камбағалчиликдан, аянчли аҳволлардан қутулишнинг энг яхши чораси маърифатли бўлишдир, деб ўйлаган эди. Бу унинг «Янги саодат» (Миллий роман) асарида очиқ кўринади.

«Янги саодат» 1915 йил март ойида Қўқон шаҳрида литографияда босилиб чиққан. У 46 бетдан иборат, жанр эътибори билан повестдир. Автор уни рисола деб ҳам юритади. Автор сўз боши ҳам ёзган. Унда асарни оддий эрака ва аёллар учун ёзганини айтади. «Бу рисола эса, — деб ёзади Ҳамза, — мактабга махсус ўлмай, балки қора халқимизнинг эр ва хотунлари орасида ўқилиб турган... бутун хурофот ва ахлоқни бузадирган асосиз китоблар ўрнига истифодалик ва қироат рисоласи бўлурмикин, деган хаёл билан ёзилган... ҳамда соддароқ ёзилди».

Повестдаги асосий қаҳрамонлар: ёш йигит Олимжон ва унинг онаси меҳнаткаш аёл Марямхондир. Унинг отаси Абдуқаҳҳор бадавлат бойвачча, лекин жоҳил, илмсиз киши, сафоҳат ва қабоҳатга қадам қўяди, ичкилик ва қиморга берилади, отасидан қолган барча меросни созуриб битиради. Илми ва ҳунари бўлмаганлигидан онласини боқа олмайди, онаси ҳамда икки бола-си билан хотинини ташлаб, дараксиз кетиб қолади.

Олимжоннинг онаси Марямхон эса, камбағал оиладан чиққан, оқила ва ўқимишли, ғайратли ва бардошли хотин. Уй-рўзғор ашёларини эри сотиб юборгани учун қийин аҳволда қолади, лекин умидсизланмайди, меҳнат-севарлиги туфайли иш топиб, маҳалла атрофидаги

эшикларда хизмат қилиб болаларини боқади, ўқитади, одобли ва меҳнатсевар қилиб тарбиялайди. Марямхон меҳрибон она, олижаноб инсон сифатида кўрсатилган.

Олимжон зийрак ва фаросатли, илмга ҳаваси зўр, бекорчи ўйинлар билан иши йўқ. Ўзига ўхшаган камбағал ва етим болалар билан дўстлашиб, кичикларга шафқат, катталарни ҳурмат қилади.

Бир куни янги усул мактабда ўқиб юрган бир камбағалнинг ўғли Аҳмаджон билан танишиб қолади. У Олимжонни мактабига бошлаб боради, ўқитувчисига таништиради. Ўқитувчи камбағалпарвар бўлади, Олимжон билан яхшигина суҳбатлашади. Унинг ахлоқ, одоби, қобилияти ва ўтқир ақлига қойил қолади-да, бепул ўқитишга ваъда беради, «ўқишингиз учун ҳар бир керакли бўлган нимарсаларни ўзим шундоғ — ақчасиз бериб, ўғлимдан ортиқ тарбия қилиб ўқитурман», — дейди.

Олимжон онаси, дўсти ва ўқитувчининг ёрдамлари ҳамда ўзининг ақл-идроки, ҳаракати орқасида мактабни аъло тамомлайди. Сўнг у бир бойга мирзолик қилади. Унинг ақл-заковати, билимига ҳамда ҳалол ва берилиб ишлашига қойил қолган бой ўзига куёв — ўғил қилиб олади.

Олимжон бадавлат бўлиб кетади. Сўнг отасини топиб олиб келади. **Ҳаммалари энди** Олимжон туфайли, унинг маърифатли бўлгани соясида яхши кун кечири бошлайдилар, ёзувчининг таъбирича, «янги саодат»га эришадилар. Олимжоннинг одам бўлиб етишувида оқилла она Марямхон ва уни яхши қабул этган ўқитувчининг роли катта. Ҳамза ўқитувчи ҳақида кўп ёзмайди, лекин унинг оталарча меҳрибон муомаласини бериш билан ҳақиқий ўқитувчининг қиёфасини кўрсатган.

Ёзувчи камбағал меҳнаткашларга муҳаббат билан қарайди, Абдуқаҳҳор каби жоҳил, саводсиз бойларни қоралайди. Уларнинг инсофсиз ва раҳмсизликларига асосий сабаб — илмсизликларидир, яхши одам бўлиш учун ҳам, яхши кун кечириш учун ҳам ўқинмоқ керак дейди. Бу фикрни Олимжон тилидан шундай ифода қилади: «Ўқимаган одамлар нақадар бой бўлса ҳам раҳмсиз, мурувватсиз ва инсофсиз бўлиб, ...ҳар кимнинг дилини оғритиб юрардилар». «Мана, ҳозирда бойларнинг уйига кирсам камбағаллигимдан ҳазар қилишиб, кўзларига итдан ҳам хароб кўринурман, ҳайдаб чиқарма-

салар ҳам қабоғларини солиб, жеркиб турадилар. Мана бу қилмишларидан маълум бўлдики, мундоғ яхши жойларда ўқиб тарбия кўрмагани учун одамнинг қадрига етмайдилар. Алар назарида дунёда бойдан бўлак киши одам эмас. Йўқ, мен анга хафа бўлигим керак эмас. Мен ўзим ўқиб, олим ва мулло, бой бўлиб қолганимда ўшал ҳазар қилганлар ўзи шарманда бўлиб, уялиб қолади»<sup>1</sup>.

Автор ўз муддаосини Олимжон орқали айтибгина қолмай, бевосита ўзи ҳам гапиради. У асар охирида шундай дейди: «Илмга ҳавасли ва муҳаббатли Олимжон саъи ва ижтиҳод орқасида ўқиб, илм-маърифат шарофатидан бутун фақир ва асорат, зил ва разолат зулматида қолган ота, онасига иккинчи бир қандай «янги саодат» қуёшларин келтириб, қора бахтларини ёритди. Булар ҳаммасига сабаб инма бўлди, деганда... ёлғиз илм, маърифатнинг шарофати, демакдан бошқа жавоб йўқлиги, албатта, ҳар бирингизга ой ва кундан равшан бўлган бўлса керак», — деб халқни илмли бўлишга чақиради. Бунини қисман повестнинг бадний образлари (Марямхон, Олимжон) орқали ифода этса, қисман публицистик тарзда баён қилади. Асар аввалида Олимжоннинг мактабга кириш йўлида чеккан заҳматларини тасвирлаб автор шундай изоҳ бериб ўтади: «Бизим диёрларимизда ҳимматлик бойларимиз тарафиндан шафқат ва марҳамат узасидан мажонон ўқитадирган етим ва фақир мактаблари йўқ учун мана шундоғ Олимжон каби заковат ва фаросатда биринчи даражада файласоф замони бўлиб чиқадирган биргина эмас, балки миллионлабгина фақир авлодимиз илм, маърифатдан маҳрум қолиб, кундан-кунга жаҳолат, фисқ-фасод каби ишлар тараққида бўлиб, тобора оёқ остида қолмоқдалигимиз шояд бу ерда хотирингиздан бир ўтсун эди».

Ҳамза кенг халқ оммасининг оғир аҳволини кўриб ачинади ва бундан қутулиш учун илм, маърифатли бўлиш керак, дейди. Бу йўлда тинмай фидокорона амалий иш олиб боради: янгича усулда мактаб очади, ўқитувчилик қилади, дарсликлар тузади, публицистик мақолалар билан матбуотда чиқади, бадний асарлар ярата-

<sup>1</sup> Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. «Янги саодат», 1915, 23-бет.

ди. Булар, албатта, қутлуғ иш. Лекин у ўзининг бутун куч ва қобилиятини ишга солиб, зўр ғайрат ва матонат билан ишласа-да, асосий орзуси рўёбга чиқмайди. Бундан у хуноб бўлади.

Ҳамзанинг кенг халқ оммасини илмли қилиш орзусига келсак, бу орзу ўша замонда рўёбга чиқиши мумкин эмас эди, чунки миллий ва колониал зулм ҳукм сурган шароитда кенг халқ оммасининг илмли, маърифатли бўлишига эришув уларнинг эксплуататорлар зулмидан қутулиш учун курашларига боғлиқ масаладир. Халқни муҳтожликдан, азоб-уқубатдан, шу билан бирга, саводсизликдан қутқариш учун уларни сақлаб келган тузумга, чоризмга қарши кураш, уни тор-мор этиш ва меҳнаткашлар ҳокимиятини барпо қилиш зарур эди. Буларни ёш Ҳамза ҳали тушуниб етмаган эди.

\* \* \*

Ҳамза адабий ижод ишларини ўқитувчилик фаолияти билан бирга олиб борган.

Ўша вақтларда ўқувчи болалар учун ўз она тилида замонавий дарслик ва қўлланмалар йўқ эди. Қурбн етган айрим муаллимлар ўзларича тузиб, дарс берар эдилар. Ҳамза ҳам шундай дарсликлар тузишга киришади. «Биринчи синф талабалари учун махсус енгил адабиёт» (1914) ва иккинчи синфда ўқишга мўлжаллаб ёзган «Ўқиш китоби» (1914) унинг бу соҳадаги биринчи тажрибалари эди.

Бу китоблар ўз вақтида нашрга топширилган, лекин чиқмай қолган. Ҳамза архивида сиёҳда хушхат билан кўчирилган автор қўлёзмаси сақланган. Биз шу асосда **фикр юритамиз.**

Бу китобларга киритилган шеър ва ҳикояларнинг деярли ҳаммаси Ҳамзанинг ўзи томонидан ёзилган бўлиб, асосий мавзуи: мактаб, илмнинг фойдаси, жоҳилликнинг зарари, тўғри бўлиш, ўқитувчи ва ота, она маслаҳатига қулоқ солиш. Бу темалар болалар психологиясини ҳисобга олиб, содда, ихчам ва аниқ ифода этилган, очиқ маъноли қилиб назм билан ёзилган. Улар, бир томондан, болалар учун таълим материаллари бўлиб хизмат қилса, иккинчидан, болалар ҳамда катталарни илм, маърифатга даъват қилиш руҳи билан суғорилгандир.

Бу асарлардан айрим парчалар келтирамиз: «Олим» шеърида шундай дейди:

Олим бўлсак дунёда,  
Келур ҳар иш бунёда,  
Биз ҳам сув остин кезиб,  
Ҳам учармиз ҳавода<sup>1</sup>.

«Китоб» шеърида ёзди:

Ҳар кўнгулнинг орзуси шул эрур обиҳаёт,  
Қадрини билган кишига, шубҳасиз, жондир китоб.

Ҳар муроднинг бошидур, ҳар муддаонинг гавҳари,  
Ҳар маразларнинг шифоси, яъни Луқмондир китоб...

Кўзни нури, дил ҳузурни, дилларнинг дармонидир,  
Ҳар қоронғи дилга гўё моҳитобондир китоб<sup>2</sup>.

У «Қалам» шеърини шундай бошлайди:

Қорадир гарчи изи, нури ҳақиқатдир ўзи,  
Чунки босган ерда зулматни зиё қилди қалам.

Илмнинг аҳамиятга эгаллиги ҳақида ёзган шеърида шундай дейди:

Илм бизни етгургай ҳар мурода,  
Бизам илм ўлса учкаймиз ҳавода.

Ниҳоят бизда мактаб, илм йўқтур,  
Чиқарди бизданам яхши дўхтур.

Ҳамзанинг бу шеърлари чуқур социал маънога эга бўлиб, болаларга тушунарли ва улар эсида қоларли этиб ёзилгандир. Бу сатрлар ёш авлодни замона ҳақида фикр юритишга олиб келади. Асарларида яна шу нарса яққол кўзга ташланиб турадики, Ҳамза болаларга яхши тарбия бериш учун ўзбек халқ оғзаки адабиётидан ижодий фойдаланади, халқ эртаклари ва масалла-

<sup>1</sup> Ҳ а м з а. Асарлар, I том, 89-бет.

<sup>2</sup> Уша асар, 104-бет.

рини янги мазмун билан бойитиб, яна халққа тақдим этади. Бу ишда Ҳамза рус ва ўзбек классик ёзувчиларидан ўрнак олган. Шу жиҳатдан унинг «Тошбақа ва чиён» масали (1914) характерлидир. Бу масал халқимиз ўртасида машҳур бўлиб, уни XIX аср бошларида яшган машҳур ўзбек масалчиси Гулханий ҳам ўзининг «Зарбулмасал» номли асарида келтиради. Гулханий бу масални наср билан ёзган бўлса, Ҳамза шеър билан ёзган. Тил ва услуб жиҳатидан ҳам Ҳамза соддароқ, ихчамроқ қилиб ишлаган ва халқ оғзаки ижодидаги экспуататорларга қарши ғоя яна ҳам равшанроқ ва кучлироқ акс этган. Шоир содда тошбақанинг айёр чиён билан дўстлашиб йўлга чиққанини тасвирлаб, шундай ёзади:

Йўлда чиён тошбақадек дўстига,  
Урди бир-икки нишини пўстига.

Тошбақа билди, деди: «Феъли ёмон,  
Не ҳаракатлар қилурсан бу замон?»

Деди чиён: «Заҳар солув одатим,  
Одатими таркига йўқ тоқатим.

Гарчи турибсан менга хизмат этиб,  
Мен соламан заҳрими фурсат топиб».

Тошбақа деди: «Еу на фосид хаёл,  
Қайт бу ишингдан, бале, нишингни ол!

*Дўст дебон, душманини қилма ишин,  
Ўйла сенам, оқибатинг келмишин!»*

Деди чиён: «Бўлмаса ўз хоҳишим,  
Бошқа насихатга мени йўқ ишим».

Тошбақа ҳам билдикн, бўлмас боқиб,  
Шумғиди бир, кетди чиён ҳам оқиб.

Шоир бу асарида бутун қилмиши заҳар солишдан иборат бўлган чиённинг ҳалок этилганини кўрсатиш билан меҳнаткашларни эзиб келган золимлар ҳам ҳалок этилажагига ишора қилиб ўтади.



Ҳамза асарларининг бундай муҳим темаларда, снѐсий ўткир бўлиши ва болаларнинг кўзи очилишига ѐрдам қилиши маданий-маориф соҳасида хизмат қилиб турган бойвачча унсурларга ѐқмайди ва уларни нашр этилиб тарқалишига қаршилиқ кўрсатадилар. Ўша вақтда нашриѐт ишларининг тепасида турган ва жадид идеологларидан бири Мунаввар қори 1916 йил январь ойида Ҳамза номига ѐзган хатида «Енгил адабиѐт»нинг нашр этилмаганини изоҳлаб, шундай дейди: «Еш шогирдларга сув остида кезув, ҳавода учув, ҳамият, жасорат, миллат, миллият каби мушкул масалалардан... кўра, болаларни қизиқтирадиган ва ҳисларини уйғотадиган» мавзуларда ѐзишни тавсия этади. Ҳамза унинг фикрига қўшилмайди, ўша йили февраль ойи ўрталарида шундай жавоб олади: «Енгил адабиѐт»ингизни ширкат тарафидан босдирмак аъзолар тарафидан мақбул кўрилмади». Бу фактнинг ўзиѐқ жадидларнинг халқ манфаатидан узоқлигини, Ҳамзанинг эса халқпарварлигини очиқ кўрсатади. Ҳамза халқнинг ижтимоий онини юксалтирмоқ учун «ўқимоқ ва ўқитмоқ» вазифасини қатъий қилиб кўяди.

Лекин у очган мактаблар, кенг меҳнаткашлар омма-син манфаатларини кўзлагани учун, чор ҳукумати, маҳаллий бойлар ва руҳонийлар қаршилигига учрайди. Мактабни ѐпадилар, ўзини эса таъқиб қиладилар. У тузган дарслик ва қўлланмалар («Енгил адабиѐт», «Ўқиш китоби» ва шу кабилар) эса нашр этилмай, қўлѐзмалигича қолиб кетади. Бу тасодифий эмас эди. Чор ҳукумати ва маҳаллий бойлар, руҳонийлар халқнинг маданий савияси юксалишини истамас ва бунга тўсқинлик қилар эдилар.

Маҳаллий аҳолининг энг илғор кишиларидан бўлган Ҳамза Ҳакимзода бу тўсиқлар ўзи учунгина эмас, халқ, жамият тараққиѐтига қарши қаратилганини, бойлар ва руҳонийларнинг халқни жаҳолат ва зулматдан қутқозишга қарши эканликларини англай бошлайди ва қаламининг ўткир тигини уларни фош этишга қаратади. Бойвачча унсурлар ва подшо цензураси эса Ҳамза асарларининг нашр этилишига тиш-тирноқлари билан тўсқинлик қиладилар.

Ҳамза тиниб-тинчимайди. Тараққийпарварлик ғояларини, халққа айтмоқчи бўлган ҳақиқатларни омма-лаштириш учун халқ куйларидан бир восита сифатида

фойдаланади. Шеърларини халқ куйларига мослаб, сод-  
да ва равон тилда ёзади. Кенг халқ оммаси бутунлай  
саводсиз бўлган шаронгда бу жуда қўл келар эди. Куй  
сўзга қанот бўлиб, шоир муддаосини кенг тарқалишига  
ёрдам қиларди.

Музика соҳасида ҳам қобилиятли бўлган Ҳамза ўзбек  
халқ куйларини ҳамда ўзбек халқи орасида кенг тарқал-  
ган уйғур, татар ва бошқа халқлар куйларини тўплайди,  
уларга шеър ёзиб, «Миллий ашулалар учун миллий  
шеърлар мажмуаси» деган умумий ном остида чиқара  
бошлайди. 1915 — 1917 йиллар мобайнида шундай уму-  
мий ном билан 7 та тўплами тош босмада босилиб чиқ-  
қан. Ҳамза уларнинг ҳар бирига гуллар номини қўйган:  
«Оқ гул», «Қизил гул», «Пушти гул», «Сариқ гул»,  
«Яшил гул», «Сафсар гул».

Бу тўпламларга киритилган шеърлар замонавий  
мавзуларда ёзилган. Уларда шоир халқ оммасини оғир  
аҳволдан қутулишга, илм-маърифатли бўлишга даъват  
этади. Шу билан бирга, бунга тўсиқ бўлаётган руҳо-  
нийлар, бойлар ва подшо амалдорларини қаттиқ танқид  
қилади. Ўзларини халққа юксак хулқ-атворли, олижаноб  
этиб кўрсатиб, маънавий устоз ҳисоблаб юрган руҳоний-  
ларнинг аслида нопок, мунофиқ эканликлари, халқни  
алдаб талашларини Ҳамза баралла очиб ташлайди:

Эшонларни ҳолиндан,  
Сўз очма аҳволиндан,  
Ҳамон таъма ишлари  
Халойиқни молиндан.

Тақво эмиш қилмишлари,  
Яъни шулдир ишлари:  
Фақир молин чайнарға  
Ўткир ўлғон тишлари.

Пирикомилнинг иккидир юзи,  
Эл чўнтагда юрганда кўзи.  
Устида малла, шиладир элни  
Қўлга кирганча мол ила қизи.

Руҳонийларгина эмас, бой, қози, мингбошилар ҳам  
оғизда ўзларини халқ ғамхўри этиб кўрсатишлари,

چهارم و ششمی: زبان و لغت و کلمات معنی

# ملی اشولار

۱۹۱۵

ملی شاعر محمد سیدان برنجی بولم

۱۹۱۵

۱۹۱۵

توق ۵۵۰ لری ایله ایشیتیب کیشر ملی اشولار بولمیش اولدو او رقی  
 بوقالسون اوچون بعضی شعرلار دیکه ملی شعرلار ترتیب بریب هر آهنگ  
 کوریا لایزنی تا پوب برنجی بولمیش اشولار کیشر سیدان ۱۰۰ اشولار تیزنه  
 تقدیر لایزنی اوزره بلر اولدو ۶ دان ملی اشولار بولمیش اوچون ملی شعر  
 ترتیب بریب ختم اولمیش اشولار کیشر تقدیر قیلدو ک . اگر در غنبت التفت  
 کوریا تیزدن ۲ - ۳۰ - ۵۰ نوبگی اولمیشی هم نظر عالیلرینه  
 تقدیر کیشر ایلمک ایلمک شرف قیادور .

برنجی طبعی

کورد ملی اشولار کیشر

„Миллий ашулалар“ мажмуасидан 1-бўлимнинг биринчи саҳифаси. 1915 йил.

аслида эса, халқни эзиш борасида ҳаммаси бир гўр эканлигини шоир фош этади:

Йўқ экан ҳисси миллият калонларда,  
Ҳаммасин эркан даъвоси забонларда.

Уламо, шайху эшон, бой, имом, қози, мингбошлар,  
Ҳамаси эркан бир дому каман ичра.

Рухонийлар ва бойлар ҳукмронлик қилиб турган бир шароитда уларнинг сирларини фош этиб кўрсатиш учун зўр жасорат керак эди. Ҳамза ана шундай азаматлардан бўлди.

Ҳамза халқ оғзаки ижоди фазилатларидан яхши фойдаланган. Ҳамзанинг халқ шеъри ва қўшиқларига хос хусусиятларни муваффақиятли ўзлаштира борганини унинг 1916 йилда нашр этилган «Яшил гул» ва «Пушти гул» тўпламларига киритилган «Мактублар» асарига кўриш мумкин. Бунда муҳаббат ҳақидаги ажойиб ҳаётий тушунчаларни икки тоза қалб эгалари — йигит билан қизнинг ўзаро ёзишган мактублари формасида берилади.

Йигит ёзади:

Машиначига бердим бўзни,  
Қамзул бир-ла тўнимни.  
Сенга қайдин боқдим бир йўл,  
Олдинг шул дам кўнглимни...

Баҳор келиб, қор кетмаса,  
Гул очилиб яшнамас.  
Мендай ҳеч ким сенинг дарду —  
Ғаминг бир-ла ошномас.

Бир кўрганда ошиқ бўлган йигитнинг бу сўзлари қанчалик самимий эканлигига қатъий ишонч ҳосил қилиш учун қиз ўзининг биринчи жавоб хатида шундай дейди:

Икки қизил гул шохига  
Елғиз булбул қўполмас.  
Ўз суйгани турган жойда  
Ўзга ёрни севолмас.

Бир қозонда икки таом  
Аралашмай пишарми?!  
Икки ёрга кўнгил берган  
Дунёда ҳеч яшарми?!

Бу самимий сатрларда муҳаббат ҳақида ибратли фикрлар айтилган. Ҳақиқатда кишилар бир-бирларига кўнгил берар эканлар унинг бўлинмаслиги уқтирилади. Қиз шундан сўнг ўз кўнглини ифодалайди:

Жоним, жоним сен ўйлама  
Ўзга ёрни севар деб.  
Кўзи бир-ла мендан бошқа  
Бир нарсани кўрар деб.

Йигит жавобда қизнинг фикрини маъқуллаб, ўз муд-  
даосини изҳор этади:

Суйган ёринг мен бўлай деб  
Доим йўлнингда пойлаб.  
Жоним тутиб суйдим сени  
Қизлар нчидан сайлаб.

Нозикдир қор оқ билагинг,  
Оғир нарса ушлама!  
Елғиз сени мен суйган, сўнг  
Сен ўзгани хушлама!

Ошиқ-маъшуқлар севгининг самимий ва мустаҳкам бўлишини талаб қиладилар.

Демак, Ҳамза Ҳакимзода ишқ-муҳаббат масаласида классик адиб ва шоирларимиз изидан бориб, самимий, вафодор ошиқликни куйлайди, бетайинлик ва беқарор-ликни қоралайди.

Буржуа миллатчи ёзувчилар ўзбек адабий тили тараққиётини бўғишга уриниб, ўзбек халқига сингмаган форсча, арабча ҳамда архаик сўзларни кўплаб ишлатиб, ўзбек адабий тилини оғирлаштиришга ҳаракат қилганлар. Улар Ҳамзанинг асарларида тил ва услубда соддалик ҳамда равонликка, ихчамлик ва аниқликка интилишини, адабий асар тилини халқ оммаси сўзлашув тилига яқин бўлишига ҳаракат қилганини «адабиётдан хабарсизлик» деб айблаганлар. Ҳамза бундай бўҳтонларга қарши қатъий норозилик билдириб, асар тилининг

халқчил бўлишини олға суради. Мен халқ учун ёзаман, асаримнинг тили «ҳақиқатда ўзбек тилида экан биз ўзбек тилига яқинлаштирамоққа киришдик», деб уларга кескин жавоб беради ва ўз йўлида дадил давом этади. «Бу — адабиётдан хабарсизлик эмас, ...елимизнинг тушунувига ўнғай бўлсин учун бўлса керак, деб шояд бизнинг тарафимиздан жавоб берувчиларда бўлур», — деб қатъий ишонади.

Бадий адабиётнинг ғоявий жиҳатдан халққа хизмат қилиши учун курашган Ҳамза, адабий тилнинг халқчил бўлиши учун ҳам курашгандир.

Ҳамза кўп мутолаа қилган. Уқиган китобларида кўнглига маъқул бўлган фикрларни кўпинча ён дафтарига ёзиб борган. Унинг шахсий архиви материалларини кўздан кечирар эканмиз, ён дафтарнинг инқилобга қадар бўлган қисмида қуйидаги ёзувни учратдик:

«Мен 12 ёшимда Форёбий адибнинг китобинда бу шеърни ўқиганман:

Май бихўр, мусхаф бисўз, оташ андар каъба зан,  
Сокини бутхона бошу мардум озори макун.

(Туркиси: «Ароқ ич, диндан чиқ, каъбани ёқ, бутга чўқин-да, кишининг дилина озор берма»).

Ёшлигидан инсонпарварлик руҳида тарбия топган ва кишига озор беришни энг қаттиқ гуноҳлардан деб билган Ҳамза камбағал бечораларни хўрловчи, уларга жабр-зулм қилувчи бойлар, руҳонийларга кучли нафрат билан қарагани бежиз эмас.

Ҳақиқий санъаткорга хос ўткир кўз, зийрак ақл-идрок эгаси бўлган Ҳамза, ҳаёт воқеаларини чуқур реалистик тасвирлаш билан бирга, адабиёт, умуман маданиятимиз ҳақида, унинг тараққиёт йўли ҳақида фикр юритганда ҳаёт тенденцияларини тўғри тушунган, масалага тўғри, илмий ёндошган.

Ўзбек халқининг маданий тараққиёти ҳақида қайғурар экан, уни мамлакатимиздаги бошқа халқлар маданиятидан ажралган ҳолда кўрмайди, балки улар билан бирга, уларнинг ютуқ ва тажрибаларидан фойдаланиб тараққий этиш — ҳаётий ҳодиса бўлиб, буни қўллаш кераклигини олға суради. Шу муносабат билан у рус маданияти ҳақида, рус тили ҳақида алоҳида гапириб ўтади. У ўз халқини рус халқи билан биродарликка, рус

маданиятини ўрганишга, бунинг учун аввал рус тилини билишга чақиради. Ҳамза Фурқатнинг бу соҳадаги ишларини зўр эҳтирос билан давом эттиради. Буржуа миллатчилари ва руҳонийларнинг бу йўлдаги тўсиқларига қарши махсус мақолалар ёзади. Уларда ўзбек халқи улуғ рус халқи маданиятини самимият билан ўзлаштираётганини кўрсатиб, унга тўсиқлик қилиш беҳуда уриниш эканлигини қайд қилади. 1914 йили муаллимларга мурожаат қилиб ёзган мақоласида шундай дейди:

«...носиҳ улуғ зотлар тарафиндан мажбур бўлган жоҳил авом ота, оналар «Қўй, ўрусча ўқума, икки дунёда ҳам рози эмасман!» товушлари била силтаб қичқирिशлари, қирқ, балки эллик йилдан бери ватандошимиз ва ҳукуратимиз бўлган Русия ила лисонда ва муомалада хусусан тижоратда *танишув, билишув, бирлашув* йўлларига тўсиқ бўлиб қилган қаршиликларидагина иборат бўлиб чиқади. Ҳолбуки, ҳаммамизнинг *тижоратда* ва *муомалада* (таъкид бизники — Ю. С.) ҳатто албисс ва аъималарда ихтиёжимизнинг *кундан-кунга ортиб* турмоқлиги кўз олдинда қуёш каби кўринмоқдадир». Ҳамза сўзида давом этиб ёзади: «Сиз ҳам ўғлингизни русча ўқитувга беринг... Кўрасизми, бошқа миллатлардаги халқ илм учун ёшгина ўғил ва қизларин Овруподан Америкага, Осиёдан Оврупога, демак тўрт-беш йил мусофир қилиб юборадилар. Лоақал сиз кўз олдингизда бўлган русско-туземни мактабларига беринг».<sup>1</sup>

Бинобарин, Ҳамза халқлар маданиятларининг бир-бирига таъсири, бир-бирини бойитиб бориши жараёнини ҳаётдан кўра олган, уни қонуний жараён эканини тўғри тушунган.

## ХАЛҚ ОЗОДЛИГИ ЙЎЛИДА

Халқнинг жафоли ҳаётини тасвирлашда, бойлар, руҳонийларнинг золимлигини фош этишда шоир тобора илгари қадам ташлайди. Бу унинг «Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари» пьесасида аниқроқ ифодаланган. Бу асар 4 пардали фожиа бўлиб, 1915 йилда ёзилган ва 1916 йилнинг охирида литографияда нашр этилган. У тезда прогрессив жамоатчиликнинг диққатини ўзига тортади ва театр ҳаваскорлари томонидан сахнада кўр-

<sup>1</sup> «Садон Фарғона» газетаси, 1914 йил, 25 октябрь, № 76.

сатилади. Бу тўғрида Маннон Мажидов — Уйғур ўз хоти-расида шундай ёзади:

«Мен Ҳамза билан 1916 йилда учрашганман. У вақт-гача Ҳамзани шоир сифатида ғойибона билар эдим. Бир кун Тошкентдаги китоб дўконларидан бирига кирсам, бир одам Ҳамзанинг янги чиққан шеърлари тўпламини қўлига олиб, китоб сотувчи билан гаплашиб турибди. Унинг «Бу китобларни халқ оляптими?» деб сўраганини эшитиб қолдим ва шу замони бориб китоб сотувчидан секингина «Бу киши ким бўлади?» деб сўрадим. У менга: «Бу киши Ҳамза»,— деди. Мен дарров шу ернинг ўзидаёқ у билан танишдим. Биз шу китоб дўконида у билан анчагина суҳбат қилдик...

Шу биринчи учрашувдаёқ, мен Ҳамзанинг шоир, ҳақиқий маорифпарвар эканлигини уқдим. Шу суҳбатда Ҳамза менга бир театр асари ёзиш фикри борлигини айтиб қолди. Орадан кўп ўтмай, унинг «Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари» пьесаси босилиб чиқди.

Ҳамза бу асарида бойлар ва руҳонийларнинг меҳнаткаш халқни эзиб келишини, хотин-қизларнинг инсоний ҳуқуқларидан маҳрум бўлиб, жабр-зулмда эзилаётганликларини тасвирлайди. Биз театр ҳаваскорларини бу асар жуда қизиқтирди ва уни дарров саҳнага қўйиш ҳаракатига тушдик. Мен бу спектаклда бой ролини ўйнадим».

Пьесанинг асосий қаҳрамони меҳнаткаш косиб қизи Марямхондир. У ақлли, одобли гўзал қиз. Уни ўқинмишли бир бойвачча — Маҳмудхон севиб қолади. Марямхон ҳам уни севади. Бу икки ошиқ оилавий турмуш қурмоқчи бўладилар ва биргаликда элга хизмат қилишни орзу қилдилар. Лекин уларнинг бу орзулари қаттиқ қаршиликка дуч келади. Аввало бунга Маҳмудхоннинг отаси кўнмайди, камбағал косибга қуда бўлишни ўзига эп кўрмайди. Бунинг устига Марямхоннинг ёшлигида Эшонга назр этилгани маълум бўлиб қолади. Ҳазрат Эшоннинг беш хотини бор бўлиб, улар устига Марямхонни олмоқчи бўлади. Ҳазрат Эшон қизларни ёшлигида назр қилиш одати орқали Марямхонни ўзига боғлаб олган. Қанча-қанча гўзал қизларнинг умрини хазон қилган бу ярамас одатга қарши бой ҳам, Марямхоннинг отаси ҳам ҳеч нима демайдилар. Абдиқодирбой айтганидек, «Ҳазрат Эшонга бўлганидан кейин гап тамом».

Маҳмудхон бу одатга эътироз билдириб, беш хотини



устига яна ёш қизга Эшоннинг чағи солиши инсофдан эмаслигини гапирганда Абдиқодирбой шундай жавоб беради: «Эй бойваччахон! Сиз ёш-да ҳали, текин назр бўлгандан кейин ким олмайди дейсиз! Аввал шундай ҳазрат эшонлардан иш кетган-да! Бўлмаса, бир оёғлари гўр оғзига бориб қолган бу кишига ким қўйипти мунча ёш хотинни». Дин, шарият аҳлларига ихлос билан қараб келган ва уларнинг бундай ярамас ишларининг кўпини кўрган бўлса-да, индамай келган Абдиқодирбой энди ёрилади. Эшоннинг ноинсофлигига иқрор бўлади, «шундай ҳазрат эшонлардан иш кетган-да!» дейиши ҳақиқатан тўғри гапдир. Эшоннинг бузуқлигини эшонларга ихлоси бор кишилар томонидан бундай фош этиб кўрсатилиши ёзувчининг ҳаётни нақадар яхши билганини ва бадний маҳоратини кўрсатувчи бир фактдир.

Марямхоннинг ота ва онаси назр қилиш одатига хайрихоҳлик билан қарайдилар, чунки улар дин, шарият ҳукмрон бўлган шароитда бундай одатларга кўникиш руҳида тарбия олганлар. Айниқса Марямхоннинг отасида фарзандга муҳаббат туйғусидан кўра Эшонга эътиқод туйғуси устун туради. Уқиб, оқу қорани таниб, янгича фикрли бўлган Марямхон эски урф-одатларни янчиб ташлашга интилади. Хотин-қизларнинг бир буюм каби узатиб юборилишига қарши чиқади, уларнинг ихтиёри билан ҳисоблашувни талаб қилади. Бу ишда ўзига Маҳмудхон ҳамроҳ бўлар деб ўйлайди, Марямхон. У Маҳмудхонга ёзган хатида шундай дейди: «...иқковимиз элимизнинг Сиз қуёши бўлганда мен моҳитоби бўлиб қоронғи ватани ёритайлик. Сиз эрларимизнинг ҳолидан, мен мазлума оилаларимизнинг ҳолидан газеталарга ёзишиб, бир-биримизни огоҳлантирайлик. Гарчи Сиз тижоратда бўлсангиз-да, чин мақсудингиз бўлган қизлар мактаби очайлик: мен маънавий, Сиз моддий хизматда бўлинг, чин яшайлик...» Бу фикрга Маҳмудхон қўшилса-да, унда жамиятга хизмат қилувдан кўра, кўпроқ ўз шахсий манфаатини кўзлаш устунлик қилади. У отаси бой оиладан уйлантирмоқчи бўлгани ҳақидаги гапни эшитиб шундай дейди: «Мен бой қизни нима қилай! Ҳа, ўзимни эндигина жаҳолатдан қутқазган вақтда яна бир жоҳилага, рўдапога умрдош бўламанми? Менга ҳаёт керак. Ҳаёт учун энг кўнглим истамини мақсад керак. У мақсад эса (бош қимирлатиб) Марямхондан бошқа эмас, бошқа эмас.

Маслакда, фикрда, илмда энг биринчи ҳаётдош бўлиб турган Марямхонимдек ҳақиқий бир кўнглим жононаси турганда, менга дунёнинг ҳар бир орзусини, ҳар бир пари каби бойлар қизини ҳавас қилмоқ ҳаром».

Марямхонга уйланиши учун отасининг рад жавобини эшитган Маҳмудхон таажжубланади: «Эй жоҳил оталар, жоҳила оналар. Мен орзу-ҳавасни нима қилай? Орзу-ҳавас ўзимнинг истаганимдан бошқа нарса эмас». Лекин Маҳмудхон ўз орзусига эришув учун кураш олиб бормайди. Ўз раъйи йўлида отасининг кўнишига умидвор бўлади. Лекин бунда ҳам муддаосининг тўғрилигини исбот қилиб эмас, балки ёлғиз ўғил бўлганлиги билан ота меҳрини овламоқчи бўлади. Отасининг розилигини олиш учун борган Абдиқодирбой рад жавобини олиб келганда «Ахир ўз-ўзини бир балога гирифтор қилади, демадингизми?» деб отасини чўчитмоқчи бўлади.

Руҳонийларнинг ноинсофлигига қарши чиқиш масаласига келганда Маҳмудхон жуда ҳам ожизлик қилади. Эшоннинг беш хотини бўлиб, устига яна Марямхонни олмоқчи бўлганини эшитганда «Бешта экан, буни нима қиладилар энди» дейди, холос. Автор аниқ лавҳаларда Маҳмудхоннинг маънавий пучлигини фош этиб ташлайди. Бу ҳол унинг Марямхон билан суҳбатида очиқ кўринади:

**Маҳмудхон** (*туриб*). Бош устина, хоним. На азият, марҳамат эмасми?! Тушнинг, менингча эътибори йўқ, лекин... (*сукут*).

**Марямхон** (*қўрқиброқ*). Афандим! Сукут этдингиз?

**Маҳмудхон** (*рўмолчасини олиб, кўз ёшин артиб*). Хоним... Иккимизга бир уқубат борга-да ўхшайди!

**Марямхон** (*чўчиб, Маҳмудхон қўлини тутиб, ошиқиб*). Нима, нима? Уқубат!

**Маҳмудхон** (*қўлини тутиб*). Қани тил, они сизга айтмакка, жоним!

**Марямхон** (*ҳамон ялиниб*). Мен эшитиб турган сўзларимдангина эмас, дедим-ку, кўрган тушларимданда хавфланган эдим. Айтинг, нима хабар экан?! Нима сўз?!

**Маҳмудхон**. Энди ўзим ҳам айтмоққа мажбурман, лекин кўнглим бўлмайди.

**Марямхон** (*йиғламсираб*). Йўқ, айтинг!

Маҳмудхон. Мен кеча бир кишини отамга юборган эдим. Ул киши сўзича, отам қабул қилмаган эмиш. Майли, энди ул қабул қилмаса қийинчилик бир тарафда экан, иложи осон эди. Энди Сизнинг тарафда бир мушкул борки, ҳар бир нарсадан у масала оғир.

Марямхон. Хайр, нима экан?

Маҳмудхон. Сизнинг ота-онангиз Ҳазрат Эшонга назр қилмиш эканлар (*Марям чўчир*), эҳтимол, шу ойлар орасида тўй бўлур эмиш. (*Марям чўчиб тушар, манглайин тутар.*) Энди мен эса бу тўғрида кўп оғир ўйга қолдим».

Бойваччанинг ношудлигига қарши, Марямхон ўзининг қатъий сўзини айтади: «...қўлимдан келган қадар ўзимни ул золим қўлидан қутқаза олурмен. Жоним, гап Сизда, Сиз-да ўз ваъдангизда қарор этсангиз, албатта мен жон борича ҳаракатда бўлурмен... Яна мени фақир деб ташламангиз, жоним! Мен ўзимча фақир бўлмадим».

Иш Марямхон айтганидек бўлмайди, у энди шарият йўли ва ота-онасининг қўли билан қанотлари бойланиб, Ҳазрат Эшон чангалига топширилади.

Пьесанинг иккинчи пардасида Эшон уйида Марямхон билан Эшон ўртасидаги мунозара тасвирланади. Воқеа ривожланиб, характерлар тобора очилиб боради. Эшон гаплари унинг кўнглини, ниятини аниқ ифодалайди. Марямхоннинг оқилона ва ўткир сўзлари Эшон гапларига жавобан бўлмай, унинг даъволарининг асосси ва мунофиқона эканлигини очиб ташлайди.

«Эшон. ...Менинг уйдаги бешов хотинимнинг қайси бири сендан хунук! Улар сендан бойроқ одамларни қизи. Сен бир гадоё косибди қизи-ку, шу бечора ҳолингга мунча ноз қиласан! Менинг берган ёғ, биринчим била ота-онанг ош кўрди-ку. (*Бўйинини кўрсатиб.*) Менинг пулим билан бўйининг маржон кўрди-ку!

Марямхон (*аччиғи-ла маржонни узиб отиб, ерга уриб*). Ол бисотингни! Менинг гавҳарим бор, қувватим бор, менинг кўзимга кўринмайди мундақа нарсалар!.. Мен безор мундоғ заҳарли давлатдан, матлабсиз ҳаётдан...

Эшон. Ота-онанг берган. Азрўйи шарият, имом ниқоҳ қилган. Улар сенчалик билмайдимми?!

Марямхон. Дедим-ку, отам, онам жоҳил, дунёпараст. Имомлар ҳам шул. Шарият бошинда турувчи-

ларга ақча бўлса бўлур. Бир соҳиб тақвойи зоҳид эшон сенми, сенми?! Бошқаси нима бўлади энди».

Бу гаплар эшон бағрига шундай санчиладикни, у эсанкираб қолади, буни ўзи ҳам сезиб туради ва гапни бошқа тарафга бурмоқчи бўлади:

«Эшон (ниҳоятда ғазаб билан). Мен сен билан масала талашгани олганим йўқ...

Марямхон (жаҳл била). Мен ҳам сен билан ҳаёт этгани келганим йўқ...

Эшон (жаҳл била). Нима учун келдинг?

Марямхон. Мажбурият келтирди мени, жаҳолат келтирди, зулм, зулм келтирди».

Ҳақиқатан ҳам, Марямхон зулм гирдобиди қолади. Маҳмудхон унга ёрдам қилишдан ожиз. Эскилик, жаҳолат ва зулмнинг мужассами бўлиб гавдаланган Ҳазрат Эшон чангалидан қутулиш Марямхонга жуда қийин бўлади. Эшон ҳамма ёққа тузоқ қўйган, ҳатто ота ва онасининг ҳам кўнглини овлаб, ўзига ипсиз боғлаб олган. Шариат унинг қўлида, ҳукумат уни ёқлайди. Бу офир ва кўп машаққатли аҳволни тасаввур қилган Марямхон ўзича шундай муҳокама қилади: «...энди мени бу мунофиқ, бу мунофиқ, бу бетавфиқ қўймас экан. Энди ҳамон бундан халос топганим бир-ла, аввалда олиб бермаган Маҳмудхоннинг отаси энди икки бошдан ҳам олиб бермайди. Энди бир илож била бу золимдан ўзимни қутқазмоқ учун ўлдирмоқдан бошқа чора йўқ! Бу заҳарли ҳаётдан ўлим яхши!..» Марямхон худди шундай қилишга мажбур бўлади. Эшон уйдан қочиб, ўз уйига келади, яна қайтмаслик учун заҳар ичади ва бетоб бўлиб қолади.

Асарнинг учинчи пардасида Марямхон ўз уйда бетоб бўлиб ётгани тасвирланади. Бу ерда она била бола ўртасида бўлиб ўтган суҳбат диққатга сазовордир. Ёзувчи бу ерда умуман хотин-қизларнинг ҳуқуқсизлигини, ҳатто она ўз фарзандига бўлган ихтиёрдан ҳам маҳрум этилганини кўрсатиб ўтади. «Жоним болам, менда нима ихтиёр бор эди,— дейди Марямхоннинг онаси,— отанг сабаб бўлди, мени ўз ҳолимга қўймади, мен қандоқ қилай. Мени ризолигим бормиди сени шундоқ ҳолларга қолмоғингга, жон қизим... мен, сенда нима ихтиёр бор!» Марямхон бу аҳволни тушунади, лекин кўникиб қолган оналарнинг ҳам жим турмасликка, курашга чақиради. Унинг «Сиз, йўқ, деб турсангиз отам ҳам

бир оз қабул қилар эди» дейиши шуни кўрсатади:

Марямхон эскиликка қарши қаҳрамонона курашда ҳалок бўлади. Унинг ўлими эски, заҳарли ҳаётга қарши бир айбномадир. Маҳмудхон эса курашдан четда турди, қўрқоқлик қилди, у маънавий жиҳатдан ўлик кимса эди. Шунинг учун ҳам жисмоний ўлими уни оқлай олмайди. Маҳмудхон қиёфасида ёзувчи либерал буржуа интеллигенти учун характерли бўлган журъатсизлик, иккиланиш, курашда қўрқоқлик каби хусусиятларни реалистик тасвирлаб берган.

Марямхон вафодор, жасоратли, курашчан, ўз ишининг тўғрилигига ва унинг ғалаба қилишига қатъий ишонган меҳнаткаш аёл образидир. Бўйсунмаган Марямхон билан Ҳазрат Эшон ўртасида шундай гап ўтади:

«Э ш о н. ...Сенинг мендан халос топаман деган умидинг ҳам борми?»

М а р я м х о н. Бор, албатта, ҳар тарафдан бор.

Э ш о н. Қандоқ халос бўласан?»

М а р я м х о н. Иншоолло, бўламан! Ҳозир бўлмасе ҳам ахири бир кун бўламан!»

Ҳамза ижодининг турмуш билан, халқ озодлиги ҳаракати билан боғлиқ бўлиши уни янги ижодий муваффақиятлар сари етаклади. У реалистик методни эгаллашда замондошларидан анча олдинда борди. Ҳамза реализмининг ютуғи, аввало шунда кўринадики, у ўша вақтдаги ижтимоий адолатсизликларни танқид этибгина қолмай, ижобий фикрни ҳам олға сурди, ижобий қаҳрамон образини яратди. «Заҳарли ҳаёт» асаридagi Марямхон образи бунинг аниқ далили бўла олади.

Марямхон тилидан айтилган бу озодлик орзуси Октябрь революцияси туфайли рўёбга чиқди. Бу шуни кўрсатадики, Ҳамза меҳнаткашлар оммасининг синфий онги тобора юксалиб, ўз куч-қудратига ишончи тобора ортиб борганини тўғри фаҳмлаб олган ва буни пьесадаги асосий образ Марямхон қиёфасида ҳаққоний тасвирлаб берган. Бу эса ёзувчининг гоёвий-бадий тушунчаси юксала борганини кўрсатадиган далилдир. Асарга «Заҳарли ҳаёт» деб ном қўйилишининг ўзи ёзувчининг эски ҳаётга муносабатини очиқ кўрсатиб туради.

Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг академиги И. М. Мўминов «Ўзбекистонда XIX асрнинг охирлари ва XX асрнинг бошларида ижтимоий-фалсафий тафак-

курнинг ривожланиши тарихидан» деган илмий тадқиқотида Ҳамзанинг ғоявий эволюциясини таърифлаб, шундай дейди: «1916—1917 йиллар ичида Ҳамза халқ оммаси қуролли кўзғолонлари таъсири остида демократ-маърифатпарварлик йўлини давом эттириб, революцион-демократ позициясига, бус-бутун демократизм позициясига кўчади». (Танланган асарлар, биринчи том, Тошкент, Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1969, 387-бет.)

Муқимий, Фурқат каби демократ ёзувчилар, айниқса улар традицияларини янги шароитда ривожлантирган Ҳамза Ҳакимзоданинг ўзбек адабий тилини ишлашдаги, уни халқ жонли тили дурдоналари билан бойитишдаги роли катта бўлди. Ҳамза тасвир воситаларининг, тилининг содда ва аниқ, шу билан бирга, қуюқ маъноли бўлиши ва янги сўзлар, айниқса халқ жонли тилидан олинган сўзлар билан бойиб бориши учун курашди. Унинг «Заҳарли ҳаёт» пьесаси кенг халқ оммаси учун тушунарли, халқнинг жонли сўзлашув тилида ёзилган. Бу нарса юқорида келтирилган парчалардан ҳам кўриниб турибди. Ёзувчи ўзбек тилининг ривожланиши тенденциясини, айниқса, янги термин ва иборалар билан бойиб боришини тўғри ақс эттирган. Ўзбек халқининг улуғ рус халқи тили ва маданиятидан баҳраманд бўлиши натижасида янги сўзлар билан бойиб боришни кўрсатиб ўтади. Масалан: *стол, табуретка, каравот, контора, пальто, артист, электр* каби сўзларни Ҳамзанинг 1916 йилда нашр этилган «Заҳарли ҳаёт» асарида кўрамиз. Демак, Ҳамза тил тараққиёти масаласида ҳам тўғри позицияда турган.

Ҳамза халқни маърифатли қилиш, ёш авлодни илмли ва маданиятли бўлиб етишуви учун курашар экан, хотин-қизлар масаласига алоҳида эътибор беради. Уларнинг оналик ролини юксак қадрлаб, қулликда ва жаҳолатда сақланишига чидаб туролмайди. Тенг ҳуқуқли ва илмли бўлишлари кераклигини қайта-қайта уқтириб ўтади.

«Янги саодат» повестидаги асосий образ Олимжон тилидан Ҳамза шундай дейди:

«Матбуот саҳифаларига кўз солиб юрган Олимжон бизим Туркистон мусулмонларининг бу қадар ваҳшат ва жаҳолат остида эзилиб, ҳар ишда ярим йўлда қолувларига сабаб ва иллатларини фикр қилганда, эрлар та-

рафимизда бир озгина қувван илм бор каби кўринса ҳам, хотин-қиз тарафимиз ул шараф, ҳақиқий руҳдан маҳрумликда қолиб, доим жафо ва меҳнат, гафлат ва узлатдан бошқа бир тарбия била ҳақиқий сиҳатга етуша олмаганидан иборат бўлиб чиқар эди».

1916 йили нашр этилган «Оқ гул» шеърлар мажмуасида эрлар билан қизлар диалоги тарзида ёзилган шеърда шоир ўз муддаосини аниқ ифодалаб берган. Айрим парчалар келтирамиз:

#### Э р л а р:

Уқимаслар бизни қизлар маърифатсизлар,  
Ўз ҳолидан хабарсиз бир онладирлар.  
Ўзлари маҳбус, қўллари боғлу доми гафлатда,  
Диллари сезмас, кўзлари кўрмас жоҳиладирлар.

#### Қ и з л а р:

Нечук дерсиз «Бизни қизлар маърифатсизлар,  
Ўз ҳолидан хабарсиз бир жоҳиладирлар».  
Бизни маҳбус, қўлимизни боғлу, кўзни кўр қилган  
Дин хонни мозоринда хок иладирлар.

#### Э р л а р:

Ўқув надир, мактаб надир бесамардирлар,  
Маорифнинг чашмасидан хушкардирлар.  
Туғмиш бизни энг муқаддас онамиз, аммо,  
Ўзлари оналик шарафинини беҳабардирлар.

#### Қ и з л а р:

Ўқув фарздир, мактаб йўқдир на ўқур қизлар,  
Мактаб очиб бердингизми, кирмадик бизлар?!  
Оналикни қадрин билмоқ илм ила эркан,  
Надеб ўқутув чорасини қилмадингизлар?!

Шоир бу сатрларда хотин-қизларнинг ўз даъволарида тамоман ҳақли эканликларини самимий ифодалаб берган. Дин, хурофот, феодал ва колониал зулм ҳукмронлик қилиб турган бир даврда шоирнинг ўзбек хотин-қизларини маърифатли этиш ҳақидаги бу ҳақли овози зулматга қарши бир ҳайқириқдек эшитилади. Бу албатта зўр жасорат эди.

## ШУНДОҚ ҚОЛУРМУ?!

Биринчи жаҳон империалистик уруши меҳнаткашларнинг аҳволини янада оғирлаштирди ва уларнинг чоризмга қарши норозилигини кучайтириб юборди. Фронт ишлари учун аҳолини сафарбар қилиш ҳақида 1916 йил 25 июнда эълон қилинган подшо фармони халқгазабини янада оширади, кўп жойда халқ қўзғалади. Бойлар, феодаллар ва руҳонийлар эса империалистик урушни ёқлаб, чор ҳукуматига ёрдамлашадилар, халқни подшо фармонига бўйсунтиришга даъват қиладилар ва меҳнаткашлар оммасининг тобора кучайиб борган революцион бўронига қарши ғов бўлишга уринадилар. Жаҳид ёзувчилари ҳам ўз хўжайинлари кетидан бориб, чор ҳукумати сиёсатини маъқуллаб, халқни мардикорликка боришга чақириб «асарлар» ёзадилар.

Халқни чин кўнгилдан севган Ҳамза Ҳакимзода чор истибдоди ва маҳаллий бойлар, феодаллар жабр-зулмига қарши бош кўтарган меҳнаткашлар оммаси билан бирга бўлади, империалистик урушга қарши халқ норозилигини ифодалаб шеър ва қўшиқлар ёзади. Шоир ўзининг «Миллий ашулалар» тўпламининг 7-бўлими — «Сафсар гул»<sup>1</sup> муқовасига «Ватан ишчиларининг забун ҳолидан» деб ёзиб қўйганки, бу шу тўпламга киритилган шеър ва қўшиқларнинг мазмунидан дарак бериб туради. Тўпламдаги кўп лирик шеърларда («Соғиниб», «Салом айтинг») подшолик қиличининг кучи билан фронт ёқасидаги оғир ишга ҳайдалган йигитларнинг азобли ҳаёти, уларнинг кўнгиллари беқарам ва муҳтожликда қолган ота-она, опа-сингилларида, ўғил ва қизларида экани тасвирланади. «Соғиниб» шеърини олиб кўрайлик. Мардикорлар иши устидан назорат қилиб турган юзбошининг «Ишла!» деганига мардикор йигит шундай жавоб беради:

Қаттиқ тегма менга мунча юзбошим,  
Оқузма кўп ғамим узра кўз ёшим.  
Юрак-бағрим ўзи ҳадсиз эзилган  
Юрту ватан, элларимни соғиниб.

<sup>1</sup> Ҳамзанинг бу тўплами 1917 йил апрель ойидагина босилиб чиққан.— Ю. С.



Олти ойдир тушдим мундоғ ғурбатга,  
Суйганларим ташлаб бирдан фурқатга,  
Дилим қондир ширин ўғлон, қизларим,  
Муҳаббатлик дилбаримни соғиниб...

Тушса ногоҳ қайси бири ёдимга,  
Фалак титрар чин оҳ урсам додимга,  
Босолмасдан кўнглим кетар дам-бадам,  
Қари ота, модаримни соғиниб.

Шоирнинг қалб нидолари бўлган бу парчалар имперналистик урушга сафарбар этилган меҳнаткашларнинг чуқур қайгуларини ва озодликка интилишларини ифода қилади ва киши кўнглида одамларни бундай азобларга дучор қилган подшолик тузумига қарши қаттиқ ғазаб кўзғатади.

Бойлар, руҳонийлар зулмига, подшо истибдодига қарши ғазаб ўтини сочиб, курашиб келган ва кенг халқ оммасининг илмли, бахт-саодатли бўлишини орзу қилган Ҳамза 1917 йил февраль инқилобининг секинча билан кутиб олади. Подшоликнинг тугатилишидан қувонади. Лекин унинг бу секинчалари узоққа чўзилмайди. Вақтли ҳукуматнинг моҳиятини аввал тушуниб етмаган Ҳамза бора-бора уни англай бошлайди. Ҳаёт, тажриба, большевикларнинг тушунтиришлари унинг кўзини равшанроқ очади, тарихий тараққиёт ҳақиқатини англашига ёрдам беради.

Ҳамза 1917 йил март ойида Қўқон шаҳрида «Кенгаш» номида журнал чиқара бошлайди. Бироқ бу журнал бир номери чиқиши биланоқ ҳужумга учрайди. Журнал атрофига тўпланган зиёлилар турли ижтимоий табақаларга мансуб кишилар эди. Улар ўртасида анчагина бойвачча унсурлар ҳам бор эди. Ҳамза тутган йўл улар манфаатига зид келади. Бу тўғрида янгидан чиқара бошлаган «Хуррият» журналининг 1917 йил 7 апрель сониде Ҳамза шундай ёзади:

«Кенгаш» исмида бўлиб чиққан журналда муаллимлар ношир ва камина мудир ва масъул муҳаррир эдим. Матаассуф, бир номернинг ўзидагина иттифоқ ўзгарди, бундай ҳуррияти калом вақтида тилимни сўзлабдан, қаламимни ёзувдан тўхтатдилар... Эски ҳукумат вақтида ўнар турли газетага бир цензор қаровина қарши, менинг ўн беш кунлик журналим бирдан тўрт цензор тахт назоратина олинди. Мана шунинг учун соф виж-

доним янгидан бўлган бу истибодни ҳаргиз қабул этмаганга, дафъатан эшитилишга айб бўлса ҳам, мудир ва муҳаррирликка истеъфо бермоққа мажбур бўлдим».

У кейинроқ (1926) ёзган қисқача таржимаи ҳолида бу тўғрида шундай дейди:

«1917 йил (февраль) инқилоби киргандан кейин турли ташкилотларда хизмат қилиб юриб келганман. «Кенгаш» жамияти исминда журнал чиқардим.

«Кенгаш»нинг 2 номерига ёзиладиган баъзи мақолаларимнинг бойлар, уламолар шахсига доир бўлганга бойвачча унсурлар қарши туриб, мени чиқардилар. Ундан сўнг ўзим алоҳида ташкилот очиб, «Хуррият» журналини чиқардим. Бу ҳам шундай қаршилик орқасида 5 номердаёқ мендан олдилар. Ундан сўнг, потребитель очдик. Ундан ҳам мақсад камбағалларни тўплаш эди. У ҳам қўлдан кўчди...

Бир ёқдан 1917 йилнинг 28 майида Қаландархонада (Қўқон шаҳрида бир майдон номи) 400 га яқин рабобчиларни тўплаб зўр намоёиш қилиб, «Рабочий, меҳнаткашлар жамияти» ташкил қилдик. Ахири бунга ҳам бойвачча унсурлар кириб келиб, буни ҳам булғаштирдилар. Бу кунгача давом этмоқда бўлган «тўртинчилик» унвонининг бош муассислари шул ташкилотдир. Ҳозирда менда даъватномалари сақланадир. Ундан сўнг, мақсадим бўлмагач, Туркистон шаҳрига кетдим. Туркистонда Қалмаков деган бир завод рабобийси билан ўзимни овунтириб, соат кутади эдим. Оз ўтмай Октябрь инқилоби бошланди».

Бу ҳаёт далиллари шуни кўрсатадики, Ҳамза буржуа ҳукумати сиёсатидан қатъий норози бўлган ва уни «янгидан бўлган истибод» деб қоралайди. Халқни яна қўлликда сақлашга интилган миллий буржуазия ва унинг ҳамфикрларига, бойвачча унсурларга кескин қарши чиқиб, мамлакат истиқболини улар қўлига топширишга ишончисизлик билдиради. Шоир уларни «ўз касбидан уялмаган даррандалар», деб атайди ва чоризм қафасидан қутулган халқларнинг буржуазия қафасига тушиб қолмай, ундан ҳам озод бўла олишга қатъий ишонч билдиради. Уша вақтларда ёзган «Шундоқ қолурму?!» шеърисида дейди:

Шундоқ қолурму, қолурму?!  
Ҳамон ваҳшатда қолурму?!

Нафе-шаҳват қурбонлари,  
Сизга ишониб бўлурму?!  
Туркистоннинг истиқболи  
Сиз хоинларга қолурму?!

Қафасдан бўшалган ҳар қуш  
Қайтиб ўзини солурму?!  
Қонхўр зolimлар, ўйлайсиз,  
Мазлумлар сизга қолурму?!  
Филҳақиқат даррандалар  
Ўз касбидан уялурму?!

Ҳамза мазлум меҳнат аҳллариининг орзуси озодлик эканини, бунга эришсалар қатъий туришларини «Қафасдан бўшалган ҳар қуш қайтиб ўзини солурму?!» деб образли ифодалаб берган. Бу ўринда «Заҳарли ҳаёт» пьесасидаги Марямхоннинг Эшонга қарши: «Ахири бир кунни озод бўламан!» деган умидини эсласак, Ҳамзаниннг халқ озодлигига, унинг қудратига қатъий ишончи аниқ кўринади.

Ҳамзаниннг бутун фаолияти халқ билан, унинг озодлик учун кураши билан боғланган эди, асарлари эса, халқчил ижод меваси эди.

У санъат ва адабиётни халққа хизмат қилишнинг қудратли воситаси деб биларди. «Қадимий Қўқонда туғилиб, табиатдаги жамки гўзал нарсаларга муҳаббат руҳида тарбияланган Ҳамза,— дейди Н. С. Тихонов,— халқни асрий зулмат ва қолоқликдан қандай қутқазиш, унга илм, фан ва бахт-саодат нурини қандай қилиб бағишлашдан иборат энг муқаддас орзу-умидларни ифодалаш мақсадида санъат ва адабиётга янгилик кириштишга интилди».

Халқнинг қуллик ва нодонликда сақланишига қарши норозилик ва унинг бу аҳволдан қутула олишига ишонч Ҳамза ижодида тобора кучая боради. Бу нарса уни социалистик революциянинг оташин куйчиси даражасига олиб келади.

## ИНҚИЛОБ КУЙЧИСИ

Улуғ Октябрь социалистик революцияси мамлакатимизда яшовчи барча халқларни озодликка чиқарди ва тенг ҳуқуқ берди, уларнинг моддий фаровонлиги ва

маданий савияларининг тинмай юксалиб бориши учун кенг йўл очди. Ўзбек халқи ҳам Коммунистик партия раҳбарлигида улуғ рус халқининг ва мамлакатимиздаги бошқа халқларнинг қардошларча ёрдами туфайли сиёсий, иқтисодий ва миллий зулмдан абдий озод бўлди ва социалистик тараққиётнинг кенг йўлига чиқиб олди.

«Социализм...— деган эди В. И. Ленин,— меҳнаткашларнинг ҳақиқатан кўпчилигини шундай иш майдонига торттиш учун биринчи марта имкон берадики, улар бу иш майдонида ўзларини кўрсата оладилар, ўзларининг лаёқатларини ўстира оладилар, талантларини юзага чиқара оладилар, бу лаёқат ва талантлар эса халқда тўлиб-тошиб ётибди, аммо капитализм буларни минглаб ва миллионлаб эзиб, янчиб, бўғиб келган эди» (В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 35-том, 215—216-бетлар).

Жаҳон тарихида янги давр — дунёни революцион янгилаш, капитализмдан социализмга ўтиш даврини очиб берган Улуғ Октябрь нуридан баҳра олган халқ талантлари мавж уриб яшнаб кетди. Ўз халқи билан бирга эркин нафас олган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ҳам поэтик овози жаранглади. Эрта тонгда қуёш чиқишини улуғлаб булбул хониш этганидек, ўз халқининг булбули — шоир Ҳамза ҳам эркин нафас олиб ашулларида озодлик ва бахт қуёши — Улуғ Октябрни ихлос ва самимият билан куйлади. Шоир революция кунлари ёзган «Биз ишчимиз» (1917) шеърда меҳнаткашларга муурожаат қилиб шундай дейди:

Бизнинг бахтга қуёш чиққан  
Кундир бу кун, унутма!  
Еитсин бойлик! Ғариб бўлган  
Кунларингни унутма!

Шоирнинг самимий, тиниқ овози кенг меҳнаткашлар оммасининг кўнглига бориб етади, уларни революция ғалабаларини мустаҳкамлашга, дунёни ўзгартишда актив қатнашишга чақирувчи бир нидо бўлиб янгради. Бу шеър — ашулада ишчилар синфи, умуман меҳнаткашларнинг қадр-қимматини улуғлаш ва уларни эзиб келган эксплуататор синфларга қарши ўтли нафрат ёрқин ифодаланган. Жанговар поэтик асарларнинг ёрқин

намунаси даражасига кўтарилган бу қўшиқда яна шундай дейилади:

Биз ишчимиз, меҳнатчимиз,  
Биз ҳам инсон ўғлимиз.  
Ўйлашайлик, бизлар на деб  
Золим бойлар қулимиз.

Бу тўрт сатр нақорат бўлиб, такрорланиб туради. Бундан кейинги тўртликда шоир ишчиларнинг революцияга қадар бўлган аҳволни эслатиб ўтади:

Оғир юкда яғир бўлди  
Оппоқ нозик елкалар.  
Раҳмат, демак сўз ўрнига  
Жеркиб, сўкиб, силкалар.

Бундан сўнг нақорат ва аввалги тўртликдаги фикр давом эттирилади:

Бизнинг кучнинг орқасинда,  
Бой бўлганлар беорлар.  
Меҳру шафқатнинг ўрнига  
Оёқ бир-ла тепарлар.

Шеърнинг ҳар бир тўртлигида ишчилар ҳаётининг характерли ҳолатлари тасвирланган бўлиб, улар асосий ғояни тобора қувватлай боради. Бу асосий ғоя эса ишчилар, умуман меҳнаткашларнинг оғир аҳволда яшанганликларини, бойлар зулмида азоб-уқубат тортиб келганликларини ва уларга қарши курашиб, озодликка эришганликларини эслатиб, озодликни қўлдан бермасликка чақиришдир.

Шеър — қўшиқдаги ҳар бир сўз шундай танланганки, гўё хиллаб бир ипга тизилган дурдоналар дейсиз. Бу дурдоналарнинг жилваланиб, янада таъсирини ошириш учун мусиқий қобилиятга эга бўлган Ҳамза унга куй ҳам яратган. Шеърга куй шундай монанд тушганки, у халқнинг революцион кайфиятини янада ёрқинроқ ифодалашга ва киши қалбига тезроқ бориб етишига имкон берган.

Ҳамза Улуғ Октябрнинг мазлум Шарқ халқлари тақдиридаги буюк аҳамиятини яхши тушунган. У Тур-

кистон ўлкасида социалистик революция ғалаба қозониб, Совет ҳокимияти барпо этилганини «Шарққа қуёш чинлаб чиқди» деб таърифлайди. У «Ишчи бобо» шеърида (1918) шундай дейди:

Гулдур этиб, булут тарқаб,  
Ялт-юлт этиб чақмоқ чақди.  
Ишчи бобо, сескансанг-чи,  
Шарққа қуёш чинлаб чиқди!

Шоир кейинроқ (1920 йил, январь) ёзган яна бир шеърида бу фикрни давом эттириб, ўлка меҳнаткашларига қарата бундай дейди:

Асрлардир қора булут  
Босган эди бахтингни.  
Шарқингга чин қуёш чиқди,  
Оч уйқудан кўзингни!

Ҳамза Ҳакимзода шеър ва қўшиқларида Октябрь революциясини, Совет ҳокимиятини, совет воқелигини куйлаш асосий ўринни эгаллайди. Бу жиҳатдан унинг «Яша Шўро!» (1918) шеъри характерлидир.

Бу шеър музикасини ҳам Ҳамзанинг ўзи ёзган. Шоир мамлакатимиз меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида тарихий ғалабага эришганликларини, Совет ҳокимиятини барпо қилганликларини ва бу ҳокимият эрк, илм, урфон берганини мароқ билан куйлайди:

Бузма кўнглинг, боқ бу Шўро!  
Берди мангу нитибоҳ,  
Томчи ҳар қонингга олдинг  
Илму урфон, эрку жоҳ.

Яша Шўро, яша Шўро!  
Сен яшайдиган замон.  
Ишчи ўғли, шуҳратингдан  
Балқисин рўйи жаҳон!

Ҳамза Улуғ Октябрь ғалабаси натижасида эришилган озодлик қувончини, совет ижтимоий тузумининг фазилатларини янада чуқур ҳис этиш учун меҳнаткашларга ўтмишдаги бахтсиз ҳаётни эслатиб ўтади:

Чор ҳукумат вақтидаги  
Қуллингнинг ўйласанг,  
Шодлингнинг мангу туганмас,  
Қанча ўйнаб, куйласанг.

Шоир ўзининг «Яша Шўро!» шеърисида халқимизнинг ўз Совет Ватанига чексиз муҳаббат туйғуларини, олижаноб тинчликсевар руҳи ва зўр бунёдкорлик ғайратини буюк илҳом билан куйлайди. Шоирнинг бу овози фақат ўзбек халқинигина эмас, Туркистон ўлкасидаги барча халқлар кўнгилни ифодаловчи бир мўътабар овоз бўлиб жаранглайди.

Ҳамза бу асаридаги асосий ғояни, Улуғ Октябрни, Совет ҳокимиятини улуғлаш ғоясини бошқа асарларида ҳам давом эттирди. Чунончи, у «Ишчилар уйғон!» шеърисида (1918) шундай дейди:

Тошбағирлара хор эди бошинг,  
Асар этмайин қонли кўз ёшинг,  
Умрингда асло янги киймайин,  
Тўйдирмас эди топганда ошинг.

Шоир ўтмишнинг фожияли лавҳаларини ана шундай чизиб бергандан сўнг, совет замонасининг буюк фазилати ҳақида, мамлакатимиз халқларининг ҳар қандай зулмдан абадий халос бўлганликлари ва озодликка эришганликлари ҳақида зўр ифтихор билан куйлайди:

Битди золимлар, қолди ирода,  
Эркин яшагин сен ҳам дунёда,  
Ҳеч бўлмас энди қайғу ва кулфат.  
Ҳеч синмас энди бошингда хода.

Бу сатрлар озодликка эришган халқ шоирининг, Совет ҳокимиятининг улуғ фазилатларини чуқур ҳис этган шоирнинг қалбидан чиққан самимий сўзлардир. Бу қўшиққа ҳам Ҳамзанинг ўзи музика ёзган. Унда ҳар тўртликдан сўнг:

Ишчилар уйғон, уйғон, уйғон!  
Сенга ишлашга етишди замон!

деган нақорат такрорланиб туради. Бир сафар «ишлашга етишди замон» дейилса, иккинчи дафъа «ўқишга етишди замон» дейилади. Меҳнат билан ўқиш бир-бирига боғлиқ ҳолда ифода этилади. Шунини айтиш керакки, «етишди» сўзини, айниқса, ашулада, алоҳида аҳамият

бериб айтишни Ҳамза уқтириб ўтган. Бу билан шоир асрлардан бери меҳнаткашлар оммаси озодликка етишувни орзу қилиб, бунинг учун курашиб келганликларини ва бунга Улуғ Октябрь ғалабаси натижасидагина етишганликларини алоҳида уқтириб ўтмоқчи бўлган.

Ҳамзанинг бу қўшиқлари катта тарбиявий аҳамият касб этган. «Унинг «Ишчилар уйғон» шеъри,— деб эслайди Маннон Уйғур,— фақат ишчиларни эмас, бизларни ҳам уйғотди, янги ҳаёт, янги курашга чорлади».

Ҳамза ўз шеър ва қўшиқларида Совет ҳокимиятини улуғлар экан, унинг асоси бўлган ишчилар билан деҳқонлар иттифоқини алоҳида қайд этиб ўтади. У «Яшангиз ишчи, деҳқонлар!» ашуласида (1919) ёзади:

Биз агар ишчи, деҳқон ҳам қизил аскар  
Биргалашсак, фирқамиз бўлиб раҳбар,  
Тўкамиз тутдек дунёдан шаҳаншоҳлик, сарватни,  
Тузамиз янги турмушни замон ичра,  
Абадий сўнгра яшармиз жаҳон ичра.

Совет ҳокимияти барча халқларга эркинлик берди. Мактаб, музей, театр, кутубхона ва бошқа маданий муассасаларнинг эшиги барча меҳнаткашлар учун кенг очилди. Бу муассасаларнинг иши ҳам кенг халқ оммаси манфаатларига хизмат қилиш асосида ривожлана бошлади.

1917 йил ноябрь ойида Халқ Комиссарлари Совети В. И. Ленин имзоси билан «Россия халқлари ҳуқуқи декларацияси»ни эълон қилди. Бу тарихий ҳужжатда Россияда яшовчи барча халқларнинг тенглиги, барча миллий имтиёзлар ва чекланишлар бекор қилингани маълум қилинди. Мамлакатимиздаги барча халқлар болалари ўз она тилларида таълим олиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Ҳамза улуғ революциянинг биринчи кунларидаёқ кенг халқ оммасининг илм ва маърифатли бўлиши учун кенг йўл очиб берилганини, орзулар кутгандан зиёд вужудга келганини кўриб, беҳад қувонади ва Совет ҳокимиятини чин кўнгиладан олқишлайди. У «Уйғон» (1918) шеърида шундай дейди:

Шўро ҳокимияти кўп яшасин!  
Қўлу оёқ асоратдан бўшасин!  
Чин маорифнинг эшиги очилди,  
Ишчи ўғли ҳам маданий яшасин!



Ҳамзанинг маорифпарварлик фаолияти энди Коммунистик партия сиёсати асосида боради. Меҳнаткашлар оммасининг тарихда биринчи марта озодликка эришиб, ўз маданий савиясини доимо юксалтириб бориш учун кенг имкониятга эга бўлганини шоир зўр қувонч билан куйлади:

Яшасин мактаб, шогирдлар ўқисин,  
Эски турмушлар, ваҳшатлар йўқолсин.  
Эру қизлардан етишиб ходимлар  
Элга ҳақиқий маориф тарқатсин!

Ҳамза Улуғ Октябрь тонгида жавлон уриб янги, озод ҳаёт тантанасини куйлаш билан бирга, бу озод ҳаёт душманларига қарши қаттиқ лаънатлар ўқиди. Бу жиҳатдан унинг «Ҳой, ҳой, отамиз!» (1918) шеъри диққатга сазовордир. Асар халқ оғзаки ижодиёти услубида, содда ва маъноли ёзилган. Унинг ҳар бир сатри бир чақириқ — шнордек жаранглайди:

Ҳой, ҳой, отамиз,  
Тошни кесар болтамиз.  
Нега биз ҳам инсон бўлиб,  
Ўзни пулга сотамиз?!

Ҳой, ҳой, отамиз,  
Тошни кесар болтамиз,  
Бизга кимлар қарши турса,  
Шартта, шартта отамиз!

Ҳамзанинг бундай революцион шеърлари халқ орасига тез тарқалади ва халқ қўшиқларига айланиб кетади. «Эсимда бор,— деган эди Ойбек ўша вақтларни хотирлаб,— талабалар шоир шеърларини, «Ишчилар уйғон», «Яша Шўро!», «Ҳой, ишчилар», «Биз ишчимиз» қўшиқларини шоирнинг ўз куйларида эҳтирос билан куйлар эдилар» («Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1961 йил 11 февраль).

Демак, Ҳамза ўзининг «Ишчилар уйғон», «Яша Шўро!», «Биз ишчимиз» каби бир қанча шеърларида янги киши, совет кишисининг кўнглини чуқур самимият ва зўр маҳорат билан ифодалади, унинг ўз социалистик Ватанига чексиз муҳаббат ва душманларга қарши ўткир

ғазабини баланд овоз билан куйлади. Ҳақиқатан ҳам, бу шеър, қўшиқлар халқ кўнглининг поэтик овози эди. Буларда ўзбек халқининг Улуғ Октябрдан, Совет ҳокимиятидан бениҳоя қувончи ва самимий миннатдорлиги ёрқин ифодаланган. «Октябрни қувонч билан қаршилаган Ҳамза,— дейди Н. С. Тихонов,— худди В. Маяковский сингари инқилобий шеърятнинг бутун қудрати билан халқ оммаси орасига кириб, унинг раҳнамосига айланди» (Николай Тихонов, Яловбардор, «Шарқ юлдузи» журнали, 1969, №3, 6-бет). Бу эса, Ҳамза Ҳакимзоданинг улуғ шоирлигини кўрсатади.

Юқорида айтилган шеър — қўшиқларнинг бир қанчаси 1919 йил март ойида нашр этилган «Атир гул» тўпламида босилган. Бу тўплам ўз номига яраша бўлиб, ундаги революцион шеър, қўшиқлар ўзбек адабиётидаги социалистик лирика гулларининг дастлабки ажойиб намуналаридир. Бу қўшиқлар оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтиб узоқ замон киши баҳри-дилини очиб, хушнуд этиб келмоқдалар.

\* \* \*

Ҳамза Ҳакимзода ўзининг бадий ижоди билангина эмас, ўқитувчилик ишлари билан ҳам халққа хизмат қилишни давом эттирди. У 1918 йили Фарғона шаҳрида очилган биринчи совет мактабида ўқитувчилик қилади. Бу мактабнинг ташкилотчиларидан бўлган Қори Ниёзий (1896—1970) ўша вақтни хотирлаб шундай ёзади: «1918 йилда мактабдаги болаларнинг сони яна ҳам ортиб кетди. Қўқондан Фарғонага келиб турган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий мактабга ўқитувчиликка жалб этилди. Мактабнинг ҳаётида бу муҳим ва катта воқеа бўлди. Ҳакимзода, бир томондан, мактабда қўшиқ («шарқий») дарсини берар ва иккинчи томондан, мактаб ишларида актив қатнашарди: унинг билан биргаликда мактаб коллективи оталар орасида сиёсий-оқартув ишларини олиб борарди» (Т. Н. Қори Ниёзий. Ҳаёт мактаби, Тошкент, Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1966, 117—118-бетлар).

Империалистик давлатлар ички душманлар билан биргалашиб, ёш Совет давлатига қарши ҳужум бошлаганларида В. И. Лениннинг «Ҳамма нарса фронт учун» деган чақириғи, Коммунистик партия чақириғи бутун



ملی آشوله لردن ۸ نچی بولوم

شاعری ح. ح. نیازی

باسندروچیسی معارف جمعینی

СКОБЕЛЁВЪ.

Типография Туркестанской Автономной Республики  
Российской Советской Федерации.

1919 г

„Миллий ашулалар“дан 8-бўлим, „Атиргул“ муқоваси. 1919 йил.

мамлакат бўйлаб янгради. Совет халқи душманга қарши зарба бериш, мамлакатимиз озодлиги ва мустақиллигини сақлаб қолиш учун бутун кучини сафарбар этди. Бу курашларда халқнинг энг мард, энг садоқатли фарзандлари олдинги сафда бўлдилар. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий шулар қаторида бўлди.

Уша вақтларда шоир билан учрашган ва суҳбатда бўлган профессор Т. Н. Қори Ниёзий ўз хотираларида унинг сиймосини шундай тасвирлайди: «... Баланд бўйли, хушқомат, қотма, кенг пешанали, бир оз чўзиқ бетли, ўткир някли, қора қош, қора кўз, буғдой ранг, хушвоз Ҳамзанинг қарашида аллақандай ажойиб бир ҳикмат бор эди: у сизга савол бергандек, унинг кўзлари сиздан жавоб кутар эди. Унинг бу фазилати кишини актив суҳбатга тортар ва суҳбат мобайнида ташаббус доимо унда бўлар эди». (Т. Н. Қори Ниёзий. Ажойиб санъаткор, «Ўзбекистон маданияти» газетаси, 1961 йил, 11 февраль.)

Ана шу баланд бўйли, хушқомат танда ажойиб муסיқавий ва шеърый талант, зўр ғайрат барқ уриб турар эди.

«Ҳамза ниҳоятда талантли драматург эди,— деб эслайди дўсти Маннон Уйғур,— пьесани тез ёзарди. Мен бир шаҳарни айланиб ёки бир-икки кун ўтиб Ҳамза олдига кириб қолсам, олдимга янги шеър, қўшиқлар ёки пьесаларни тахлаб қўярди. 1919 йилда Шайхантоҳурда турганда «Лошман фожиаси»нинг 2 ва 3-бўлимларини бир ҳафтада ёзиб тугатган эди»<sup>1</sup>.

1919 йил март ойида, интервентлар ва босмачиларга қарши курашнинг қизгин вақтларида, Ҳамза 1918 йили Фарғона шаҳрида ташкил этган драмтруппа коллективи билан (труппа 25 кишидан иборат бўлган) Қизил Армия сафига киради. Труппа Туркистон фронти Штабининг Сиёсий бошқармаси ҳузуридаги «Улка мусулмон сиёсий драмтруппаси»га айлантирилади ва армия қисмлари ҳамда маҳаллий аҳоли ўртасида хизмат қила бошлайди.

Совет халқи, унинг жонажон Қизил Армияси ички ва ташқи душман кучларининг ҳамласига қарши қаҳрамонона кураш олиб бориб, кундан-кунга янгидан-янги ғалабаларга эриша борди. 1919 йил 13 сентябрь куни

<sup>1</sup> Маннон Уйғур. Эсдаликлар. Тошкент, Бадий адабиёт нашриёти, 1965, 128—129-бетлар.

Туркистон ўлкаси халқлари учун тарихий кунлардан бири бўлди. Бу кун Мугожарск станциясида Қизил Туркистон қўшинлари билан Оқтепа тарафдан келаётган М. В. Фрунзе қўмондонлигидаги I Армия қўшинлари қўшиладилар — Марказий Россия билан Қизил Туркистонни ажратиб турган ғов олиб ташланади. Бу қувончли хабарни халқимиз шодлик билан кутиб олади. Бу воқеага атаб кечалар, оммавий йиғилишлар бўлиб ўтган. Шундай кечалар Ҳамза Ҳакимзода бошчилигидаги театр труппаси томонидан ҳам ўтказилган. Бундай кеча ҳақидаги эълонларнинг бирида шундай сўзлар ёзилган:

«Аскарларга махсус кеча.

1919 йил 19 сентябрь, жума куни Гарнизон театрида. Шўро ҳукуматининг ҳақ йўлига чин итоатни туҳфа этиб келган Оқтубалик мусулмон аскар ўртоқлар!

Сизнинг бу оқ кўнгил ва қаҳрамонона қисмингизнинг шарафига Ўлка мусулмон сиёсий труппаси тарафидан кеча ясалиб, кечага қўюладирган «**Бой ила хизматчи**» уивонинда бир асар бўлиб, ёзувчиси Ҳамза Ҳакимзода»<sup>1</sup>.

Ҳамза 1919—1920 йиллар мобайнида Туркистон fronti қўшинларининг штаби ихтиёрида хизмат қилди.

Маълумки, улкан совет ёзувчиси Д. А. Фурманов 1919 йил август ойидан то 1920 йил март ойига қадар Туркистон fronti штаби Сиёсий бошқармасининг бошлиғи бўлиб хизмат қилган. Бу вақтларда Ҳамза театр труппаси раҳбари сифатида Сиёсий бошқармага кўп марта кирган, раҳбар ходимлар қабулида бўлган. Унинг шахсий архивида сақланган тегишли ҳужжатлар бунини очиқ кўрсатади. Штаб комендант томонидан 1919 йил 18 декабрда берилган пропускда шундай дейилади: «Ушбуни кўрсатувчи Туркистон қўшинлари штабининг мусулмонлар секцияси бўлимининг ходими ўртоқ Ниёзовга. Туркистон қўшинлари штабига бемалол кириши учун рухсат этилади». Бундан ташқари Ҳамзанинг 1920 йил 3—20 февраль кунлари Сиёсий бошқарма биносига киргани ва Штаб ходимлари ошхонасида овқатлангани ҳақида унга берилган **озуқа карточкасида** тегишли белги бор.

<sup>1</sup> «Иштирокиюн» газетаси, 1919 йил, 19 сентябрь. № 177.

Демак, Ҳамза Ҳакимзода иш билан Сиёсий бошқармага борганида Д. А. Фурманов билан учрашган, дея оламиз.

Ҳамза бошчилигидаги Ўлка мусулмон театр труппасининг Сиёсий бошқарма ҳузурда бўлиши ва бу бошқарма раҳбарлиги лавозимида Д. А. Фурмановдек большевик ёзувчининг ишлаши Ҳамза Ҳакимзода ижодига ижобий таъсир қилгандир, албатта.

Ҳамза бошчилигидаги труппа зиммасига санъат воситалари орқали Қизил Армия жангчилари ва аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш вазифаси юклатилган.

Коммунистик партия халқ оmmasига аҳволни тушунтириш, унинг онглилигини юксалтириш масаласига катта аҳамият беради: «...давлат омманинг онглилиги билан кучлидир,— деган эди В. И. Ленин.— Омма ҳамма нарсани биллиб, ҳамма масалани муҳокама қилиб, ҳамма ишни онгли суратда бажарганидагина давлат кучли бўлади» (В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 35-том. 22-бет). Халққа ҳақиқатни тушунтириш, унинг куч-ғайратини душманга қарши курашга сафарбар қилиш учун ташвиқотнинг барча формаларидан фойдаланилган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, граждандар уруши шароитида мамлакатимизнинг айрим районлари бир-бирдан узилиб қолганлиги натижасида Марказий партия ва Совет органларининг қарорлари, муҳим воқеалар ҳақидаги хабарлар жойларга кўпинча ўз вақтида бориб *етмас эди. Бу шароитда партия ва ҳукумат қарор ва тадбирларини энг узоқ районларга қадар етказишни таъминлаш ва уларни халққа яхшилаб тушунтириш учун мувофиқ воситалар топиш керак эди. Ана шундай воситалардан бири агитпоезд бўлган.*

1919 йил сентябрь ойида Ҳамза ўзи бошчилигидаги Ўлка сайёр сиёсий труппанинг бош режиссёри бўлиб «Агитпоезд №2» да Закаспий фронтига боради. У ерда инглиз интервентларига, босмачиларга қарши баҳодирларча кураш олиб бораётган Қизил Армия қисмлари ва аҳоли ўртасида хизмат қилади. У ўзининг бутун куч-ғайратини Совет ҳукуматини мустаҳкамлашга, унинг душманларига қарши кураш ишига сафарбар этади. У «Берма эркинни қўлдан!» (1919) деб халққа мурожат қилади. Контрреволюцион кучлар мамлакатимиз

халқлари озодлигига ҳужум қилаётганлиги ҳақида га-  
забланиб, халқимизни душманга қарши кескин курашга  
чақиради:

Басдур, шунча йил чеккан  
Кулфат ва хўрлик!  
Золим бойлар ҳақингга  
Қилди ҳар зўрлик.

Яна истар хонилар  
Қилмоқ қонхўрлик,  
Битсин энди истибдод  
Бир-ла контрлик!

Ишчи эллар гулшани  
Яшнасин турлик!

Ҳамза бу шеър-қўшиғида Совет мамлакати жаҳон  
меҳнаткашларига уларнинг йўлларини ёритиб, истиқ-  
болларини кўрсатиб турувчи йўлчи юлдуз эканини ало-  
ҳида қайд этиб ўтади. Бу қўшиқ Ватанимиз озодлигини  
сақлаб қолишнинг жаҳон миқёсидаги аҳамиятини таъ-  
кидлаш билан якунланади:

Ей, жаҳонни қизартсин,  
Қонли санжогинг!  
Ғарбда, Шарқда шодлансин,  
Кўрсин ўртоғинг!  
Мангу қолсин оламда  
Шонли байроғинг!

Ҳамза ўша вақтда қизил аскарларга атаб махсус  
қўшиқ ёзган. Бундай қўшиқлардан бири шундай бошла-  
нади:

Қалқинг энди оёққа,  
Билинг хизмат чоғин!  
Селпиб илгари босинг,  
Инқилоб байроғин!  
Бу жаҳон қонхўрларнинг  
Битириб борлиғин,  
Йўқсул, деҳқон эркининг  
Берингиз ёрлиғин!

Шоирнинг бу сингари революцион шеър, қўшиқлари бутун фронт бўйлаб янгради. Улуғ Октябрь галабаларини мустақамлаш учун олиб борилган халқ курашида катта куч бўлди.

Улуғ Октябрнинг биринчи кунлари ва граждандар уруши йилларида Ҳамза Ҳакимзода ёзган шеър, қўшиқларида («Биз ишчимиз», «Яша Шўро!», «Ишчилар уй-гон!» ва ҳоказо) меҳнаткашларнинг қадр-қимматини чин қалбдан улуғлайди, зафарларини завқ билан куйлайди. Унинг бу асарлари чин инсоний, пролетар гуманизми, улуғ Горький куйлаган гуманизм руҳи билан сугорилгандир.

Ҳамза шеърларининг тили содда ва маъноли бўлиб, ўткир нутқни эслатади. Бу шуни кўрсатадики, Ҳамза ўзбек классик поэзияси ва халқ шеърляти традицияларини давом эттириш билан янги формалар топишга интиланган. Ҳақиқатан ҳам, Ҳамзанинг «Шеърлари чақмоқдай ва момақалдироқдай қудратли,— дейди Ойбек «Куйчи ва курашчи» деган мақоласида.— Ву рус инқилобий поэзиясига, Маяковский поэзиясига ўхшайди. Унинг ҳар бир сўзи — бир шиор, ҳар бир шеъри — давр ҳайқириғи эди». («Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1961 йил 11 февраль.)

1920 йил февраль ойи ўрталарида, Закаспий ўлкаси душманлардан озод этилгандан сўнг, Ҳамза бошлиқ Улка мусулмон сиёсий драмтруппа коллективи Тошкент шаҳрига қайтади ва «Қизил Шарқ» маданий-маориф поезди билан Фарғона водийсига боради. Труппа коллективи у ерда ҳам босмачи ва интервентларга қарши кураш олиб бораётган Қизил Армия қисмлари ва аҳоли ўртасида хизмат қилади, кенг ташвиқот ишлари олиб боради. Босмачи шайкаларини тор-мор қилиш учун улар халқнинг ашаддий душмани эканликларини кенг меҳнаткаш оммасига тушунтириш катта аҳамиятга эга бўлган. Бу тўғрида Туркистон fronti қўшинлари қўмондони М. В. Фрунзе фронт қўшинларига қарата чиқарган 1920 йил 23 май буйруғида шундай деган эди. «Қийинчилик душманни ҳарбий жиҳатдан енгишда эмас, бу биз учун жуда қийин эмас, қийинчилик кўп миллионли тинч меҳнаткаш мусулмонларнинг барчаси ўз душмани худди босмачи эканини, у билан курашув — муқаддас вазифа ва меҳнаткаш халқ таянчи эканини тушунувла-



ридадир. Бу вазифани бажаришни сизлардан социалистик Ватан кутади»<sup>1</sup>.

Ҳамза ва унинг труппаси ана шу вазифани бажаришга ўзини сафарбар этади. У қўлида гоҳ қалам, гоҳ қурол ушлаб, шоир ва солдат бўлиб, Совет ҳокимияти учун курашади.

Ҳамза халқ оmmasига таъсир этишда театр санъатининг родини яхши тушунар эди. 1918 йилда бўлиб ўтган суҳбатларининг бирида Т. Н. Қори Ниёзийга Ҳамза шундай деган: «Ҳақиқий театр ҳаётни акс эттириши лозим. Ўзбек халқи ўз тарихида қандай кулфатли ва фожиали кунларни кечирди ва Октябрь инқилоби унга қандай порлоқ бахт ва саодат йўлини очди! Мана бу икки қарама-қаршилиқни санъат воситаси билан акс эттирилганда қандай ажойиб манзара бўлар эди; қандай фахрли вазифа!

Ҳамзанинг бу сўзларига жавобан:

— Ахир нега шуни ёзмайсиз!— деганимда, Ҳамза:

— Агар билсангиз кечаю кундуз менинг фикру зикрим ана шу билан банд,— деб жавоб берган эди» (Т. Н. Қори Ниёзий. Танланган асарлар, 8-том, Тошкент, «Фан» нашриёти, 1970, 137-бет).

Ҳамза 1920 йил 3 январда Туркистон fronti Штабининг Сиёсий бошқармасига ёзган бир хатида: «Халқни олдимиздаги янги ҳаётга ҳозирлов учун энг аҳамиятли нарса биринчи болалар мактаби эса, иккинчи шу халқ мактаби — саҳна (театр) ва агитациядир»,— дейди.

Санъат ва адабиётнинг родини ана шундай юксак қадрлаган Ҳамза амалий ишга киришган. У босмачиларнинг меҳнаткаш халқ бошига келтирган зулм ва ситамларини, халқнинг ашаддий душмани эканликларини тасвирлаб «Фарғона фожиаси» номида тўрт серияли трагедия — тетралогия яратади. Бу асар Ҳамза томонидан 1919—1920 йилларда ёзилиб, шу йиллари у бошчилигидаги «Ўлка мусулмон сиёсий драмтруппаси» томонидан Фарғона, Тошкент саҳналарида, Закаспий ва Фарғона фронтларида Қизил Армия қисмлари ва аҳоли ўртасида кўп марта кўрсатилган. Нашр этилмаган ва қўлёзмалари эса бизгача етиб келмаган бу асар мазму-

<sup>1</sup> М. В. Фрунзе. Танланган асарлар (русча), М., СССР Мудофаа министрлиги ҳарбий нашриёти, 1957, 1-том, 314—315-бетлар.

нини ўз вақтида чиқарилган махсус афиша ва газета-ларда босилган айрим эълон ва тақризлардан билиш мумкин. Уша вақтдаги афишалардан кўчирмалар келтириб ўтамиз:

«Скобелов, Советское собрание биносида. Ерлик ҳаваскор ёшлар тарафиндан 1919 йил 14 август «*Фарғона фожиаси*»дан биринчи бўлим ёхуд «Мазлум қурбонлар» унвонида бир асар мавқе томошага қўйилур. Бу асар ғоят фожиали ва даҳшатли бўлиб, Фарғонадаги мусулмон биродарларингизни қандай қон ичида кечириб турган аҳволларини ҳамда ўз ичингиздан чиққан қонхўр золимларнинг ўз мўмин биродарларингизга бераҳимона қилиб турган муомалаларини тасвир қилинмиш уч пардали бир асар бўлиб, ёзувчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий»<sup>1</sup>.

«Карл Маркс уюшмаси тарафидан 1919 йил 4 июлда Колизий саҳнасида... мавқе томошага қўйилур.

«*Фарғона фожиаси*»дан учинчи бўлиб ёхуд «Маъсум қурбонлар».

Бу асар 2 бўлимига қараганда ортиқ даражада фожиали бўлиб, Фарғонадаги мусулмон ўғрилارнинг ўз мўмин биродарларига, алалхусус шу асримиздаги ҳар бир миллатнинг ҳаёти учун сув, ҳаво даражасида энг зарур бўлган илм ва маорифга берган зарба, муаллим ва шогирдларга берган ваҳшат ва қонли фожиаларни тасвир қилинмиш... 4 пардали бир асар бўлиб, ёзувчи ёш муҳаррирларимиздан Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий».

«1919 йил 26 сентябрда жума куни ўлка мусулмон сиёсий труппаси тарафидан Колизий биносида мавқе томошага қўйилур:

«*Фарғона фожиаси*»дан 4 бўлим ёхуд «Мақоми шуҳода» унвонинда бир асар бўлиб, бу асарнинг биринчи пардасинда: инглизга сотилиб Туркистоннинг мағлуби, таҳриботга киришган миссионер ва жосусларнинг иблисона ҳаракат ва асрорларини, 2 пардасинда зиёлик ва мусулмон большевик қисмларини азобловларини, 3 пардасинда: бир мактаб муаллимларини шаҳид этув... 4 пардасинда: бир қўрбошининг 11 кишини шаҳид этуви-

<sup>1</sup> Бу ва бундан сўнг келтириладиган парчалар ўз вақтида эски ўзбек алифбесига ёзилган бўлиб, ҳозирги алифбега кўчирганимизда уларнинг ёзилиши ва айтилишида аслига тўғри бўлиши назарда тутилади.— Ю. С.

(ни) тасвир қилинган бир асар бўлиб, ёзувчи Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий».

Ҳамзанинг бу асарлари халқ кучини ички ва ташқи реакциянинг бирлашган кучларига қарши курашга уюштиришда, уларни тор-мор келтиришда катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган.

Маҳаллий бойлар, эски амалдор ва реакцион руҳонийларнинг оқ гвардиячилар билан биргалашиб, босмачиларга ёрдам берганликларини кўрган ва уларнинг кирдикорларини газаб билан тасвир этган Ҳамза ўтмишда ҳам уларнинг тили бир эканини кўрсатмоқчи бўлади. Бу мақсадда у яқин ўтмиш воқеаларидан 1916 йил халқ озодлик қўзғолони темасига мурожаат қилади. Маълумки, 1916 йил миллий озодлик қўзғолони вақтида маҳаллий бойлар, амалдорлар ва реакцион руҳонийлар қўзғолончилардан ўч олишда подшо жаллодлари билан бирга бўлган эдилар. Ҳамза бу темада «Лошман фожияси» номли 3 серияли асар — трилогия ёзиб, «Фарғона фожияси» асари билан бирга саҳнада кўрсатиб боради. Бу асар ҳам нашр этилмаган бўлиб, қўлёзмаси сақланмаган, уни ўша вақтда чиққан афишалар ва газеталардаги эълонлардан билиш мумкин. Биз қуйида афишалардан баъзиларини келтириб ўтамиз:

«1919 йил...

Ўлка мусулмон сиёсий труппаси тарафидан мавқе томошага қўйилур:

«*Лошман фожияси*»дан биринчи бўлим.

Бу асар 4 пардали фожиа бўлиб, 1916 йилда зolim ва мустабид Николай тарафидан Туркистон мусулмонларидан рабoчий олув муносабати билан бечора меҳнаткашлар бошига солган қонли ситам ва жабрларини тасвир қилинган бир асардир. Бу асарнинг 1 пардасинда Хўқанд ҳоким ва фиристофларининг телеграмм (бу телеграмм лошман хусусинда Петрограддан келган) хусусинда қилган яширин маслаҳатларини; 2 пардасинда ҳам шундоғ қози, мингбоши ва старшийларни қўлга олиб, бечора меҳнаткашларни пулга сотиб, ўз шахсиятларини кузатув йўлинда қурган план ва аҳдномаларини; 3 пардада бечора халқни... уриб бошларини ёриб, мулкларин талаб, турмаларга амр қилганликларини; 4 пардада мусулмон социалистларининг бу жабру ситам ҳақида остунч мажлис қилиб, Петрограддаги социалистларга мурожаат қилув хусусинда маслаҳат қилиб турганлари-

да бир мусулмон охрани тарафиндан мажлис хоналарини тинтув бўлиб, бир социалистнинг қўлга олиниви кўрсатилади.

Ёзувчи Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий».

«1920 йил 19 июнда... клубинда Хўқандда Хўқанд «Турк санойи нафиса труппаси» тарафиндан томошага қўюлуру.

«*Лошман фожиаси*»дан 2 бўлим ёхуд «Истибод панжасинда туғилган сирлар» унвонинда бўлиб, 4 пардада.

Бу рисола Фарғонада 1916 йилда Николайнинг сўнги истибодди бўлган лошман (рабочий олув) муносабати ила ҳоким ва ерлик амалдорларнинг меҳнаткаш фуқароларга ҳадсиз жабр ва ниҳоятсиз зулмлари, ҳатто қўрбоши исминда бўлган бир мустабиднинг икки севиқли ўртасиндаги ҳаётга қадар солган оғуларини маошиқа ва фоят фажиона тасвир қилмиш бир асардир.

Ёзувчиси: Ҳамза Ҳакимзода».

«1920 йил, 25 март, панжшанба кунин Тошкент эски шаҳар «Шарқ саҳнаси»да... мавқе томошага қўюлуру:

5 пардада «*Лошман фожиаси*»нинг 3 бўлими ёхуд «Истибод қурбонлари» унвонинда бўлиб, биринчи ва иккинчи бўлимнинг натижаси шу, учинчи бўлимда ниҳоят бўлуру. Демак, рабочийларнинг тиловой работда чеккан азобларини ва қурбонларини, иккинчи бўлимдаги Мирзабой, Сановбар ва Сайдхонларнинг қўрбоши таъсири била қурбон бўлувларини, охирида инқилоб бўлиб, милтиқ ва мусиқалар ила ҳурриятни қарши олувларини тасвир қилинадир.

Ёзувчиси: Ҳамза Ҳакимзода».

Бу келтирилган парчалардан кўринадики, Ҳамза 1916 йилги халқ миллий озодлик қўзғолонининг моҳиятини тўғри тушунган ва уни асарида ҳаққоний акс эттирган. Урушнинг барча оғирликлари меҳнаткашлар бошига тушганини, маҳаллий бой ва амалдорларнинг подшо тарафини олиб, халққа қилган жабру зулмларини тасвирлайди. Шу билан бирга меҳнаткашларнинг подшо ҳокимияти ва маҳаллий зolimларга қарши қўзғалгани, бу курашда маҳаллий социал-демократларнинг уларга бош бўлиши ва партия Марказий Комитетига мурожаат қилув ҳақидаги маслаҳатларини ёзувчи тўғри кўрсатиб ўтади.

Ҳамза бошчилигидаги «Улка мусулмон сиёсий труппа» ўз олдига Улуғ Октябрь ғалабаларини мустаҳкамлаш,

меҳнаткаш омма ўртасида снѳсий тарбия ишларини кучайтиришни асосий вазиѳа этиб қўйган эди. Буни биз труппа томонидан саҳнада кўрсатилган драматик асарлари, ижро этилган ашула ва музикаларнинг мазмунидан биламиз. Шунингдек, кўрсатилган ҳар бир спектакль ҳақида чиқарилган афишаларда ҳам бу ўз аксини топган. Мана, 1919 йил «Қим тўғри», «Қармоқ», «Ишчилар ҳаѳтидан» пьесалари ҳақидаги афишада қуйидаги шиорлар йирик ҳарфлар билан ѳзилган:

*«Ҳақиқат майдонининг қаҳрамонлари! Энди дунёда чин турмуш ва хўжалик сизникидир! Яшасин меҳнаткашлар ва деҳқонлар! Битсун киши кучи ила яшовчилар!»*

Бу труппа репертуарларининг характери шундай эди: революцион ашула ва музикалардан иборат концерт номерлари; бирор жиддий драма асари, сўнг кичик бир комедия.

Одатда концерт номерлари спектакль бошланишидан олдин ва пардалар орасидаги танаффус вақтларида ижро этилар эди. У вақтларда саҳнани тайѳрлаш анча вақт олгани учун томошабин концерт номерлари билан овинар ва зерикмас эди.

Жиддий драма асари, айниқса фожиадан сўнг кичик, одатда бир пардали комедияни кўрсатилиши эса томошабин уйига хурсанд бўлиб қайтсин учун қўйилгани айтилади.

Шу тарзда репертуарларни намойиш қилиниши халқни театрга қизиқишини кучайтирган ва театр орқали халқни революцион руҳда тарбиялаш ишининг муваѳфақиятли бўлишига ѳрдам берган. Театр халқ мактаби эканлиги амалда кўрилган.

Ҳамза асарларининг ғоявий-бадний қудрати билангина эмас, керак бўлганда уларни саҳнада кўрсатишдан келган моддий даромадларини ҳам қизил аскарлар ғойдасига бериб турган. Бу мақсадда махсус гастролга чиқиб, концерт берган ва театр кўрсатган. Унинг шундай ишларидан бири 1920 йил сентябрь ойидаги гастролдир. Қўқон Коммунистик партия ташкилоти томонидан яқин атрофдаги қишлоқларга чиқиш учун театр труппа коллективи топшириқ олади. Бунга Ҳамза бошлиқ бўлади. Унинг гувоҳномасида шундай дейилган: *«Ушбуни кўрсатувчи ўртоқ Ҳамза Ҳакимзода Ниѳзов ҳақиқатан ҳам, Қонибодом, Дамариқ, Санто уездларига жўнайдиган*

*мусулмон труппасининг Ҳарбий комиссаридир».* (Россия Коммунист (большевик) лар партияси Қўқон ташкилоти томонидан 1920 йил 18 сентябрда берилган № 143 гувоҳномаси.)

Шундай қилиб, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий революция ва граждандар уруши йилларида душманга қарши курашнинг биринчи сафларида бўлади, революцион шеър, ашулалар ёзади, улар учун куй ижод этади. Драматик асарлар яратади ва уларни ўзи саҳнага қўяди. У бош бўлган Ўлка мусулмон драмтруппа Закаспий ва Фарғона фронтларида хизмат қилади, кўп шаҳар ва қишлоқларда бўлади. Труппа Тошкент шаҳрига ҳам гастролга келган. «Иштирокиюн» газетасининг 1920 йил 3 апрель сониди шундай хабар босилган эди:

«Ушбу кунларда Фарғона шаҳридан Ўлка мусулмон театр-драма труппаси Тошкентга келди. Мазкур труппа кўп вақтлардан бери Фарғона, Закаспий музофотларида ишлаб келар эди. Труппа йигирма беш кишидан иборат бўлиб, уч нафар хотинлари-да бор, бириси рус хотини».

Ҳамзанинг 1919 — 1920 йилларда Ўлка сиёсий драмтруппаси билан бирга Туркфронт қўшинлари штаби ихтиёрида хизмат қилиши унинг учун катта сиёсий мактаб бўлган. У бутун хизмати давомида Қизил Армия командирлари ва сиёсий ходимлари билан бирга бўлади, улар раҳбарлигида хизмат қилади, улардан таълим олади, марксизм-ленинизм асосларини ўрганади. Булар ҳаммаси Ҳамзанинг ишчилар синфи позициясида мустаҳкам туриб қолишида, машҳур совет ёзувчиси ва санъат арбоби бўлиб етишувиди муҳим аҳамиятга эга бўлган.


1920 йилда Ҳамза Ҳакимзода ҳаётида муҳим воқеа юз беради, у Коммунистик партия сафига киради.

Ёш совет давлати ички ва ташқи душманларнинг бирлашган кучларига қарши оғир курашларда шараф билан ғалаба қозонди. Улуғ Ленин бошчилигидаги Коммунистик партия бу ғалабанинг **ташкilotчиси** ва раҳбари бўлди. «Ишчи ва деҳқонларнинг кўпчилиги, — деган эди В.И.Ленин, — ўз ҳокимиятини, яъни Совет ҳокимиятини — меҳнаткашлар ҳокимиятини ҳимоя қилаётганлигини билган, ҳис этган ва кўрган, ўзи ҳимоя қилаётган ишнинг ғалабаси унга ва унинг болаларига маданиятининг барча неъматларидан, инсон меҳнатининг барча самараларидан фойдаланиш имкониятини таъминлашини билган халқни ҳеч қачон енгиб бўлмайди»

**حقیقت بیادک نمائند قهرمانی**

ایندی دنیا دینا دینا لوروش و ژاوه لوروش نیکه دور! یا شایسون چکش کار و دینا نلر!

بوسون کیش ایله ایستاد و پیلر!!!



۱۹۱۹ بیلک  
کونی

۲۵ تونلر  
ایله ایستورسات

پاشستان

اوکلیه لمان سیاسی لوروش لوروش  
موق قماشنا خور اولور

I

# باي ایله خدیجی

II

# تهمت چیلر جزاسی

III

# خود

«Бой ила хизматчи» драмасынын сахнада күрсатилиши ҳақида-  
ги афиша. 1919 йил.

(В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 38-том, 369-бет).  
Гражданлар урушининг совет халқи ғалабаси билан  
туғалланиши улуг Ленин сўзларининг ҳақлигини яна бир  
марта тасдиқлади.

## ҲАМЗА ШЕЪРЛАРИНИНГ БАЪЗИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Совет давлати, совет халқининг ғалаба қозониши  
учун Ҳамза Ҳакимзода ўзининг бутун ижодий фаолияти  
билан астойдил хизмат қилади.

Улуг Октябр ғалабасини куйлаш — Ҳамза ижоди-  
нинг марказида туради. Унинг овози — қаҳрамон совет  
халқининг овози бўлиб жаранглайди.

Ҳамзанинг Совет ҳокимиятининг биринчи йилларида  
яратган асарлари ўша тарихий даврнинг актуал, револю-  
цион вазифаларини бажаришга қаратилган эди. Улар  
Коммунистик партия сўбатини кенг оммага тушунтирув-  
чи муҳим воситалардан бўлди. Ҳамзанинг бу асарлари  
шу кунларда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб, халқимиз кўнг-  
лида совет ватанпарварлиги ва пролетар интернациона-  
лизми ғояларини кучайтириш ишига хизмат қилмоқда.

Ҳамза Ҳакимзода ўзбек шеърлятига янги мазмун,  
революцион ғоя олиб кирар экан, уни ёрқинроқ ифода-  
лаш учун янги формалар излайди ва бунга муваффақ  
бўлади.

Ҳамза Ҳакимзода ижодининг бошланишида классик  
шоирларга эргашиб аруз вазнида шеърлар ёзади. Шу  
билан бирга, асарлари тилини халқининг жонли тилига  
яқин қилишга интилади, ўзбек тили хусусиятларига  
тамомила мос бўлган халқ шеърляти вазни — бармоқ  
вазнини кенг қўллай бошлайди. Унинг кейинчалик, со-  
вет даврида ёзган шеърлярининг аксарияти бармоқ ваз-  
нида ёзилгандир. Шу билан бирга, аруз вазнининг ўзбек  
тили қондаларига уйғун турларидан фойдалана боради.

Ҳамза кенг қўллаган бармоқ вазнида ундан кейин  
етишган авлод — Ғафур Ғуллом, Ҳамид Олимжон, Ой-  
бек, Уйғун, Ғайратий ва бошқа шоирлар ёза бошлай-  
дилар. Ойбек совет адабиётимиз тарихига назар ташлаб  
шундай деган эди: «Совет шоирлари қадимги классик  
аруз вазнига камроқ мурожаат қилиб, ажойиб ёзувчи-  
миз, ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳаким-  
зода ва баъзи шоирлар томонидан поэзиянинг ҳамма



жанрларида тажрибадан ўтказилган фольклордаги бармоқ вазнида ёза бошладилар. Мен ҳам бармоқ вазнида ёза бошладим».

Эндиликда деярли ҳамма шоирларимиз бу вазнида ёздилар. Бинобарин, бармоқ вазни ўзбек совет шеърининг асосий вазни бўлиб қолди.

Ҳамза революцион шеър ва қўшиқларида мавжуд вазни ва қофиялаш усуллари доирасини кенгайтириб, уларни ривожлантирганганини, янги вазни, янгича қофиялаш усулларини топганини кўрамыз.

Масалан, «Ҳой, ишчилар!» шеърини олайлик:

Ҳақингни ол, ишчилар,  
Яшов давринг сенинг,  
Басдир шунча хўрлик,  
Зорликлар кўрганнинг.  
Ҳой, ишчилар!  
Яша хизматчилар!

Бу парчада аввалги тўрт сатр вазни тузилиши ва қофия эътибори билан давом этиб келган қондаларга мувофиқдир. Аммо кейинги икки сатр бошқача тузилган — бири тўрт, иккинчиси эса олти бўғиндан иборатдир. «Ҳой, ҳой отамиз!» шеърини олайлик:

Ҳой, ҳой, отамиз  
Тошни кесар болтамиз.  
Замон келди, ишчиларни  
Уйқудан уйғотамиз.  
Ҳой, ҳой, отамиз  
Тошни кесар болтамиз.  
Бизга кимлар қарши турса,  
Шартта, шартта отамиз.

Бу тўртликлардаги дастлабки икки сатр нақорат бўлиб, биринчи йўли беш, иккинчиси эса етти бўғиндан иборатдир.

Ҳамза шеърлари формасидаги бу янгиликлар асарнинг гоёвий мазмунини янада ёрқинроқ ва кучлироқ ифода қилиш талаблари билан боғлиқдир. Шунинг билан бирга булар ашула бўлиб (оҳангини ҳам Ҳамза ижод этган), уларнинг тузилиши оҳанг билан ҳам изоҳланади.

Ҳамза шеърларининг кўпини бирор куйга мослаб, ашула характерида ҳамда халқ оғзаки ижоди намуналари услубида ёзган. Шунинг учун ҳам баъзи сўзлар ва бутун-бутун сатрларнинг такрорланиши бежиз эмас. Масалан:

Ҳой, ҳой, отамиз!  
Тошни кесар болтамиз,—

сатрлари шеърнинг ҳар тўртлигида такрорланади. Шунингдек, «Ишчилар уйғон!» шеърида «уйғон» сўзи ҳам такрорланади.

Ишчилар уйғон, уйғон, уйғон!  
Сенга ўқишга етишди замон.

Бу билан шоир шеъридаги энг муҳим фикрни алоҳидада уқтириб ўтади. Ҳамза ўрни билан янги сўзлар ясашга ва қўллашга илтилади, «эксплуататорлар» ўрнида унинг хусусиятини олиб «тош бағирлар» деб юритади.

Маълумки, Ҳамза Улуғ Октябрь арафасида Туркистон шаҳрида эди. Уша вақтда «Ҳой ишчилар!» қўшиғини ёзган. У шундай бошланади:

Ҳой ишчилар,  
Эзилган меҳнатчилар!  
Битсин золим бойлар!

Бу қўшиқда Ҳамза «меҳнаткаш» ўрнида «меҳнатчи» деб ёзади. Бу эса Туркистон шаҳар ўзбек шевасининг таъсиридир. У шева аҳллари «чи» қўшимчасини кўпроқ ишлатар эканлар, Ҳамза бунини адабий тилга олиб кирган. У ўзбек совет адабиётида биринчи бўлиб «ишчи» сўзини қўллайди («Биз ишчимиз», «Ишчилар уйғон!»).

Октябрь революцияси қуёшга ўхшатилаганини ўзбек адабиётида биринчи марта Ҳамза асарларида кўрамиз. 1918 йили ёзган «Ишчи бобо» шеърида дейди:

Гулдур этиб булут тарқаб,  
Ялт-юлт этиб чақмоқ чақди.  
Ишчи бобо, сескансанг-чи,  
Шарққа қуёш чинлаб чиқди.

«Яша Шўро, яша урфон!» шеърида меҳнат аҳллари-  
га қарата дейди:

Асрлардир қора булут  
Босган эди бахтингни.  
Шарқингга чин қуёш чиқди,  
Оч уйқудан кўзингни!

Шоир халқ мақолларини ўринли қўллайди: «Босган  
издан қайтмас ўлса ҳам арслон», «Қафасдан бўшалган  
ҳар қуш қайтиб ўзини солурму!» ва бошқалар.

Ёзувчи умумхалқ тилининг сўз бойлигидан яхши фой-  
даланган ва шеърий нутқ билан оғзаки нутқни яқин-  
лаштирган. «Мен шеърга,— деган эди В. Маяковский,—  
оддий гаплашув тилини олиб кираман. Шеърнинг айрим  
ерлари худди суҳбат каби оҳанг беради. Бундай шеър-  
лар тушунарли ва таъсирчан бўлади» (В. Маяковский.  
Асарлар (русча). 12-том, 245-бет).

Ҳамза шеърлари чуқур маъноли бўлиши билан бир-  
га, соддалиги билан ҳам ажралиб туради. Ойбек айтган-  
дек, «Қалбни забт этган ҳис-туйғуларни, чуқур ли-  
ризмни ифода этмоқ учун дабдабали шакл шарт эмас.  
Ахир кўнгил қўйган қизга «севаман» деб айтмоқ учун  
беқасам тўн кийиб келиш зарур эмас-ку».

Ҳамза Ҳакимзода шеърларининг шаклан содда,  
мазмунан қуюқ бўлиши шоирнинг ўз бадий маҳорати-  
ни ошириш устида қунт билан ишлаганини, бу масала-  
да классик ёзувчиларимиздан, айниқса илғор рус сўз  
усталаридан ибрат олганини ва ўзбек халқ поэзиясидан  
самарали фойдаланганини кўрсатади.

## СОЦИАЛИСТИК ҲАЁТ ТАРОНАЛАРИ

Гражданлар уруши тамом бўлиб, мамлакатимиз  
халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш учун тинч  
қурилиш ишига ўтди.

Маълумки, иқтисодий ва маданий жиҳатдан тенгсиз-  
лик ўтмишдан мерос бўлиб қолган эди. Айниқса, мил-  
лий чекка ўлкалар анча орқада эди. Коммунистик  
партия бу тенгсизликни бартараф қилиш, чекка ўлка-  
ларни иқтисодий ва маданий жиҳатдан жадал ривож-

лантириш йўлини тутади. «Партиянинг вазифаси,— дейилади РКП(б)нинг X съезди резолюциясида,— великорус бўлмаган халқларнинг меҳнаткашлар оmmasига илгарилаб кетган Марказий Россияни қувиб етишга ёрдам беришдан... иборат» («КПСС съездлар, конференциялар ва Марказий Комитет Пленумларининг резолюция ва қарорларида», 2- том, 252-бет).

Бу улуғ вазифани бажаришда мамлакатимизнинг бирмунча ривожланган районлари, аввало рус ишчилари синфи, рус халқи ҳар тарафлама самимий ёрдам қилдилар. Марказий Россия халқи кўпгина фабрика ва заводларни текинга бердилар. Уларни инженер-техник ходимлар ва малакали ишчилар билан таъминлашда кўмаклашдилар. Натижада республика саноати, умуман, хўжалиги тез суръатлар билан ўса бошлади.

1925—1928 йилларда Ўзбекистонда ер-сув ислоҳоти ўтказилди. Натижада қулоқлардан ортиқча ерлар тортиб олинди, кам ерли ва ерсиз деҳқонлар ер-сув билан таъминланди. Меҳнаткаш деҳқонларнинг ер тўғрисидаги асрлар давомида қилиб келган тилак-орзулари рўёбга чиқди.

Маданий-маориф соҳасида ҳам тез суръатлар билан илгари борилди. Бу соҳада ҳам улуғ рус халқи жуда катта ёрдам берди. Москва, Ленинград ва бошқа катта шаҳарлардаги олий ўқув юртларида ўзбек халқи фарзандларининг катта-катта отрядларига таълим берилди. Бошланғич ва ўрта мактаблар, олий ўқув юртлари кўпайтирилди, янги, мазмунан социалистик, шаклан миллий **маданият ривожланди.**

Бу йилларда кўп миллатли совет адабиётининг таркибий қисми — ўзбек совет адабиёти ҳам юксалади, ёзувчиларимиз сафи кенгаяди. Ҳамза Ҳакимзода, Абдулла Қодирий ва Садриддин Айний қаторига Гафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Ғайратий, Уйғун, Комил Яшин, Ҳусайн Шамс, Ойдин, Миртемир каби истеъдодлар қўшилади. Ҳамза Ҳакимзоданинг поэтик овози янада янғрайди. Қоммунистик партия ва Совет ҳокимиятининг хўжалик ва маданий қурилиш соҳасидаги тadbирларини амалга оширишда Ҳамза фаол қатнашади, мамлакатимизда бўлиб турган муҳим воқеалар унинг ижодида ўзининг бадий ифодасини топади. Замоннинг долзарб масалаларига ҳозиржавоблик — Ҳамза ижодининг хarakterли хусусияти бўлиб қолади.

Ҳамза ҳаётнинг энг қайнаган жойларида халқ билан бирга бўлади ва астойдил хизмат қилади. Мана унинг таржимаи ҳолидан айрим лавҳалар: «...1921 йилнинг 28 февралда,— деб ёзади Ҳамза,— Бухоро жумҳуриятининг аҳвол сиёсати билан танишиб, шу ҳақда саҳналарга пьесалар ва сиёсий шеърлар ижод этув учун Хўқанд обком партиясига тарафидан Тошкент Крайком орқали Бухоро жумҳуриятига юборилган эдим. 1921 йил 15 сентябргача Бухоро жумҳуриятининг ҳар бир музофотинда юрдим. Бухоро сиёсий отдели қошинда бўлган труппани ташкил этдим...»

1921 йил ноябрь бошида «Ўз ҳавоҳишимча Хевага коммандировка бўлдим, чунки Хева жумҳуриятидан ҳам тегиншли пьеса ва инқилобий шеърлар учун материал ҳозирламоққа».

Ҳамза 1921 йил ноябрь ойдан то 1924 йил июнь ойига қадар Хоразм Халқ Совет Республикасида ишлади. Хоразмга бориши биланоқ унинг диққатини хонлик зулмидан озод бўлган халқнинг беҳад қувончи ва меҳнат ғайрати жалб этади, адиб ўз санъати ва билими билан бу қувончига жўр бўлади, энг шимариб ишга киришади, халқ орасида танилган ашулачи ва музикачиларни тўплаб, театр-концерт труппаси ташкил этади.

«Ҳамза бир неча машшоқ ва ашулачини, жумладан, мени ҳам ўз уйига чақирди,— деб эслайди ана шу труппа иштирокчиларидан бири Мадраим Ёқубов — Шерозий (1890—1973).— Биз маслаҳатни бир ерга қўйиб кеча ташкил қилмоқчи бўлдик. Дурустроқ жой бўлмаганидан, бурун хон оиласи айш сурган Нурлабойдан фойдаланишга қарор қилдик. Бинони яхшилаб тозаладик, саҳна ясадик, парда осдик... Жарчи ёллаб, эл орасига жарчи қўйдик. У шаҳар кезиб:

— Нурлабойга боринглар! Шерозий ашула қилиб беради,— дер эди.

Халқни санъатга тортиш учун бизлардан уч киши кўчада гармон чалиб, ашула айтиб юрди. Ҳамза менга шуларни тайинлади:

— Сен саҳна олдидан жилма, қачон айтсам, ўшанда гармон чаласан.

Мен саҳна олдида ўтирдим. Уйнай бошладик. Парда кўтарилганича йўқ эди, халқ ҳайрон, чунки жарчи фақат менинг саҳнага чиқишимнигина эълон қилган эди. Мен гармон чалиб, ашула айтиб юрмоқда эдим. Бир замон

парда очилиб, саҳнада Ҳамза пайдо бўлди. У томошабинларга мурожаат қилди:

— Халойиқ, ҳозир бир неча кўринишли томоша қўйилади. Шунинг учун, ибрат олинганлар!

Саҳнада кекса одам пайдо бўлди. Бой уни қора терга солиб ишлатмоқда. Ниҳоят, бой унга катта тўнқани ёришни буюради. Бой родини Ҳамзанинг ўзи бажараётган эди. У қаролга бир неча қамчи туширгач, чиқиб кетади ва кекса қарол шу ашулани айтади:

Ҳой ишчилар,  
Эзилган меҳнатчилар,  
Битсин зolim бойлар,  
Эркингни қўлдан берма  
Яша хизматчилар!

Бу ҳолат, бу куй, бу ундаш томошабинларга шу қадар кучли таъсир қилдики, кўплар йиғлади».

Ҳамза труппа артистларининг сиёсий ва бадний савияларини юксалтириш учун ўқиш ташкил этади. Бу тўғрида 1921 йил 14 ноябрда ёзган бир хатда шундай дейди:

«Ташкилотнинг мусиқий кучларини ўстирув учун хусусий бир мусиқий мактаб очилиб, тубанда кўрсатилган фанлар билан тарбия этилув:

- а) духовой мусиқа;
- б) қилли мусиқа;
- в) миллий мусиқа;
- г) овоз гимнастикаси;
- д) нота;
- е) рояль ва пианино;

*Ж) Фирқа тарихидан лекция...»*

Бундан кўринадики, Ҳамза артистларининг ихтисосларини ошириш учун курашади. Шу билан бирга сиёсий савияларини юксалтириб бориш, марксча-ленинча таълим билан қуролланишлари учун Коммунистик партия тарихини ўрганиш асосий шартлардан бири деб билган.

Ҳамза ташкил этган театр труппаларининг состави интернационал характерда бўлган. Уларда ўзбеклар билан бирга рус, татар, тожик, туркман, қорақалпоқ, қозоқ халқларининг вакиллари бор эди. Труппа репертуарлари ҳам у хизмат қиладиган жойлардаги аҳоли талабига мувофиқ тузилган. Бу ишларни у доимо партия

ташкilotлари раҳбарлигида олиб борган. Шу муносабат билан Ҳамзанинг 1922 йили Хоразм Совет республикасидаги бир фаолиятини эслаб ўтайлик:

Амударё область партия комитети Ҳамза зиммасига қардош туркман халқи учун ҳам хизмат қиладиган умумий бир труппа — область миқёсида ўзбек-туркман театр труппаси ташкил этиш вазифасини юклайди.

Уша вақтда Ҳамза Ҳакимзодага берилган шаҳодатномада шундай дейилади: «Берилди ушбу шаҳодатнома ўртоқ Ҳамза Ниёзийга шул тўғридаким, мазкур ўртоқ ҳақиқатан ҳам маҳаллий ўзбек-туркман сиёсий оқартув труппасининг ташкилотчисидир. Унга Амударё области миқёсида туркий аҳоли ёшларини жалб этиб, туркий тилида театр труппаси ташкил этиш ва маҳаллий халқ ҳаётига оид инқилобий, халқчил классик пьесалардан репертуарлар тузиб чиқиш вазифаси топширилади.

Барча партия ва Совет ташкилотларига бу вазифани бажаришда мазкур ўртоққа бутун чоралар билан ёрдам бериш таклиф этилади». (Амударё область партия комитети томонидан 1922 йил 21 майда берилган 1908 номерли шаҳодатнома. Шаҳодатнома тегишли печать ва имзолар билан тасдиқланган).

Бундай труппани ташкил этиш ҳамда уни тегишли репертуар билан таъминлаш вазифасининг область партия комитети тарафидан Ҳамзага топширилиши унинг учун катта ишонч билдириш эди. Ҳақиқатан ҳам, Ҳамза бундай масъулиятли ва шарафли вазифани Коммунистик партия талаб қилгандай бажариш учун масалага қараш ва ташкилотчилик қобилияти билан тайёр эди ва уни шараф билан адо этган.

Ҳамза бу труппада узоқ хизмат қила олмайди, бетоб бўлиб қолиб, врачларнинг маслаҳати билан Қўқон шаҳрига қайтади. Соғайганидан сўнг, 1922 йил август ойи охирида яна Хоразмга келади. У энди бошқа бир севган касби — ўқитувчилик ишини давом эттиради. Уша йили 1 сентябрдан эътиборан Хўжайли қозоқ-қорақалпоқ мактаб-интернатига муаллим қилиб юборилади. 1923 йил 10 февралдан бошлаб шу мактаб-интернатга мудир этиб тайинланади.

Ҳамзанинг бу мактабда олиб борган таълим-тарбия ишларидаги новаторлиги эътиборга сазовордир.

Инқилобдан аввал етимлар мактаби очган бўлса-да, унинг таъминотини ҳеч ким, на бойлар, на подшо ҳуку-

мати устига олмагани сабабли ётиб қолганини эслаган Ҳамза, эндиликда Совет ҳукумати барча болалар учун мактаб, етимлар учун интернатлар очиб берганини, уларнинг харажатларини устига олганини кўриб қувонади, кучига куч қўшилиб, зўр ғайрат билан ишлайди. Ҳамза бошлаган янгилик аввало шунда кўринадики, у ўқиш билан меҳнат тарбиясини бирга олиб боришга киришади. Шу мақсадда интернат қошида болаларнинг ўзлари меҳнат қилиб ҳосил етиштирадиган полиз ташкил қилади. Маҳаллий ташкилотлар бунинг учун 4 гектарча ер ажратиб берадилар. Болаларга деҳқончиликни ўргатиш учун тажрибали деҳқонлар жалб қилинади. Ишлар юришиб кетади. Болалар ва ота-оналарнинг бу мактабга қизиқиши ортади. 1923 йил октябрь ойига келиб тарбияланувчилар сони 79 кишига етади.

Ўқув ишлари ҳам яхши йўлга қўйилади. Бу мактаб расмий жиҳатдан тўрт синфли биринчи босқич мактаб ҳисобланади, ҳақиқатда юқори типдаги мактаб деса бўларди. Асосий ўқитувчи кадрлари 5 кишидан иборат бўлиб, улардан биттаси олий, учтаси ўрта маълумотли эди.

Ҳамза алоҳида фанлар бўйича ўқув кабинетлари ташкил қилади. Кутубхона очади. Баъзи касблар ҳам ўргатилади. Хива шаҳридан машҳур усталар таклиф қилинади. Этикдўзлик, дурадгорлик ва тикувчилик устaxonалари ташкил этади.

Интернат қошида клуб очилган, бадий ҳаваскорлар тўғараги тузилган. Унда Ҳамзанинг ўзи раҳбарлик қилган. Тўғарак репертуарлари анча бой бўлган. Масалан, 1923 йил мобайнида 11 та пьеса кўрсатилган. Булар орасида Ҳамза асарлари, шунингдек, Сакен Сайфуллиннинг «Қизил Шунқорлар», Мухтор Аvezовнинг «Енглик Қебек», Олимжон Иброҳимовнинг «Ёш юраклар» пьесалари бор эди.

Ҳамза бошлаган ишларидан мамнун бўлиб, уларни янада ривожлантиришга ҳаракат қилади. 1924 йил 18 июлда Кўқон шаҳридан Хоразмга келмоқчи бўлган бир ўртоғига ёзган хатида шундай дейди:

«Икки йилдан бери интернатда хизмат қилиб, етарли бир умиддамиз, 25 таноб ерда талабаларнинг деҳқончилиги, туя сути, қимиз орасидамиз...

Бир турли гул ва қовун, помидор, қулупнай, шўрвага соладиган идрис ўт уруғидан олиб қайтарсиз, чунки бу йил яна 25 таноб ер қўшиб, 5 таноби боқча ва пахтакор-



лик қилиб, 1925 йилдан талабаларнинг ўз кучи билан экдирув, деган тарихий бир хизматга ҳозирланмоқдамиз. Ҳозирда ҳам ҳукуматдан бир тийин ёрдамсиз талабаларнинг ўз озуқаларини қовуштириб, 17 таноб ерга пахта, қовун ва кунжут эктирдим, 3 минг сўмга ўқув-ҳунар ва деҳқончилик асбоблари ҳозирлатдим. Маҳаллий ҳукуматга намуна бўлган бу иш, албатта, тарихий бўлса керак».

Ҳамза ўқитувчилик ишини кенг миқёсда олиб боради. Уша йили 14 сентябрда Хўжайли маориф комиссиясининг мажлиси бўлиб, унга Ҳамза раислик қилади. Унда қизларга махсус мактаб, катта ёшдагилар учун кечки курс очиш масалалари кўрилади ва тегишли қарор қабул қилинади.

Ҳамза Ҳакимзоданинг Хўжайли мактаб-интернатидаги педагоглик фаолиятини яхши ўрганган педагогика фанлари доктори Жумабек Урумбоев (1906—1973) шундай хулосага келган: «Ҳамза ўзининг педагогик қарашлари ва тажрибаларини А. С. Макаренко ёзганидек батафсил ёзиб қолдирган эмас. Бироқ биз тўплашга муяссар бўлган материал, шунингдек, Ҳамзанинг фаолияти ҳақида нашр қилинган бошқа материаллар, Ҳамзанинг буюк педагог эканлигини ва Қорақалпоғистонда совет мактабининг биринчи ташкилотчиси бўлганини исботлайди... У республикамизда ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш ишини бошлаб берган биринчи қалдирғоч ўқитувчи, толмас маориф ходими сифатида улкан тарихий ишга пойдевор қўйганлар билан бир сафда туради» (Жумабек Урумбоев. Ҳамзанинг Хўжайли интернатидаги педагогик фаолияти. «Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент, 1969, 39-бет).

Уша йиллари Хўжайли область партия комитетининг биринчи секретари бўлган Абдулла Ирмонов (1901—1975) Ҳамза фаолияти ҳақида шундай хотирлайди: «Бу ерда менга атоқли ёзувчи, ўзбек совет адабиётининг асосчиси, оташин революцион курашчи Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий билан бирга ишлашга тўғри келди. У шаҳар ва овул меҳнаткашлари ўртасида, айниқса ёшлар орасида маданий-маориф ишларини ташкил этишда ва областда халқ маорифини қайта қуришда ўзинга хос зўр ғайрат билан ишлаб, область партия комитетига ёрдам қилган».

1924 йил июль ойида Ҳамза Ҳакимзода Фарғона область партия комитети ва область ижроия комитети томонидан юборилган телеграммага кўра Хоразмдан Қўқон шаҳрига келади. Бу ерда область сиёсий-маориф муассасалари бошқармаси мудирининг ўринбосари, область маориф бўлимининг саводсизликни тугатиш бўйича инспектори ва область театр труппасининг бадний раҳбари ҳамда режиссёри бўлиб хизмат этади.

Ҳамза халқ орасидан етишиб чиқаётган талантларнинг ўсишига ёрдамлашув тилагида ҳаваскор тўғараклар ижро эта оладиган кичик пьесалар ёзишни давом эттиради. Демак, унинг драматик асарлари фақат профессионал театрларда эмас, корхоналар ва ўқув юртлари қошидаги бадний ҳаваскорлар тўғараклари томонидан ҳам қўйилади.

Уша вақтларда Фарғона область ўзбек таълим-тарбия техникуми мудирини бўлиб хизмат қилган Т. Н. Қори Ниёзийнинг 1926 йил 5 февралда Ҳамза номига ёзган хатида шундай дейилади:

«Муҳтарам Ҳакимзода афанди!

Яқинда техникум ўқуғувчиларининг чиқариш маросими бўладир. Шул кунга мувофиқ ўқуғувчиларимиз томонидан бир спектакль ясалмоқчи, лекин ҳеч қаердан дуруст бир асар топилмади. Шубҳасиз, албатта, Сизда бўлса керак умиди билан ўқуғувчиларимиздан бирини юбордим. Шояд қуруқ қайтармағайсиз.

Буюк ихтиром билан Қори Ниёзов».

Ҳамза ўзбек адабиётида янгилик очган экан, уни ўз вақтида тўғри тушуниб, унга мадад берганлар ҳам бўлган, шунингдек, уни тушунишни истамаган, ёрдам бериш ўрнига ишига тўғаноқ бўлишга уринган «танқидчи»лар ҳам бўлган. Ана шундайлардан бири «Адабиёт қули» тахаллусли киши 1919 ва 1920 йилда Ҳамза асарларини («Фарғона фожияси» асарини) ёмонлаб, икки марта мақола билан чиқади, удалай олмагач, 1924 йилда Ҳамза асарларини саҳнага қўйган ёш труппа аъзоларининг камчиликларини баҳона қилиб Ҳамзага яна ёпишган. Ҳамза унинг уч марта чиқишига қарши мақола ёзиб, унинг шармандасини чиқарган. Мақоланинг номи «Уч карнакка бир пуф!» деб атаган. Мақола ўткир ёзилган, аҳамиятига кўра уни тўла келтирамиз:

«Уч карнакка бир пуф!» Йигирманчи йилда, билмайман қандай бир кучга таянган шу «Қули» деган гўрков

меним «Фарғона фожнаси»ларим учун чуқургина бир гўр кавлаганини «Туркистон» газетасининг номерида ёзган эди.

Бунгача эплаб кўмалмаган «Қули» туя мижоз яна (тўрт йил кейин) қайтариб бир чайнади. Билмадим, шу тўрт йил орасида ҳазм қилолмадим, ё жанозадан тўн тегмадимми?! Энди асарларни чайнаб-чайнаб бўлгандан кейин, уюнчилар тўдасига ҳам бир тиш ботириб кўрди. Музофот қулоғига: «Бу труппага бир тийин бериш ҳаром», деб фатво азонини ҳам қичқириб қўйди. «Гуфтам амак» деган тожик мақолидек, лоақал ўзи билмаса ҳам сўрагани одам топилмаганидек. Ҳақиқатда шу кунги ўйнаган артистлар музофот труппасими эди? Музофот марказида туриб шунини билмапти! Умас-бумас «Мурод аз хатм хўжа ош хўрдан» дегандек, иш, музофот труппаси бўлсун — бўлмасун, Ҳамзанинг «Фарғона фожнаси» ўйналган эди. Шунинг ўзи зўр дастмоядир.

Энди «Фарғона» газетасида музофот қулоғига аввалги азонининг такбирини туширди. Чини билан жаноза маросимини энди ётса керак.

Кўнглингга ўтирмаган бир одамнинг асарини ёки ўзини кўзда тутиб, янгигина оёққа босиб келиб турган бир ташкилотнинг руҳини тушируви, музофот билан труппа орасига арра солув ўз виждонинг қошида қандай?

Авваламбор бугунгача Ўзбекистонда виждонан тақлидга мажбурланувдан бошқа, санон нафиса курсларини бирор синфин бўлса ҳам битириб қайтган артист топилмади? Хайир, бу ҳам турсин.

6 сентябрдан бери ташкилот ишига киришган эдим.

Бу қадар музофот ақчасига ичинг ёнар экан, бугунга қадар узун қулоқдан чоргоҳ машқ қилиб юрмай, труппа ташкилотчиси билан мусоҳибида бўлиб, музофот билан ташкилотчи орасидаги аҳвол билан танишдингми?...

Қўпол таржималар деганинг тўғри, чунки менинг сенчалик ўрта маълумотимнинг йўқлигига, авомпараст қолувим орқасида Фарб адабиётига таржимон бўла олмадим... Аммо озарбайжон пьесаларининг нима сабабдан ўйналуви, шояд ўзингга маълумдир. Бугун сенга ўхшаган қалам хўжаларининг ўз қалами ўзбек турмушиндан ёзган пьесалар билан ўз труппасини яшатмоқ ва ташкилот ичида муҳим одамларнинг бўлуви лозимлиги ҳа-

қида музофот қулоғига қичқирмоқ буюк вазифаси эмас-миди?

Ке, эй, ўрнига чет карнай чалурсан!  
Ҳамза, 1924 йил, 17 сентябрь».

Бутун куч-қобилиятини халқ иши, революция ишига бағишлаган Ҳамза синфий душманларнинг таъна тошларига қарши кучли зарбалар бериб, ўз йўлида оғишмай давом этади. Ижодий маҳсулотларининг халққа манзур бўлгани уни янги ижодий чўққилар сари ундайди. Буни партия, ҳукумат ва халқ билар эди.

Ҳамза Ҳакимзоданинг улкан адабий фаолияти билан халққа қилган самарали хизматларини назарда тутиб, Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети 1926 йил 27 февраль қарори билан унга «Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси» деган фахрий унвон беради ва шахсий пенсия тайинлайди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг бундай юксак баҳоси ва ғамхўрлиги Ҳамзанинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшади.

1926 йили Ўзбекистон ССР Социал-таъминот Халқ Комиссарлиги Ҳамза Ҳакимзодага шахсий пенсия беришни расмийлаштириш учун тегишли ҳужжатларни тўплаган. Шулар орасида Ҳамза томонидан тўлдирилган «Шахсий пенсионернинг варақаси» бор. Аҳамиятига кўра, варақадаги айрим саволлар ва унга Ҳамзанинг жавобини келтирамиз:

«Фамилияси, исми — *Ниёзов Ҳамза Ҳакимзода.*

Ижтимоий чиқиши — *Меҳнаткаш зиёли.*

Инқилобга қадар хизмати — *Халқ ўқитувчиси.*

*Инқилоб вақтидаги ишлари — Маданий оқартув иши. 1917 йили «Кенгаш», «Хуррият» исминда журналлар чиқардим. Уша йили ишчи, меҳнаткашлар жамияти ташкил этдим. 1920 йили Коммунистик партия сафига кирдим.*

Ҳозирги вақтда ижтимоий аҳволи — *Ёзувчи»* (Ҳамза Ҳакимзоданинг пенсия делоси, № 1123. Ўзбекистон ССР Социал-таъминот министрлиги архивида сақланади).

Бу жавоблардан шу нарса яна аниқ кўринадики, халқ оммасига илм, маориф тарқатиш, маърифатпарварлик иши Ҳамза Ҳакимзоданинг инқилобга қадар фаолиятида асосий ўрин олган. Унинг ёзувчилик таланти ҳам бу мақсадга қаратилган. Ўзини «Халқ ўқитувчиси» дейиши бежиз эмас, албатта.

Ҳамза инқилоб вақтидаги ишларини жуда қисқа ай-тиб ўтган. Унинг шахсий архивида сақланган ҳужжатлар унинг кенг миқёсда бўлганини кўрсатади. Биз юқорида шу ҳужжатлар асосида муфассалроқ айтишга уриндик.

Ҳамза Улуғ Октябрь ғалабаларини мустаҳкамлаш учун астойдил курашади. Коммунистик партия сиёсатини, Совет тузумининг фазилатларини кенг оммага тушунтиришда большевик агитатор бўлиб, зўр ғайрат ва садоқат билан хизмат қилади. Унинг Ўлка сиёсий драм-труппа режиссёри ва бу труппа репертуарларининг асосий автори бўлиб гражданлар уруши фронтларида ва аҳоли ўртасида олиб борган маданий-оқартув ишлари бунинг ёрқин шоҳидидир.

\* \* \*

1925 йилнинг ёзида Ҳамза Фарғона район Аввал қишлоғига боради. Бу жой унга қадрдон эди. Она авлоди шу ерли бўлиб, илгарилар ҳам келиб турарди. Бу сафар кўпроқ туришни мўлжаллаб, янги режалар билан келади. «Қишлоқда туришдан мақсадим,— деб ёзади Ҳамза таржиман ҳолида,— қишлоқ рўзғори, табиат бойлиги билан танишув билан бирликда, қишлоқ турмушидан саҳналарга пьеса ҳозирламоқдир». Ижодий ишларни давом эттиради. «Бурунги қозилар ёхуд Майсаранинг иши», «Паранжи сирларидан бир лавҳа ёки яллагилар иши» ва бошқа бир неча пьесаларини, «Сайёра» куйини, «Қора соч» операсининг музикасини шу ерда ёзади.

Бадний ижод иши билан бирга, қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида катта сиёсий-тарбиявий иш ҳам олиб боради. Ҳамзанинг ташаббуси ва қишлоқ меҳнаткашларининг куч-ғайрати билан анча ибратли ишлар бошланади. Уларнинг тугалланиши катта тантанали байрам тусини олади. Бу тантаналарга қўшни қишлоқлардан вакиллар, юқори партия ва ҳукумат идораларининг раҳбарлари таклиф қилинади.

Бу ишлар нималардан иборат эканлиги ҳақида тасаввур ҳосил этиш учун 1926 йил 17 апрелга белгиланган тантананага доир қишлоқ деҳқонлари номидан Ҳамза томонидан ёзилган бир таклиф хатини келтирамиз. Унда

шундай дейилади: «1926 йилнинг 17 апрелига расм кушод ҳамда деҳқонларнинг 11 муҳим ижодига исм қўймоқ учун қўноққа чақирамиз.

Фарғона музофотининг Марғилон туманига қарашлик Аввалкентдаги Шўро ҳукуматининг чини билан танилганлигини амалда кўрсатиш ва бошқа кентларга маданий ва ижтимоий рақобат яшаш билан 1925 йилнинг сентябридан бошлаб 1926 йилнинг 15 апрель ойигача ўзаро уюшма кучлари билан ишланиб ҳозирланган мана шу пастда кўрсатиладиган 11 ишга расм кушод билан бирликда юқори доирамида ўтирган қимматли ўртоқларимиз исмлари билан исм бериш зиёфатига чақирамиз:

- 1) 800 таноб ер, 70 хўжалик сув ичадиган янги боғланган Тожикия Қорасувига,
- 2) 52 сажен узунликда ишланган Тожикия — Ўзбекияни боғлаган кўпрукка,
- 3) сиёсий онг-билим бўлимининг ёзлик қизил чойхонасига,
- 4) қўшчиларнинг ёзлик қизил чойхонасига,
- 5) артель чойхонасига,
- 6) комсомоллар чойхонасига,
- 7) инқилоб хотираси учун солинган дарвозага,
- 8) нотиклар минбарига,
- 9) ҳайкал бўстончасига,
- 10) Париж коммуна боғчасига,
- 11) деҳқонлар артелига».

Аввал-ўзбекия билан Аввал-тожикия қишлоқларини ажратиб турган катта сув устига «Тожикия-Ўзбекияни боғлаган кўприк» қурилганига эътибор қилсак, **бунинг Ҳамза ташаббуси билан бўлганини** назарда тутсак, Ҳамза Ҳакимзоданинг ўзбек халқи билан тожик халқи дўстлигини мустаҳкамлаш йўлидаги хизматини, унинг ленинча халқлар дўстлиги ғоясига содиқлигини яна бир бор кўраимиз.

1926 йил июнь ойида Аввал қишлоғининг меҳнаткашлари Ҳамза Ҳакимзодани меҳнаткашлар депутатлари Советининг Фарғона туман 2-қурултойига вакил қилиб сайлайдилар. Қурултойда у туман ижроия комитети аъзолигига сайланади.

Ҳамза ташкилий-жамоат ишлари билан бирга, ижодий ишларини ҳам давом эттиради. У ҳаётдаги муҳим воқеалар, совет халқи яратаётган янгиликлар ҳақида

асарлар ёзиб, уларнинг ривожланишига хизмат қилади. У 1926 йил октябрь — ноябрь ойларида Самарқанд шаҳрида Марказий сайлов комиссияси ихтиёрида хизмат қилганида меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига сайловлар муносабати билан «Сайлов олдида», «Бурунги сайловлар» номли драматик асарларини ёзади ва уларни саҳнага қўяди. Уша йиллари республикада олиб борилган муҳим тарихий воқеа — ер-сув ислоҳоти ҳақида «Ер ислоҳоти» (1926) пьесасини яратади.

Ҳамзанинг «Ер ислоҳоти» асари шеърӣ диалог шаклида ёзилган. Ўз вақтида республикамизнинг кўп район ва қишлоқ саҳналарида профессионал ва ҳаваскор драма труппалари томонидан ижро этилган. Лекин унинг тўла тексти сақланмаган, фақат айрим парчаларигагина эгамиз. Булардан асарнинг умумӣ мазмунини тасаввур этиш мумкин.

Шоир меҳнаткаш деҳқонларнинг ерга эга бўлиш ҳақидаги орзулари фақат Улуғ Октябр ғалабаси натижасида, совет тузуми шароитида рўёбга чиққанини айтиб, уларни бу муҳим тарихий воқеа билан табриклайди:

Қутлуғ бўлсин, батрак ўртоқ, чорикорлар!  
Октябрнинг берган бу ер ислоҳоти!  
Қутлуғ бўлсин, янги меҳнат, янги бойлик,  
Янги турмуш, оғ, билимнинг мусовоти!

Асарда меҳнаткаш деҳқонлар ер-сувли бўлиб, ўз меҳнати самараларидан баҳраманд бўлаётган ва ўз давлатининг қудратини оширишга хизмат қилаётганини ёзувчи шундай сатрларда ифодалайди:

— Эски унум қайга кетди?  
— Бой, эшонлар киссасига.  
— Бу унумлар қайга борур?  
— Ишчи, деҳқон фойдасига.

Ёзувчи меҳнаткаш деҳқонларнинг беҳад қувончини тасвирлаш билан бирга, уларнинг улуғ ишига тўсиқ бўлишга уринаётган бой ва руҳонийлар меҳнат аҳли қудрати олдида:

Бозордаги совундек,  
Ичи тушган қовундек,  
Олти пуллик тақадек,  
Кўзи ирғиб бақадек

бўлиб қолганликларини айтиб, халқ ўртасида машҳур иборалар билан улар характерини чизади.

Ҳамзанинг бу асари ер-сув ислоҳотининг аҳамиятини кенг меҳнаткашлар оммасига англантишда ва унинг муваффақиятли ўтишида муҳим тарбиявий воситалардан бўлиб хизмат қилган.

Ҳамзанинг «Сайлов олдида» асарида бир томонда бутун илдизидан зил кетган жамият кучлари — бойлар, қулоқлар, руҳонийларнинг образлари кўрсатилиб, уларнинг ўлим талвасасида қилган найранглари, совет идораларига суқулиб кириб олиш учун уринишлари кўрсатилади: иккинчи томонда эса, тобора ўсиб бораётган социализм кучлари — меҳнаткашлар, уларнинг синфий душманга қарши ғолибона курашлари берилади.

Асар диалог шаклида, назм билан ёзилган. Тили ра-вон, ҳар қайси персонаж ўз характерига хос йўсинда сўзлайди. Эшоннинг ҳам, чорикорнинг ҳам сўзи ўзига муносиб. Ёзувчи меҳнаткашларнинг ўткир иборалари билан бойлар, қулоқлар, руҳонийларни қаттиқ савалайди. Масалан:

#### Бой деҳқон

Мени сайланг, мени сайланг,  
Менинг фарзандларим!  
Давлатим бир-ла сизни  
Ўлгунча меҳмон қиламан.  
Еру сув кетди-ку майли,  
Сизни бир нав қилиб,  
**Баъзи ишди жуда, ҳа!**—  
Шод ила хандон қиламан.

#### Чоракор

Буни ҳайданг орадан,  
Қонсираган оч бўри бу!  
Яна кирса орага  
Ҳийла ҳаросон қиладир.

Яна аввалги дўқу  
Туртки-ю тухматга ўтиб,  
Кўча-кўйларда сизни  
Зор ила ҳайрон қиладир.



Орадан чиқ, коса кўз,  
Хумча қорин, текинхўр!  
Бир тепиб тумшугинга,  
Миянгни талқон қиламан.

Ёзувчи бир-бирига энд синфий позицияда турган кишиларнинг ўзаро тортишуви орқали икки дунё — меҳнаткашлар билан эксплуататорлар ўртасидаги курашни тасвирлайди ва меҳнат аҳлларининг ғалабасини улуғлайди. Асар меҳнаткашларнинг шундай шодиёна сўзлари билан тамомланади:

Келинг ўз деҳқонимиздан  
Етишибдур Хол акам.  
Шуни сайлаб, бу моховлар —  
Дилни қон қиламиз.

Яшасин дунёда йўқсил  
Еила деҳқонларимиз!  
Биз ҳам энди янги турмуш  
Била даврон қиламиз.

Шоир совет сайловларининг дунёда энг демократик сайлов эканини кўрсатиб, меҳнаткашлар оммасини сайлов вақтида ҳушёр бўлишга, душман унсурларнинг совет идораларига суқилиб кириб қолишига йўл қўймасликка чақиради. Асарнинг катта сиёсий-тарбиявий аҳамияти ҳам шундадир.

Ҳамза Ҳакимзоданинг яна шу темадаги «Эшон ўпкасига жавоб» (1926) асари ҳам реакцион руҳонийларга қарши қаратилган ўткир сатирадир. Уни кичик саҳна асари деса бўлади. Эшоннинг заҳарханда таънасига қарши батрак бошлаб жавоб беради. У эшонга қарши шундай дейди:

Бу гавдан бесўнақай устидаги хум калла,  
Булар учун исроф бўлмиш, эсиз, афсус,  
Бир дока саллаю ўттиз қарич малла,  
Ҳар дона тасбиҳда ўзга зикир ҳар палла:  
Бир донаси деҳқон уйдан чақирур ғалла,  
Бир донаси маълум киссалардан чақирур тилла.

. . . . .  
Яъни бу қадар тоату хислат билан машғул,  
Нодон элимизга бу қиёфат билан мақбул,  
Бир зотга «озор бериш» бўлмади маъқул!  
Шунинг-чунми? Сизни сайламади маҳалла!

Эшоннинг кўриниши, савлати ва унинг асли моҳияти, қувлиги аниқ деталларда ишонарли очиб берилган.

Ҳамза булардан ташқари, «Бурунги сайловлар» (1926) номли драмасида чор ҳукумати вақтида маҳаллий амалдорларнинг қандай «сайланиши»ни тасвирлайди. «Бурунги сайловлар»да у вақтдаги сайловларнинг бошдан-охиригача қалбаки эканлиги, унда бир туркум эксплуататорнинггина манфаатлари ҳисобга олинганлигини фош қилса, «Сайлов олдида» асарида эса, совет тузуми шароитидаги сайловларни мароқ билан тасвирлайди ва эски, капиталистик дунёга қарши нафратини ифодалайди, совет тузумига, Совет Ватанига янада кўпроқ муҳаббат уйғотади.

## ХОТИН-ҚИЗЛАР ОЗОДЛИГИ КУРАШЧИСИ

Мамлакатимиз социалистик ҳаёт қуриш ишига жиддий киришган бир вақтда мамлакат аҳолисининг деярли ярмини ташкил этган хотин-қизларни сиёсий жиҳатдан маърифатли қилиш, уларни социалистик қурилишнинг фаол иштирокчиларига айлантириш энг муҳим вазифалардан эди.

Бунинг учун аввал эскилик сарқитларини, асрлар давомида хотин-қизларни қулликда тутиб келган кишиларни тамом парчалаб ташлаш зарур эди. Қулликда тутишининг асосий тузоғи паранжи эди. Уни ёпинишга кўниш — у билан боғлиқ бўлган барча эски урф-одатларни бўйинга олиш бўларди. Шунга кўра, паранжига, демак, барча бой-феодал урф-одатлар, диний хурофотларга қарши **оммавий ҳужум эълон қилинади.**

Айниқса, 1927—1928 йилларда Халқаро хотин-қизлар куни 8 Мартни байрам қилиш кунида мингларча хотин-қизлар майдонларга йиғилиб, бошларидаги қуллик рамзи паранжи-чачвонни гулханга улоқтирардилар. Бу гулханларда паранжи билан бирга хотин-қизларнинг қуллик қисмати ҳам ёнарди.

Хотин-қизлар озодлиги масаласига зўр эътибор бериб келган Ҳамза бу муҳим тарихий вазифага ўзининг ўткир қаламини сафарбар қилади. Бу темада бир неча шеър ва ашулалар: «Ўзбек хотин-қизларига», «Муборак», «Ҳужум» хонларига!» ҳамда «Март қурбони Ойниса», «Майсаранинг иши», «Паранжи сирларидан бир

лавҳа» пьесаларини ёзади. Бу асарларида Ҳамза хотин-қизларнинг социализм даврида эркин ҳаётга ва юксак инсоний қадр-қимматга эга бўлганликларини тушунтириб ўтади ва уларни маърифатли бўлишга, озодлик душманларига қарши кескин кураш олиб боришга чақиради. У «Ўзбек хотин-қизларига» (1927) деган шеърда шундай ёзади:

Келди очилур чоғи ўзлигинг намоён қил,  
Парчалаб кишанларни ҳар томон паршон қил.

Мактаб, анжуман борғил, унда фикр очиб гоҳи  
Илму фан тиги бирлан жаҳл бағрини қон қил.

Сояларда сарғайган юзларинг қилиб гулгун,  
Сен ҳам аҳли донишлар базмини гулистон қил.

Чўриликни муллалар сенга қилдилар тақрир  
Кел бугун бу заҳмингга маърифатни дармон қил.

Оналик ҳуқуқингни ҳурмат этмаганларни  
Юзларинг қаро айлаб, феълидан пушаймон қил.

Ой юзинг қора чиммат зулмидан қутултирғил  
Чиқ қоронғи турмушдан, нур нинда жавлон қил.

Сен қачон маорифнинг даргоҳига йўл топсанг,  
Нурларин олиб кўзга сурмайи сулаймон қил.

Бу шеър ашула қилиб ҳам айтилади. Ўзининг чуқур ғоявийлиги ва бадийий пишиқлиги билан Ҳамза Ҳакимзоданинг бу шеъри ўзбек совет поэзиясида хотин-қизлар озодлиги темасида ёзилган энг яхши асарлардан биридир. У ҳозир ҳам совет поэзиясининг классик намуналаридан бўлиб қолмоқда.

Озодлик душманлари томонидан ҳалок этилган хотин-қизлар хотирасига бағишлаб шоир марсиялар ҳам ёзади. Булар орасида машҳур артистка Турсуной ҳақидаги марсия (1928) алоҳида аҳамиятга эгадир.

Турсунойнинг фожiali ҳалокатини шоир унинг тилидан шундай тасвирлайди:

Қуримасдан дорга ёйган кўйлагим,  
Езмай шимарилган нозик билагим,

Вафосиз ёр экан қонимни тўқди.  
Шул эрдими дўстлар, севган тилагим.

Ортиқ бино қўйдим, ёр деб ўзимга,  
Кулгич эрким уйқу бермай кўзимга.  
Номард экан, чалди боғлаб қўлларим,  
Қиё боқмай кўз ёш томган юзимга.

Турсунойнинг ўз ёрига садоқати, астойдил меҳр-муҳаббат қўйгани, ундан фақат яхшилик кутгани, лекин ёри душман ифвосига берилиб хиёнат қилаётгани аниқ ва таъсирчан чизилган.

Бу ҳолат кишида Турсунойга меҳр, ачиниш ва унинг қотилига эса кучли ғазаб қўзғатади. Энди ўсиб-униб, халққа хизмат қила бошлаган умидли артистканинг умри қирқилар экан, унинг фикр-хаёли севимли халқда, унга етарли хизмат қила олмаганида бўлади. Бу ҳолат шундай қуйма сатрларда ифодаланган:

Яхши қолинг севган юрту диёрим!  
Хизмат қилиб қонмай, қонга бўялдим.

Унинг бу ватанпарварлик туйғуси душманга қарши ғазабни яна кучайтиради. Сўнгра шоир Турсунойнинг фожиали ҳалокатидан бошқалар учун ибратли хулоса чиқаришга ўтади. Хотин-қизларимиз оилавий турмуш қуришга киришувдан аввал билим олишлари ва севгилсининг яхши билиб кўнгил қўйишлари кераклигини уқтиради:

Менга мотам тутиб қора боғламанг,  
Тенгу тўшим нозик бағрин доғламанг!  
Турсунойдек ёвуқ севинг, сингиллар,  
Тўкис билим кўрмай турмуш чоғламанг!

Шеър бахтиёр социалистик ҳаёт қураётган совет кишилари жонига чанг солган душманларга қарши кескин курашга чақирувчи нидолар билан тугалланади:

Соғинганлар сўрса: алдаб юпатинг,  
Мендин салом айтиб, кўнглин қувонтинг!  
Ҳожикўлдек ёвуз юрак ётларни  
Ёш турмушдан, ёшлар, қувлаб йўқотинг!

Бу шеърга Ҳамзанинг ўзи музика ҳам ёзган ва у ашула бўлиб халқ орасида тарқалган. Бу ашула озодлик қурбонларининг ноласи бўлиб қолмай, шу билан бирга, хотин-қизлар озодлиги душманларига қарши кучли ғазаб ва курашга чақирувчи бир нидо бўлиб янграйди.

Ҳамза Ҳакимзода халқимизнинг янги ҳаёт, социализм қуриш йўлида зафардан зафарларга эришувини истар эди. Шунинг учун ҳам қаламининг ўткир тигини янги ҳаёт душманларига, патриархал-феодал ва буржуа жамияти сарқитларига қарши қаратади. Бу соҳада сатира жанридан самарали фойдаланади. Унинг «Бу кун 8 Март», «Ҳужум» хоинларига!» «Азим хўжа эшон», «Қузғунлар» каби асарлари сатиранинг ўткир намуналаридир.

Ҳамза «Бу кун 8 Март!» (1927) асарида хотин-қизлар озодлиги душманларини қаттиқ савалайди. Асар қофияли наср шаклида ёзилган. Ҳар бир сўз териб, танлаб ишлатилган. Қисқа сатрларда персонажларнинг характери яққол очиб ташланади. Муштумзўр бой шундай тасвирланади:

«Ҳой бой!  
Ичи ғирч-ғирч мой!  
Бети довул, бурни сурнай,  
Бугун сендан қимматроқдир бир замбар лой.  
Қайлиқ ўйнаб, қиз сотишлар,  
Чўри, хизматкор тутишлар,  
Биров мулкин ғасб этишлар,  
Оғиз, бурнига уришлар,  
Тюрма, сургунлаш, сўкишлар,  
Бу кун сенга кўп қийиндир, аҳволингга вой».

Ёзувчи бу парчада бойларнинг зўравонлигини ва ахлоқий бузуқлигини очиб ташлайди. Совет даврида буларга йўл қўйилмаслигини таъкидлаб ўтади. Бойларнинг малайи бўлган руҳонийларнинг халқ олдида кулгили аҳволга тушиб қолганини шундай беради:

«Ҳа, домулла!

Ҳайрат бармоғини тишла-ю, бир боғ похолга ўхшаган соқолингни тутамла! Саллангни босиброқ кийгилда, бироз каллани хамла. «Нега хотинлар паранжини ташлайлар» деб хафа бўлсанг, бурнингни тишла-ю, кўзингни намла!»

Шоир айрим мансабдор кишиларнинг онгида сақланиб қолган эскилик сарқитларига, хотин-қизларга бой-феодалларча муносабатда бўлишларига қарши кескин кураш олиб боради. У «Хужум» хониларига!» шеърда (1928 йил, март) ёзади:

Баъзи бир хизматчилар хотинни озод айлади  
Илгариги эркини ҳам, яъни барбод айлади,  
«Ғинг десанг, қум-қум талоқ» машқини бунёд айлади,  
«Йўқ, десанг, гум! Бошқа» деб додини бедод айлади.  
Қайта бошдан рўдапо илмоққа иршод айлади.

Бу шеърда ўзини янгиллик тарафдори этиб кўрсатиб, масъул ўринга жойлашиб олган, кўнглида эскилик доғи бор хизматчи тасвирланган.

Муҳим масалаларда у ўзини ҳар оҳангга солади, сўзда паранжига қарши, лекин амалда — хотини паранжи ташламоқчи бўлганда у турли найранглар билан қаршилиқ қилади. Ҳамза ана шундай инкнюзламачининг образини беради.

Ҳамза текинхўр руҳонийларнинг халқни жаҳолатда сақлаб, уни талаш ҳисобига кун кечириншга уринганларини очиб ташлайди. Масалан, дин арбоби ҳисобланган бир эшоннинг рўза пайтидаги алдамчилигини кўрсатиб ўтади. Кўнглини унинг ўзига айтдириш усулидан фойдаланиб, шундай тасвирлайди:

Рўза тутдим нон учун,  
Элга бир пардоз учун,  
Сўрсанг ишнинг аслини  
Мулла червон оз учун.

Рўза тутдим ор учун,  
Ҳар кун ифтор учун,  
Чунки ҳар ифторчининг  
Бир чопони бор учун.

.....

Ғар бўлса нодон элим,  
Авж олиб тургай келим.  
Гўрга киргунча бошим  
Ғам юкин кўрмас белим.

Ҳамза 1927 йилда «Қузғунлар» номли сатирик асар ёзиб, унда бой, эшон, қози, аълам, муфти, фолбин, ромчи, қоқимчи, парихон, дуохон, ўғри, судхўр ва шу каби меҳнаткашлар қонини сўрувчи текинхўрларни бирма-бир кўрсатиб, уларнинг кирдикорларини очиб ташлайди, уларни эл бошига битган қузғунлар дейди.

Шоир турмушдаги камчиликларни тугатишга эътиборни жалб этиш, олға босишимизга тўсиқ бўлган иллатларни қаттиқ танқид қилиш билан бирга, бу камчилик ва нуқсонларни енга олишимизга зўр ишонч билдиради. Унинг юмор ва сатираси совет тузумини мустаҳкамлашга қаратилгандир.

Хуллас, Ҳамза Ҳакимзода бу йилларда мамлакатимиз иқтисоди ва маданиятини тез суръатлар билан ривожлантириш учун Коммунистик партия томонидан халқимиз олдига қўйилган буюк вазифаларни бажаришда ўзининг ёзувчилик ва санъатчилик таланти ҳамда жамоатчилик фаолияти билан ҳормай-толмай, зўр ғайрат билан хизмат қилади, социалистик ҳаёт қурувчиларнинг олдинги сафида бўлади.

## НОДИР МУСИҚИЙ ТАЛАНТ

Мусиқий ва шеърӣ қобилият Ҳамзада анча эрта намоён бўлган. У таржимаи ҳолида 1906—1907 йилларни эслаб, дунёвий билимларни эгаллашга, шеър ва мусиқага бўлган ҳаваси ҳақида шундай дейди: «Мадрасани ташлаб бирор томонга кетиб ўқиш ҳаваси менда нақадар кучли бўлса, отам шу замоннинг энг фақир кишиларидан бўлгани учун иқтисод мени шул қадар кучсиз қиладир эди. Лекин мусиқавий лаҳн (ашула туйғуси), шеър ёзишга дардлашиш тағин эскироқдир. 1897—1898 йиллардан онла ичинда «Маснавий», Ҳофиз, Бедил, Юсуф Аҳмад, Боқирғоний... каби шеърӣ рисоаларни ота, оналарга ўқиб беришда ўрнашгандирки, 1905 йили Япон муҳорибаси учун лаҳни ёзилган бир шеърим, 1899—1900 йилларда ёзилган шеърӣ ёзмаларим сақланиб келадир».

Бойлар, феодаллар, руҳонийлар ва подшо ҳукумати халқ талантларининг ўсишини бўғиб, ривожланишига йўл қўймаган бўлсалар ҳам, халқ орзу умидларини, овозини йўқота олмаганлар. Яшил водийлар ва кенг саҳролар бўйлаб, чўл-биёбонлар ва баланд тоғлар оша

қатиш учун бир восита сифатида ҳам фойдаланган. Шунинг учун ҳам у айтиб ўтилган тўпламларида эълон этилган ашулаларнинг ҳаммасига, сўзлари бор-йўқлигига қарамай, шеър ёзган ҳамда бу шеърларни халқ орасида кенг тарқатишга ҳаракат қилган. Бу тўғрида ўзи «Яшил гул» тўпламига ёзган сўз бошисида шундай дейди: «Бори бизи қоръин қиромлардан энг ортиқ даражада ражо ва тавсиямиз будирки, мумкин қадар бу миллий ашулаларни авом орасина таратиб ва мусиқий гўшаларинда бу тарафга буриб қизиқтирсалар...»

Ҳамза фақат ўзбек ашула ва куйларини тўплаш билан қаноатланиб қолмайди. У бошқа халқларнинг энг яхши ашула ва оҳангларини ҳам ўзбек халқи орасига ёйишга интилади. Унинг шеърлар мажмуасида рус, татар, уйғур ва озарбайжон куйларига мослаб ёзилган шеърларини ҳам кўрамиз. Масалан, «Оқ гул» тўпламида келтирилган «Жон тўралар» ашуласининг оҳанги ҳақида Ҳамза шундай дейди: «Бундан 17 сана муқаддам, ҳижрийнинг 1317 ларинда Фарғонада бошлаб расм ўлмиш бу ашула, нақллар сўзича аслида Қашқарда илқо топган бўлса керак, чунки оҳанги қашқар оҳангига мувофиқдир» («Оқ гул», 1916, 3-бет).

«Пушти гул» тўпламида бир ашулага ёзган сўз бошисида шундай дейди: «Баъзи ёшларимиз татар савт (оҳанг)ларин дўст тутувларин изҳори сабабли Туркистон шеvasида татар оҳангида тубандаги шеър ёзилди. Татар куйлардан «Биринчи садо» куйинна мувофиқдир». Шеърдан парча келтирамиз:

Уйқу битмас ўхшар биздин,  
Қишлар келиб ёз ўтса-да.  
Унутилмас ғафлат биздин  
Ўзга миллат унутса-да.

Истамаймиз маърифатни  
Чин кўнгилдан ҳақиқатни.  
На бўлурни ўйламаймиз  
Ойлар тўлиб йил ўтса-да...

Эшон иши бойни кутмоқ,  
Ақча учун қўлни тутмоқ,  
Парво қилмас бечоралар  
Тошу тупроқ чайнаса-да.



«Оқ гул» ашулалар тўпламида шундай ёзади:

«Татар ҳофизларидан муҳтарам Муҳаммад Комил Мутъий<sup>1</sup> ҳазратларининг куйлариндан... куйна мувофиқ бир шеър ўлуб, тўрт мисраи эр, тўрт мисраи қиз тарафиндан ўқилур» деб, «Эрлар билан қизлар айтишувси» шеърини беради. Булар шуни кўрсатадики, Ҳамза масалага анча кенг ва тўғри қараган.

Ҳамза ашула тўпламларини нашрга тайёрлар экан, китоб тартиб этишда расм бўлиб келган эски анъаналардан воз кечади. Асарларини «бисмилло, ҳамд...»лар билан бошламайди, бевосита муддаога ўта беради. Ҳамзанинг бу ишига реакцион кучлар, айниқса руҳонийлар эътироз билдирадилар. Лекин шоир чекинмайди ва ўз сўзида қолишга важ топади. «Биринчи бўлим таъб ўлуб, таралмасдан аввал,— деб ёзади Ҳамза,— миллий ашулаларимизнинг қимматини тақдир этиб, хусусий мактублар ила табрик ва ташаккур этувчи зотлар ўлдуғи каби, «бисмилло, ҳамд, наът ёзилмабдур», деб танқид этувчилар-да, бўлди. Лекин бу рисола мўътабар бир китоб ўлмай, бори миллий ашулалардангина иборат бўлиб, донмо қоръинларнинг чўнтакларида юрадиган бир рисола бўлган учун «бисмилло, ҳамд, наът» ёзилмаган эди».

Ҳамза музика соҳасида ҳам қанчалик ҳаракат қилмасин, ишларини ривожлантира олмайди. Бунга имконият йўқ эди. У вақтларда ўлкада бирорта ҳам музика мактаби очилмаган эди. Халқ ичидан етишиб чиққан ташаббускор ҳаваскорлар эса, турли тўсиқликларга учрар, таланти бўғилар эди.

Ҳамза Ҳакимзоданинг ижодий таланти, жумладан, муסיқий қобилияти Улуғ Октябрь нуридан баҳра олиб яшнаб кетади. У энди тинмай ашулалар, маршлар, куйлар ижод этади. «Ҳой ишчилар!», «Биз ишчимиз», «Яша Шўро!», «Уйғон!» каби кўшиқлари бунинг исботидир. Буларда революция туфайли озодликка эришган ишчилар ва меҳнаткаш деҳқонларнинг фикр, туйғулари, беҳад қувончлари тараннум этилгандир.

Ҳамза энди ашула ва куйларни эълон этишда ҳам илгари боради, уларни нотага кўчиради. 1919 йил бош-

<sup>1</sup> Муҳаммад Комил Мутъий 1912 йили Урта Оснёга гастролга келган. Тошкент, Қўқон, Наманган шаҳарларида концерт берган. Ҳамза унинг ашула ва куйларини эшитган ва улардан чуқур таъсирланган.

ларида нашр этилган «Атир гул» номли ашулалар тўпламига ёзилган сўз бошида унга киритилган бир ашулани ҳисобламаганда, «бошқа ашулаларнинг оҳанги шоирнинг ўзи тарафидан ясалгандир. Ўқувчи оғаларимизга билимсиз қолмасин учун ҳар бирини нотага кўчирдик» дейилади. «Бу рисоладаги ашула ҳар бири пианинода ўйналар» деб кўрсатиб ўтилади.

Бу куйларни яратишда Ҳамза ўзбек халқининг музыка меросидан озиқланиш билан бирга, қардош халқлар, айниқса, рус халқининг музыка маданиятидан ижодий фойдаланган. Масалан, унинг «Яша Шўро!», «Ҳой ишчилар» ашулалари ҳақида музикашунос Илёс Акбаров шундай дейди: «Бу ашула («Яша Шўро!»— Ю. С.) ўзбек музыкасига хос ритм ва авжларга, чўзиқ ва раvon товушларга эга бўлиш билан бирга, ўзбек музыкасидан фарқ қилувчи хусусияти ҳам бор. Маълумки, бизнинг куйларимиз, музыка-мақомларимиз пастки пардалардан, яъни «даромаддан» бошланиб, аста-секин ўрта ва юқори товушларга — авжларга кўтарилади ва тугалланишда яна шу бошланган пардага келиб тугайди. «Яша Шўро!» ашуласи эса, бир йўла ўрта авждан бошланади. Бу ҳолат Ҳамза яратган ашулага янги бир жўшқинлик, революцион қудрат бағишлайди. Бу новаторлик эди.

1917 йилда яратилган «Ҳой ишчилар!» ашуласи Ҳамзанинг энг машҳур ижодидир. Бу ашулада рус музыкасига хос ритм ва интонация яққол кўринади. Вальс ритмида ёзилган «Ҳой ишчилар!» ашуласи билан Ҳамза ўзбек музыкасига янги бир бойлик қўшди... Ҳамза бошлаган бу дадил қадам келгусида ўзбек композиторлари ижодида ўз ўрнини эгаллади» (Илёс Акбаров, Ҳаётбахш қўшиқлар ижодкори, «Ўзбекистон маданияти» газетаси, 1961 йил, 11 февраль).

Ҳамза музыка асбобларидан дутор, танбур, мандолина, скрипка ва пианинони яхши чалган. У музыка соҳасидаги билимини ошириш учун ҳар бир фурсатдан фойдаланишга ҳаракат қилган. 1918 йил апрель — май ойларида Тошкентда бўлганида хусусий равишда бир музыка муаллимидан дарс олгани маълум. Унинг шахсий архивида сақланган кундалик дафтаридан шундай ёзувлар бор: «1918 йил 5 апрелдан бошлаб ўқий бошладим, сабоқ 3 сўмдан», «Нота муаллимига 7 майда, сешанба кун 25 сўм бердим».

Ҳамза бошчилигидаги ўлка мусулмон сиёсий драм-

труппанинг биринчи актёрларидан бўлган, «Ҳой, ишчилар!», «Яша Шўро!», «Уйғон» каби революцион ашуларнинг дастлабки моҳир ижрочиси, машҳур санъаткор Муҳиддин Қори Ёқубов 1923 йил 12 июлда Ҳамза номига ёзган бир хатида шундай дейди:

«Ҳурматли ва истакли қадрдон маслакдошим Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий!

Кўп вақтлар бир-биримиздан узоқ тушганлигимиз учун юрагимнинг энг нозик еридан Сизга салом юбораман.

Мен Москвадан Боку орқали Туркистонга келмоқда эканман, йўлда Хоразм ёшларининг масъул котиби ўртоқ Зариф Худойбердиев билан танишдим ва Сизнинг ўша ерда эканлигингизни-да англадим...

Сизда бўлган музика ва театру талантини Москвада шу йўлда орттирган тажрибам орқасида танимоққа мажбур бўлдим. Ҳақиқатан, Сизда музика ишлари учун самовий қувват бор эди, ҳамон-да бор. Мана шул қувватнинг инкишофи учун янада чалишмоқ керак, дўстим! Бунинг учун эса, тезда келиб мен билан бирликда Москвага кетмоғингиз керак.

Мен кўп бўлмаса-да Москвада кичкинагина бир хизмат қилдим. У ҳам бўлса: Сизнинг ихтироий куйларингиздан «Бухоро машқи», «Хоразм», «Япроқ»ларни Европа нотасига солиб, тобе эттирдим ҳам шулардан бирор нусхадан тақдим этдим.

Боқи ихват Муҳиддин Қори Ёқубов».

Ҳақиқатан ҳам, «музика ишлари учун самовий бир қувват бор» бўлган Ҳамза кўп оригинал куйлар яратади, халқ куйларини тўплаб, уларга янги жило беради.

Ҳамза томонидан шоир Фурқатнинг «Сайдинг қўябер...» деб бошланадиган шеъринга ёзган музикаси диққатга сазовордир. Бу куйни Ҳамза 1927 йилда ихтиро этган. Ушандан бери «Сайёра» номида куй Ҳамзаники, шеър Фурқатники бўлиб, ижро этилиб келинади. СССР халқ артисти Ҳалима хоним бу ашулани дастлабки ижрочиларидандир. Музика сўзга шундай монанд бўлиб тушганки, бу ашула икки буюк қалбнинг жўр таронаси бўлиб жаранглайди.

«Чаман ичра» номи билан машҳур куй Ҳамза томонидан ижод этилгани маълум. 1926 йилда Ўзбекистон ССР Марказий маданий-оқартув бўлимига ёзган бир

хатида Ҳамза 90 дан ошиқ куй ижод этгани ва уларни нотага кўчириб, нашрга ҳозирлаётганини ёзади.

Ҳамза музика соҳасидаги кўп йиллик тажрибаси асосида опера асари ёзишга киришади. Бунга эришади ҳам. «Қора соч» номли опера ёзиб, 1926 йил июнь ойида Бош сиёсий маориф шўъбасига топширгани маълум<sup>1</sup>, лекин нечундир унинг дараги бўлмай кетган. Фақат «Отинбибижон» деган бир дуэтигина оғиздан-оғизга ўтиб шу кунгача етиб келгандир. «Қора соч» операсидан парчалар эшитган ўртоқларнинг сўзига қараганда, у яхши асар бўлган. Бу ҳақда совет санъатимизнинг машҳур арбобларидан бўлган Маннон Уйғур ёзади:

«Ҳамза ўзбек операси яратилган орзу қиларди. Шу мақсад билан у 1926 йили Самарқандда экан, «Қора соч» операсини ёзди. У, бу операдан парчаларни ўзи пианинода чалиб, арияларини айтиб берди. Биз бу парчаларни, нозик, ёқимли ария ва дуэтларни завқ билан тингладик».

Ўзбекистон ССР халқ артисти Мария Кузнецова Ҳамза ҳақидаги эсдаликларида шундай деган эди:

«Ҳамон ёдимдан кўтарилгани йўқ: мен у билан сўнги март 1926 йилда учрашдим. У бизга операсини музикада чалиб берди, ўзбек совет операсини орзу қилишини айтди».

Ҳамза санъат ва адабиётнинг халқ ҳаётидаги муҳим ролини тушунар ва бунини жуда қадрлар эди. Бу тўғрида 1926 йил 16 декабрда ёзган бир хатида шундай деган эди:

«Маълумки, ҳар бир элнинг донини сақлаган ўз адабиётидир. Шу адабиётни жонли ва энг нафис кўрсатадиган ери саҳнасида. Яна шу адабиётни жон йўсинида танасига ўрнатадиган, шубҳасиз, мусиқавий қўшиғидир ва мусиқани ҳар ёнга жавлон этиши учун ҳар элнинг ўз шеvasида дардли шоири билан ўз оҳанги йўсинида қўшиқ чиқарувчиси (композитори)дир...» Ҳамза фикрини давом эттириб дейди: «Бутун инқилобий ташвиқотда Ўзбекистонимизда энг яхши таъсир берган нар-

---

<sup>1</sup> Бу асарнинг топширилгани ҳақида Ҳамза Ҳакимзода шахсий архивида расписка бор. Унда шундай дейилади: «Ушбу расписка шул хусусдаким, Ҳамза Ҳакимзода тарафидан Бош сиёсий маорифга юборилган бир дона «Қора соч» исминдаги театру китобини олдим, деб: Муртазин, 20 июнь, 1926 йил».

са ҳам шул саҳна ва шул саҳнадаги дардли шеърлар билан мунгли ашулалар бўлди».

Шоир бу сўзида тамом ҳақлидир. У ёзган революцион ашулаларда халқ кўнгли энг яхши ифодаланган эди, шунинг учун ҳам улар кенг халқ оmmasига манзур бўлди, революция ишига, халқ ишига хизмат қилди.

Ҳамза ўзбек миллий музика ва театр санъатининг ривожига ҳақида ўйлар экан, аввало унинг аҳллари ўзларининг илмий, сиёсий савиялари ва бадний маҳоратларини доимо юксалтириб боришлари кераклигини уқтириб ўтади. 1926 йилга онд бир хатида айрим труппаларининг хато ва камчиликларига тўхтаб шундай ёзади:

«Инқилобий ҳиссиёт, ижодий ҳаёт кўрғазмалари ўрнига, қуруқ гавда ҳаракатлари билан товуш қолфаларидан бошқа бир нарса жавлон ургани кўрилмади. Бунга сабаб эса, ишбошқарувчи ўртоқларнинг илмий ва сиёсий кучларининг озлиги билан бирга ташкилий руҳларининг энг кучсизлиги ҳамда халқ руҳини уйғотиш усули билан бутунлай бегоналикларидир».

Халқ руҳини уйғотиш усулини яхши билган Ҳамза ўзбек музика санъатини ривожлантириш соҳасида ҳам анча ишлар қилган. Халқ куйларини ихлос билан тўплаган, уларнинг кўпига сўз ёзган, шунингдек, ўзи ҳам янги куйлар ва қўшиқлар яратган, қардош халқларнинг энг яхши куйларини ўзбек халқи орасига ёйишга интилган, ўзбек опера санъатини яратишга биринчи бўлиб киришган композитордир. У яратган «Биз ишчимиз», «Ишчилар уйғон!», «Яша Шўро!» каби революцион қўшиқлар граждандар уруши даврининг қаҳрамонона асарларидандир. Уларда Улуғ Октябрь инқилоби гоёлари мужассамлангандир.

Юксак гоёвий-бадний қувватга эга бўлган Ҳамза музикалари, ашула ва қўшиқлари совет кишиларининг коммунизм қуриш ишига ёрдам бериб келмоқда.

## ДРАМАТУРГИЯМИЗ АСОСЧИСИ

Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар Урта Осиё халқлари мунтазам замонавий профессионал театрга эга эмас эдилар.

Илғор зиёлиларнинг профессионал театр ташкил қилиш учун бўлган уринишлари чор ҳукумати ва мусулмон руҳонийлари томонидан бўғилар эди. Шунинг учун

ҳам театр билан боғлиқ бўлган адабий жанр — драматургия заиф эди.

Совет ҳокимиятининг биринчи йилларидаёқ санъат ва адабиётнинг ҳамма турлари, жумладан, драматургия ҳам гуркираб ўсиб кетди. Тошкент, Қўқон, Фарғона, Андижон, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларида театр труппалари тузилди. Буларнинг биринчи ташкилотчилари эса, революцияга қадар ҳаваскор театр труппалари тузиб, лекин уларни ривожлантира олмай юрган ва революция туфайли эркин нафас олиб севинган илғор маданият арбоблари бўлдилар. Булар — Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва Маннон Мажидов (Уйғур)лар эди. Буларнинг ташаббуслари Коммунистик партия ва Совет давлати томонидан қўллаб-қувватланди.

Биз Ҳамза Ҳакимзоданинг драматургияси ҳақда сўз юритамиз.

Ўзбек совет драматургиясининг ривожланишида биринчи навбатда илғор рус маданияти билан танишув катта аҳамиятга эга бўлди.

Ҳамза биринчи навбатда рус реалистик драматургиясидан ўрнак олади, ўз қаламдошларини ҳам бу ишга даъват этади. «А. С. Пушкин, Н. В. Гоголь, А. И. Островскийлар ҳақида,— деб эслайди 1918 йилдан бери Ҳамза бошчилигидаги театр труппасида ишлаб келган Мария Александровна Кузнецова,— Ҳамза қанча десангиз сўзлаб берарди. Актёрларни рус тилини билишга, илғор рус маданиятини ўрганишга даъват қиларди». «Москва студияси қошида саҳнага қўйилган «Ревизор» комедиясини Ҳамзага кўрсатганимизда,— деб хотирлайди Маннон Уйғур,— у ғоятда хурсанд бўлди ва рус театри санъатидан кўп нарсалар ўрганиш лозимлигини айтди».

## «БОЙ ИЛА ХИЗМАТЧИ»

Янги яратилган театр репертуарсиз яшай олмаслигини яхши тушунган Ҳамза ҳаётий темаларда пьесалар яратар эди. У 1918—20 йилларда зўр иштиёқ билан ўндан ортиқ пьесалар ёзди. Уларни биринчи марта ўзи саҳнага қўйди. Лозим бўлганда актёрлик ҳам қилди. Бу пьесалар замонавий темаларда революция манфаатларини кўзлаб ёзилганликлари билан янада аҳамиятли эди. Булар орасида «Бой ила хизматчи» айниқса катта

шуҳрат қозонди. У ҳозирга қадар саҳналаримиздан тушмай келади. «Бой ила хизматчи»ни ёшлик чоғимда,— деб хотирлайди Ойбек,— эски шаҳар театрида кўрганман. Одам қалин, зал ёшлар, ўспиринлар билан лиқ тўла эди. Бутун юрагим билан, ҳаяжон билан тингладим. Қалбимга қон, кўзларимга ёш тўлди ва юрагимга хоин боёнлар, золимлар, сотқинларга бениҳоят кучли нафрат, ғазаб тўлди. «Бой ила хизматчи» менда сўнмас из, чуқур таассурот қолдирди».

Ўзбек совет театри ташкил этилган биринчи йилларда актёрлар орасида ўзбек хотин-қизлари йўқ эди. Хотин-қизлар ролида улар қиёфасида бўлиб эркаклар чиқардилар. Ана шундай оғир шароитда рус халқи вакиллари ёрдамга келди ва ўзбек театр санъатининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшдилар. Мария Кузнецова шундай кишилар жумласидандир. У 1918 йили Ҳамза билан биринчи учрашувини хотирлаб шундай дейди: «Мен ўзбек театри артисти бўлишга қатъий қарор қилдим. Ўзбеклар орасида яшаганим учун ўзбек тилини яхши билардим. Театрнинг халққа бўладиган бевосита ва кучли таъсирини тушунардим. Ҳаммага, русларга ҳам, ўзбекларга ҳам ўзбек хотин-қизларининг озодлик истагини айтгим келди, дедим Ҳамзага. У менинг сўзимни эътибор билан эшитди ва ашула айтасизми?— деб сўраб қолди, мен ижобий жавоб бердим. Шундан сўнг Ҳамза мени пианино ёнига олиб борди ва ўзи куй чала бошлади. Менинг биринчи репетициям шундай бошланди.

Шу куни Ҳамзанинг менга айтган шу сўзлари эсимда: «Сиз — рус қизи, биринчи ўзбек актёрларидансиз. Бу ҳол фақат Совет ҳокимияти туфайлигина мумкин бўлди. Мамлакатимизда энди дўстлик ва биродарлик қарор топди. Сиз ўзбек театри кўкламининг дастлабки қалдирғочларидан бирисиз. Ишонаманки, кўпгина ўзбек хотин-қизлари Сиздан ибрат олиб, қийинчилик ва тўсқинликларни енгиб саҳнага келурлар».

Ҳақиқатан ҳам, Совет ҳокимияти туфайли озод нафас олган ўзбек хотин-қизлари, Ҳамза айтганидек, Мария Кузнецовадан ибрат олиб саҳнага кела бошладилар. Ўзбек хотин-қизларидан Лутфихоним Саримсоқова, Со-ра Эшонтўраева, Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоева, Замира Ҳидоятова, Шоҳида Маъзумова каби қатор талантли актёр кадрлар етишиб чиқди.

«Бой ила хизматчи» спектаклида ўзбек қизи Жамила ролини биринчи бўлиб (1918) Мария Кузнецова ижро этган бўлса, кейинги йилларда бу ролни Сора Эшонтўраева, Икрома Болтаева ва бошқа ўзбек хотин-қизлари ижро этиб келмоқдалар. Кейинчалик Мария Кузнецова сахнада Ҳожини она образини яратди.

Ўзбек меҳнаткашларининг Улуғ Октябрь социалистик революциясидан илгариги оғир ҳаётини, уларнинг бойлар, руҳонийлар ва подшолик истибдодига қарши олиб борган курашини кўрсатиш «Бой ила хизматчи» драмасининг бош темасидир.

«Бой ила хизматчи» драмаси 1918 йилда ёзилган бўлиб, ўша йили Ҳамза раҳбарлигидаги театр труппа коллективи томонидан биринчи марта сахнага қўйилган.

Қуйида 1919 йилда чиқарилган афишалардан бирининг (фоторасми 69-бетда) сўзларини берамиз:

«Ҳақиқат майдонининг қаҳрамонлари!

Энди дунёда чин турмуш ва хўжалик сизникидир!

Яшасин меҳнаткашлар ва деҳқонлар!

Битсун киши кучи билла яшовчилар!

...шаҳринда

1919 йилда

...биносда.

25 октябрда

Ўлка мусулмон сиёсий труппаси тарафидан

Мавқеъ томошага қўюлур:

## 1

### Бой ила хизматчи.

Бу асар тўрт пардали фожиа бўлиб, эски, Николай вақтинда хоин мустабид чиновниклари қўл кучи ила меҳнат қилувчи фақирларни оёғ остина топтаб, капиталистларга қилгон ёрдам ва оналарини тасвир қилгон бир асардир.

**1 нчи пардасида:** бир зolim бой кичиклигидан ўз ўғли қаторида хизмат ила катта бўлгон ҳалол бир хизматкорга ўзи хотун олуб беруб, ўзи яхши кўруб қолуб, хизматкоридан ажратуб ўзи олмоқ ҳаракатиға тушгонини ва унга хоин қози, мулла ва элликбошилари бойнинг пулига сотилуб, йўл топуб бергонини;

**2 нчи пардада:** шаҳар ҳокими бойнинг ақчасига сотилуб, бечора хизматкорни оз баҳона ва тухмат билла катержний работга ҳукм қилгонини;



**3 нчи пардасида:** бечора хизматкорнинг хотунини бой кучлаб олуб ва унга қилгон муомаласини, бечора ҳалол хотун ўз куёвининг ишқида ўзини дорув еб ҳалок қилгонини;

**4 нчи пардада:** Сибирда хизматкори бир социалист ила ошно бўлуб, ишчилик ҳақини тануб социалист бўлгонн. Қатер золимлари тарафиндан темир қамчилар билан айни азоб еб турган чоғда бирдан ҳуррият бўлиб, буларнинг бандидан озод бўлуб кетувини тасвир қилингандир.

Ёзувчи: Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий.

## II.

### Тухматчилар жазоси.

Бу асар икки пардали кулги бўлуб, биринчи пардасида: бир зиёлик хоним ҳақинда бир шариллатон била бир масжид имомининг муҳаббатлари тушуб, ҳеч илож тополмаганларидан хоним куёвига бирлашуб тухмат қилгонларини;

Иккинчи пардасида: ҳар икки тухматчининг ифбатлик хоним тарафиндан тадбир ила қўлга олинур, шарманда бўлувларини кулгу йўлида тасвир қилинган бир асардир.

Ёзувчи: Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий.

## III.

### Хор

I. Уйқу битмаз ўхшар биздан. II. Юринг ўртоқлар.

Кеча мудирн. F. Мусахонов.

Режиссёр. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий».

Ҳамза Ҳакимзода 1926 йили ёзган таржимаи ҳолига илова қилиб асарлари рўйхатини берган.

Рўйхат уч қисмдан иборат: 1) 1917 йилга қадар ёзилган асарлар, 2) 1917 йилдан 1918 йилгача ва 3) 1918 йилдан сўнг ёзилган асарлар.

1918 йилдан кейинги асарлар рўйхатида биринчи бўлиб «Бой ила хизматчи» туради. Асар ўз вақтида нашр этилмаган, қўлёзма нусхалари театрда-театрга ўтиб юрган. Ҳозирги кунгача кўчирма нусхалардан фақат бири етиб келган<sup>1</sup>, асл нусхаси ҳали топилганича йўқ.

<sup>1</sup> ЎзССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. Ҳамза фонди.

«Бой ила хизматчи»нинг кейинги йилларда театр сахналарида кўрсатилаётган ва нашр этилган нусхаси эса, 1939 йилда Ҳамза Ҳакимзода юбилейини ўтказиш ҳукумат комиссияси топшириғига биноан драматург Комил Яшин томонидан тикланган нусхасидир.

Комил Яшин асар текстини тиклашда қуйидаги материалларга асосланган:

1) «Бой ила хизматчи»нинг мавжуд нусхаси.

2) 1919—20 йилларда Ҳамза бошчилигида «Ўлка муслмон сиёсий труппа» тарафидан сахнага қўйилган вақтларда чиқарилган театр афишаларидаги маълумотлар (у афишаларда ҳар қайси пардадаги воқеаларнинг мазмуни қисқача айтилган).

3) «Бой ила хизматчи»ни ўша вақтларда сахнага қўйишда бевосита қатнашган ва асосий ролларни олиб чиққан артистлар — Мария Кузнецова, Миршоҳид Мирроқилов, Муҳиддин Қори Ёқубов ва бошқаларнинг хотиралари.

Шу билан бирга Қ. Яшин асардаги воқеаларни кенгайтирган. Бунда, у аввало, Ҳамзанинг ўзига мурожаат қилган.

Бу тўғрида Комил Яшин шундай дейди:

«Ҳамза Ҳакимзода ижодига қизиқишим, унинг ижодига бўлган ихлосимдан хабардор бўлган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий юбилейини ўтказиш ҳукумат комиссияси «Бой ила хизматчи» драмасини сахнага тайёрлашни менга топширди. Бу асар революциянинг биринчи йилларидаги сахна шароитига мосланиб, озгина киши қатнашадиган қилиб, кичик ҳажмда ёзилган бўлиб, асарни ҳозирги вақтда гуллаб-яшнаб бораётган ажойиб истеъдодли артистларга эга бўлган театримизнинг талабига мувофиқ қилиб кенгайтириш керак эди. Мен бу шарафли, айни вақтда, масъулиятли вазифани ўташда яна устознинг ўзига қаттиқ суяндим...

Маълумки, Ҳамза Ҳакимзоданинг 1926 йилда ёзилган «Бурунги сайловлар» деган асари бор. Бу асардаги Қодирқул додхоҳ, Қози, имом, Ҳасан элликбоши, Далли кампир каби персонажларни ва уларнинг сўзлари, монолог, диалогларини, сайлов воқеаларини, ҳоким тўрага берилган зиёфат сахналарини, кучер Холматнинг ўз хўжайини хотинлари билан ошиқона алоқа сахналарини, уйни супуриб туриб айтадиган монологларини, имомнинг саводсизлигини фош қиладиган деталларни — бу-

ларнинг ҳаммасини «Бой ила хизматчи» драмасига киритдим.

«Бой ила хизматчи»даги ҳозирги иккинчи парда, яъни бойнинг меҳмонхонаси билан боғлиқ воқеалар ҳам Ҳамзанинг бошқа бир чала асарига таяниб, худди шу асосда жамлаб кўрсатилди.

Шундай қилиб, «Бой ила хизматчи» драмаси устознинг ўз ижодиётига таянган ҳолда, унинг ўзи бошқа асарларида яратган образлар, характерлар, айтган фикрлар, ифодалаган картиналар ҳисобига бойитилиб, ҳозирги мукамал ҳолига келтирилди<sup>1</sup>.

Бу нусха 1939 йили режиссёр Етим Бобожонов томонидан Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрида саҳнага қўйилган.

Биз ана шу нусха асосида фикр юритамиз.

Асарнинг бош қаҳрамони — меҳнаткаш ўзбек йигити Ғофирдир. Езувчи бу образ орқали ўзбек меҳнаткашларининг синфий онги қандай юксала борганини, эксплуататорлик тузумига қарши, озодлик учун қандай фаол курашувчи бўлиб етишганини кўрсатади.

Ғофир — соф кўнгилли ва мустақкам продални оддий бир меҳнаткаш. У хўжайини Солиҳбойнинг меҳр-шафқатдан бегона, тошюрак ва беномуслигини, қози, домларнинг эса бойлар учун хизмат қилиши ва меҳнаткашларнинг душмани эканини аввал тушуниб етмайди.

Ғофирни ипсиз боғлаб, умрбод хизматкор қилиб қолдириш учун бой уни қарзга ботиради, уйлантириб қўйган бўлиб, тўй харажатларини бир неча марта орттириб кўрсатади. Бойнинг бу хиёнатини Ғофир сезиб норозилик билдира бошлайди: «Шунча қарзим бор эканми? Мен буни қандай узаман, бой ота? Менинг чўтимда ҳаммаси бўлиб беш юз сўмдан ошмас эди-ку? Ёки адашдингизми экан-а, бой ота?» — дейди Ғофир. Бунни эшитган бой жаҳли чиқиб, Ғофирни аввал жеркиб ташлайди, сўнг айёрлик қилиб уни юпатишга ўтади: «Узарсан! Узолмасанг яна беш-ўн йил ишлаб берарсан! У эмас — бу эмас, хотинлик бўлиб қолганингга шукур қилсангчи...» Бу нарса Ғофир учун оғир эди, албатта. Лекин у ноиллож кўнади, бойнинг раъйига қарши бора олмайди. Биз бу парчада содда бир хизматкорни кўрамыз. Лекин

<sup>1</sup> Қомил Яшин. «Бой ила хизматчи» драмаси ҳақида, «Шарқ юлдузи» журнали. 1969 йил, № 12, 47-бет.

Ғофир бу ҳолда қолиб кетмайди. Унда ҳақиқатни билишга интилиш, жабр-зулмга қарши норозилик кучая боради. Бойларнинг кирдикорларини кўради, бошқаларнинг аҳволига назар ташлайди. Унинг турмуш тажрибалари ортган сари оқ-қорани яхшироқ таниб, дўст билан душманни аниқроқ ажратиб боради.

Бой Ғофирни ишлатиб, кучидан фойдаланибгина қолмайди, унинг оилавий ҳаётига чанг солади, унинг севикли хотини гўзал Жамилани юлиб олмоқчи бўлади. Бу ёвузликни билиб қолган Ғофир қаттиқ газабланади. Бойнинг виждонсиз, номуссиз экани Ғофирга аён бўлади. У шарият қозилари бу ишни ҳақиқат қилар, деб ўйлаб, уларга арз қилади, лекин улар бойнинг ёнини олиб, дин-шарият номидан Ғофирга насиҳат қиладилар, бойнинг айтганини қилишга ундайдилар. Ғофир кўнмайди. Сўнг бойнинг топшириғига кўра Ғофирга пул бериб, алдаб кўндирмоқчи бўладилар. Чунки ўзлари Жамилани Ғофирга никоҳлаганлар. Буни ҳамма билади. Ғофир кўнмаса никоҳни бузиш қийин. Бу расмият уларни ошкора ҳаракат қилиш йўлини тўсиб туради. Акс ҳолда халқ олдида шарманда бўлишлари мумкин. Шунинг учун ҳам ҳийла йўлига ўтадилар. Ғофир буни ҳам сезиб, кўнмайди. У ўзининг моддий аҳволи ночор бўлишига қарамай, пулга берилмайди, ўзининг соф виждонини, покиза муҳаббатини ҳеч нарсага алишмайди, пулдор бўлишдан кўра виждонли бўлишни минг марта афзал кўради. Бу ерда биз Ғофирнинг маънавий жиҳатдан юксак турганини кўраемиз. Домла, элликбоши ва қозилар билан учрашувда Ғофирнинг уларга қарата айтган гапларида унинг покиза қалби, юксак маънавий фазилати аниқ кўринади:

«Ғ о ф и р. Бу қандай зулм. Бу қандай бедодликки, севган хотинимни золим бой тортиб олмоқчи бўлса-ю, менга ёрдам бериш ўрнига ёнини оласиз! Ривоятлар топасиз! Фатволар ясайсиз! Шуми инсоф! Шуми диёнат, шуми камбағалга шафқат?!»

Д о м л а. Бой бермаса очингдан ўласан!

Ғ о ф и р. Очликдан силлам қуриб, илгим пучайган чоғимда ҳам сизларга ялинмайман!.. Қачонгача кимхоб чопонлар, ёғлиқ паловлар учун бойларга зулм пичоғини қайраб юрасиз!»

Ғофирнинг ҳақ ва ўткир сўзлари таъсирида домла, элликбоши ва қозининг кўнгилларидаги қоралари сир-

тига тегиб, кимликлари яна ҳам аён бўлади. Гофир улардан умидини тамом узиб дейди: «Ҳой, бўрилар! Сўзларингдан қайт, бўлмаса ҳокимингга бормайман, мингбошингга ялнимайман, халққа арз қиламан, халққа!» У ўзини халқ билан бирга ҳис этади ва унинг қудратига ишонади.

Гофир шу даражага бориб етадики, у энди бутун бойлар, руҳонийлар ва подшо чиновникларининг ҳаммаси фақат ўзининггина эмас, балки барча меҳнаткашларнинг синфий душмани эканини англайди. У бойларга бўйин эгишни қаттиқ қоралайди: «Тиз букиб яшагунча, тик туриб ўлмоқ яхшироқ», дейди. Бўйсунмаган Гофирни қамайдилар ва Сибирга сургун қиладилар. У ерда Гофир рус революционерлари билан танишади, ошно бўлади ва улар тарбиясида илғор курашчи бўлиб етишади.

Гофирнинг йўли ўзбек меҳнаткашларининг босиб ўтган йўлидир. Гофирнинг синфий онги юксала бориб, озодлик курашчиси бўлишида ўзбек халқи революцион курашининг кучайиб боргани бадний акс эттирилган. Ҳақиқатан ҳам, ўзбек меҳнаткашлари маҳаллий бойлар, феодаллар ва чор истибдодига қарши курашларда Коммунистик партия раҳбарлигида, улуғ рус халқи ва мамлакатимиздаги бошқа халқларнинг қардошларча ёрдами билан ғалаба қозондилар, бахтиёр социалистик ҳаётга эришадилар. Ёзувчи бу ҳақиқатни тўғри тушунган ва бадний образларда ҳаққоний акс эттирган.

Асардаги иккинчи ижобий образ Жамиладир. У мустақкам продали, вафодор ва жасур меҳнаткаш хотинқизлардан. У кишиларни давлатга ёки мансабига эмас, балки одамгарчилигига қараб қадрлайди. Гофирни, аввало, ўзига ўхшаган соф виждонли меҳнаткаш бўлгани учун севади.

Жамила ёшлигидан бойлар эшигида хизмат қилиб, эксплуатация азобларини бошидан кечиради. Унда бойлар, текникхўрларга қарши ғазаб туйғулари уйғонган. У ҳақиқатни ёқлайди: Солиҳбой кичик хотини, беғуноҳ Гулбаҳорни савалаганда, Жамила дадил равишда ҳақиқатни сўзлайди. Гулбаҳорнинг софлигини айтади ва бой қизи Хонзоданинг қотиллигини айтади. Унинг кўнглида бойга ва унинг маккор хотини Хонзодага қарши кучли ғазаб қўзғалади. Гўзал Жамилага кўзи тушган разил бой, ўлиб ётган ўғлини ҳам унутади ва Жамилага ёмон кўз билан қарайди. Бойнинг ола кўзида кўринган

қора кўнгли Жамилага бир зиндон бўлиб туюлади. Бойнинг безбетлик билан, Ғофирдан ажрал, деган таклифига қарши Жамила кескин рад жавобини беради. Ғофирдан сира ажралмаслигини қатъий айтади. Бой ўз таклифига кўндириш учун қистаган сари Жамиланинг ғазаби ортади. Бора-бора Жамила назарида бой қаҳри қаттиқ, виждонсиз, ор-номусдан маҳрум бир йиртқич бўлиб кўринади. Бойнинг уйида юз берган адолатсизликлар Жамилага аниқроқ маълум бўлади. Энди ўқувчи кўз олдида ювош Жамила эмас, балки қаттиқ туриб ўзини ҳимоя қилаётган мустақкам иродали жасур, қаҳрамон аёл гавдаланади.

Солиҳбойнинг Жамилага уйланмоқчи бўлганини эшитган бой хотинлари бегуноҳ Жамилани айбламоқчи бўладилар: гўё, у ўзи бойга тегмоқчи, деб унга тўхмат қиладилар. Бундай бўҳтонларга қарши Жамила дадил курашади. Ғофир ўз севгилисига қараб: «Менинг олтинларим, марварид, маржонларим, атлас, шоҳиларим йўқ. Ёлғиз гавҳардан тиниқ, қуёшдан ҳам юксак муҳаббатим бор...» деб, ўз кўнглини изҳор қилади ва севгилисининг муносабатини аниқроқ билишни истади. Бунга жавобан Жамила: «...этларимни ништар билан тилсинлар... бошимда тегирмон тоши юргизсинлар, мен сиздан ажралмайман», деб ўзининг вафодорлигини билдиради.

Жамила кўп азоб-уқубатларни бошидан кечиради. Ғофирнинг кўп йил бой хизматини қилиб, охири тўхмат билан жазога гирифтор этилиши, ўзига тақилган тўхматлар ва бой уйидаги разилликлар Жамиланинг кўзини очади. У шу даражага бориб етадики, биргина Солиҳбой эмас, барча бойларнинг тили бир бўлиб, меҳнаткашларга душман эканини англайди, эски дунёга қарши ғазаби тўлиб-тошади. Бой ва подшо чиновниклари ҳузурда Ғофирга мурожаат қилиб айтган сўзларида бутун бойларга, барча эксплуататорларга қарши кучли ғазаб ва нафрат барқ уриб туради: «Ғофиржон! Унутма мени! Болангни ўлдирган, хотинингни хазон қилган бойнинг, бутун бойларнинг жазосини бер!..»

Ғофирни сургун қиладилар. Жамилани бойнинг чангалига топширадилар, бироқ у таслим бўлмайди, курашни давом эттиради. У зулмат ҳукмронлиги шароитида ноилож заҳар ичади. Лекин Жамиланинг ҳалок бўлиши — унинг енгилиши эмас, балки зolimларга, подшоҳ-

лик тузумига қарши қатъий норозиликдир. У маънавий жиҳатдан ғалаба қозонди.

Ҳамза ўзбек миллий буржуазиясининг типик хусусиятларини Солиҳбой образи орқали акс эттирган. Солиҳбой хизматкори Ғофирни унинг иш ҳақи ҳисобидан уйлантиради, буни у шафқатли бўлгани учун қилмайди, балки хизматкорни ўз панжасидан чиқармаслик чораси деб билади. Бунинг учун тўй харажатларини бир неча ҳисса ортиқ кўрсатиб, Ғофирни қарзга ботиради. Ҳийла-ларини юзага чиқара олганидан мамнун бўлган бой ўзинча: «Ғофирни энди бутунлай ипсиз тузоққа илтирдим. Мендан кетган етти юз сўм, бир минг сўмни етаклаб ҳамёнга киради. Бир минг етти юз деган савил шундай зўравонки, унинг панжасидан Ғофирнинг ўзингина эмас, авлоди-аждоди ҳам қутулолмайди»,— деб мақтаниб ҳам қўяди. Булар бойнинг эксплуататорлиги ва қувлигини очиқ кўрсатади.

Воқеа давомида бойнинг характерини ёзувчи чуқурроқ оча боради. Солиҳбой хизматкори Ғофирни «ўғлим», унинг хотини Жамилани «келиним» деб, ўзини уларга яқин тутган бўлиб кўринади. «Ғофир, келинга айт, хизмат-пизмат қилиб турсин. Сен ўғлимсан, хотининг келиним»,— дейди. Аммо Жамиланинг гўзал ва барнолигини кўриб, ҳеч бир уялмай, «келин»ига «эр» бўлгиси келади, уят-номусни билмайди. У хотин-қизларга бир буюмдек қарайди. «Пулим бор, хотин олавераман»,— дейди. Мана унинг кўнгли, хулқи. Бой пул билан қози, домлаларни ўз измига юритади. Қози, домлалар ҳам бойнинг кўнглига ёқиш учун эшикма-эшик изғишар ва диний китобларни титиб, бой учун ривоятлар топиб беришдан зерикмайдилар. Бой пул билан подшо чиновникларини ҳам ўзига мойил қилади. Улар бойнинг ёнини олиб, Ғофирга жабр устига жабр қиладилар. Лекин бойнинг бузуқ нияти қаттиқ қаршилиikka учрайди. Ўз севгилисига вафодор бўлган, кўнгли тоза Жамила кескин равишда бойнинг таклифига қарши чиқади. «Ўша қаролингизни яхши кўриб текканман, бошимдан зар қуйсангиз ҳам ундан айрилмайман»,— деб қаттиқ туриб олади. Бойнинг бойлигига учмайди.

Мол-дунёсини пеш қилиш билан ниятига эриша олмаган бой, энди ўз ҳокимияти, бойлар ҳокимиятининг зўрлигини ишга солади, у Жамилага шундай дейди: «Кўрамиз... Ким зўр экан? Сендаги Севги билан вафоми,

ёки менинг чўнтагимдаги олтинларми?» Бу билан бой ҳокимият бойлар қўлида эканини, улар ўз айтганларини қилиш учун меҳнаткашлар бошига ҳар қандай кулфат солишдан қайтмасликларини айтмоқчи бўлади. Лекин бу дўқлар ҳам Жамилани чўчита олмайди.

Солиҳбой — айёр, мунофиқ, Жамила ҳақида бойнинг онаси: «...Жамила уззукун йиғлагани-йиғлаган. Жонимга тегди. Уйига жўнатиб юборай деб турибман» деганида, бу гап бойга маъқул тушмайди. «Йўқ» дейиш ўрнига, гўё Ғофирга меҳрибондек кўришиб, тилёғламалик қилиб: «Онажон! Ғофир йигирма йиллик қадрдонимиз. Хафа бўлади. Тегманг, юпаниб қолар...» — дейди. Ҳақиқатда эса Ғофирни хафа қилмаслик учун эмас, балки Жамилани олмоқчи бўлгани учун унинг кетишига кўнмайди, бой бу ҳолни ўз онасидан ҳам мунофиқона равишда яширади.

Солиҳбойнинг маънавий тушкунлиги орқали бойлар ва умуман эксплуататор синфларнинг маънавий тушкунлиги ва маиший бузуқлиги кўрсатилган.

Бой ўзининг бузуқ ниятини очикдан-очик амалга ошира олмайди, халқ олдида шармандаси чиқишидан қўрқади. Жамила расмий равишда Ғофирга никоҳлаб олиб берилган. Бу ҳаммага маълум бўлган ҳақиқат бойнинг йўлини тўсиб туради. Бундан қутулиш учун у никоҳ масалаларини бошқариб турган шарият арбобларига — қози, домлаларга мурожаат қилади. Улар бойнинг тарафини олиб, шарият номидан йўл-йўриқ топиб берадилар. Ғофирни зўрлаб, хотинини қўйдирмоқчи бўладилар ва буни бажаришни ўз зиммаларига оладилар, улар бойларга малайликларини яна бир бор намойиш қилдилар.

Ёзувчи бу характерли фактлар орқали қози, домлаларнинг, умуман, дин, шариятнинг бойларга хизмат қилишини, меҳнаткашларнинг душмани эканини аниқ фактларда реалистик тасвирлаб берган.

Асарда Қодирқул мингбоши, қози, Ҳасан элликбоши образлари орқали, маҳаллий амалдорларнинг жирканч башараси фош этилади. Қодирқул мингбоши ўз амалидан фойдаланиб, халқнинг бор-йўғини шилиб олиш билан шуғулланади. Бунинг устига яна кимнинг қизи ва кимнинг хотини чиройли бўлса, уларга чанг солади. «Халқнинг маломати билан менинг нима ишим бор» — бу



сўзлар унинг юзсизлигидан, қора кўнглидан дарак беради.

Қодирқул мингбошининг бутун хаёли қандай бўлмасин яна мингбошиликка «сайланиб» олишда бўлади. У бойнинг ёрдамига муҳтож, бой қўлламаса «сайланмаслиги»га кўзи етади. Бойга маъқул бўлиш учун унинг айтганини қилиб, ноҳақ ишни «ҳақ» деб туради. Гофирнинг гуноҳсиз эканини билгани ҳолда, бой туфайли уни жазолайди. Ҳатто амални қўлдан бермаслик учун бойга тушган синглиси Хонзоданинг қийналишини ҳам писанд қилмайди. Синглиси ўз аҳволидан нолиб, бойнинг золимлигини гапирганда Қодирқул: «Эринг ўзи ёмон одам, шовч кейин у билан гаплашаман», — дейди, холос. Хонзода Гофирнинг айбсиз бўлганини айтганда Қодирқул: «Билман. Сен койима! Майли, бой нима қилса қилсин. Қўйиб берайлик», — деб синглисини юпатади. Бу билан Қодирқул мингбоши бойнинг золимлигига иқрор, лекин уни ёқмайди, чунки у бойлар билан социал жиҳатдан ҳамтовоқ, ҳамфикрдир. Шу сабабдан бой ҳам ўз навбатида Қодирқулни мингбошиликка «сайлаш»да ғамхўрлик қилади, унинг номзодини ёқлаб приставга боради.

Бой билан мингбошининг истақлари йўлида қози, домла, элликбошилар зир югуриб, қандай бўлмасин уларга ёқишни ўйладилар. Бойга қараб қози: «Биз жанобларининг отган ўқлари бўламиз» деса, мингбошига қараб: «Камбағалнинг юз хил дастурхонидан сизнинг итингиз олдида қолган бармоқдек суяк минг марта яхши», — деб ўзининг мингбоши, бой ва приставларга муте эканини билдиради. Ҳақиқатан ҳам қози ва домлалар бойларга ва подшо чиновникларига роса хизмат қилганлар. Меҳнаткашларни эзишда уларга ёрдамлашганлар ва ўзлари ҳам қўшилиб эзганлар. Ишқилиб, уларга ўз улуғларининг ови юриб турса, бас, меҳнаткашларга ачиниш хаёлларига ҳам келмайди. Қози мингбошига мурожаат қилиб шундай дейди: «...Мингта ундай камбағалнинг яксон бўлгани билан сиз каби улуғларимиз марҳаматининг бошимизга бир марта соя солгани». Ҳамза эксплуататор синф вакилларининг мана шундай ўзаро суҳбатларини тасвирлаб, уларнинг жирканч қиёфасини фош қилади.

Қози мингбоши олдида, мингбоши подшо чиновниклари олдида малайлик қилади. Улар порахўр ва мутта-

ҳам, ўз шахсий истаклари йўлида халқ манфаатларини бир пулга олмайдиган шахслардир. Бу хусусиятлар чор ҳукумати вақтидаги барча маҳаллий амалдорлар учун характерли хусусиятдир.

Ёзувчи салбий образларнинг характерини чуқурроқ очишда сатирик приёмлардан фойдаланади. Масалан, Қодирқул мингбоши домлага икки энлик хат ёзиб беришни буюради:

«Д о м л а. Бизнинг хатимиз андек бадхатроқми-кан-а, қози домла.

Қ о з и. Ёзинг, домла, ёзинг.

Д о м л а. Эшон Мирза қайдалар?

Қ о д и р қ у л. Майли ёза беринг, ишқилиб, бир қора чизик бўлса бўлди-да.

Д о м л а (уялиб). Йўғ-е, жуда ҳам бўлмагур-да, бўлмаса бажонидил эди-ку.

Қ о д и р қ у л (истеҳзо билан). Икки юз сўмнинг ўзини ҳам ёзолмайсизми? Қанақа гап бу?

Д о м л а (бўйнига олиб). Тўғрисини айтсам, хатимиз йўқ ҳисобида».

Бу ҳолат домлаларнинг нодон ва мунофиқлигини фош этадиган характерли эпизоддир. Халқ кўзига ўзини билимдон ва салобатли кўрсатишга интилган домлаларнинг қанчалик жоҳил, иккиюзламачи эканлигини ёзувчи усталик билан очиб ташлайди. Ҳақиқатан ҳам, кўп домла-имомлар ўзларининг катта салла ва ҳайбатли тўнлари билан сиртдан «савлатли» бўлиб кўринишга интилсалар-да, аслида нодон, жоҳил ва муттаҳам кишилардир. Улар ўз айбларига ўз аҳллари олдида, ўшанда ҳам зўрға иқрор бўладилар. Домла «йўқ» дейишга тили бормай, «йўқ ҳисобида» дейди. Ёзувчи уларнинг бу хусусиятларини жуда ўхшатиб фош этган. Булар Ҳамзанинг бадий маҳоратини кўрсатадиган фактлардандир.

*Ёзувчи асарда халқлар дўстлиги масаласига алоҳида эътибор берган.* Ғофирнинг Сибирда рус революционерлари билан ошно бўлиб, улардан таълим олгани ва ишчи ҳақини таниб революционер бўлганини тасвирлаш билан Ҳамза ўзбек халқи билан улуғ рус халқи ўртасидаги бузилмас дўстликни акс эттирган. Бу эса ўзбек совет адабиётининг энг ижобий ва порлоқ саҳифаларидандир.

«Бой ила хизматчи»нинг композицион қурилиши анча пишиқдир. Ғофир ва Жамиланинг шахсий ҳаётини кўрсатиш орқали ёзувчи ўзбек меҳнаткашларининг син-

фий онги тобора юксалиб, эксплуататорларга қарши кураши, озод ҳаёт учун бўлган интилиши тобора зўрайиб борганини тасвирлаб беради. Воқеанинг бошланиши оддий: ўзбек бойларидан Солиҳбой ўз хизматкори Ғофирнинг хотинини «яхши кўриб қолиб», ундан ажратиб олмоқчи бўлади. Бу воқеа ўса бориб, конфликт кескин тус олади. Бир бой билан бир хизматкор ўртасидаги конфликт меҳнаткашларнинг бойларга ва чор самодержавнесига қарши умумий кураши даражасига ўсиб етади.

Дин, шарият номидан насиҳат қилишлар, пул кўрсатиб алдашлар, мол-дунё ваъда қилиш, ниҳоят, туҳмат ва қамчи азобларининг ҳеч бири Ғофир ва Жамиланинг иродасини бука олмайди. Улар ўз аҳдларида қаттиқ туриб оладилар ва золимларга қарши қўзғаладилар. Ғофирни сургун қилиб, Жамилани бойга никоҳлаб берадилар. Лекин у ёзузларга таслим бўлмайди, ўзини-ўзи ўлдиради, бой муродига етолмайди. Ғофир эса революция натижасида сургундан озод бўлади.

Шундай қилиб, бой, қози, домла ва ҳокимларнинг тадбирлари барбод бўлади. Демак, эксплуататорларга қарши, ўз озодликлари йўлида олиб борган курашларида меҳнаткашлар ғолиб келадилар.

Булар шуни кўрсатадики, ёзувчи ҳаётни яхши ўрганган ва турмушдаги воқеалар ривожланишини тўғри фаҳмлаган, асариди ҳам буни ҳаққоний тасвирлай олган. Пьесадаги асосий ижобий қаҳрамон меҳнаткашлар бўлиб, улар фаолиятида тарихий процесс ҳаққоний акс эттирилган. Турмуш революцион тараққиётида олиниб, ҳаққоний тасвирланган, ўсиб боровчи кучлар ғалабаси тўғри кўрсатиб берилган. Бош қаҳрамонлар вақтинча мағлубиятга учрасалар-да, асар чуқур оптимистик руҳ билан, халққа, унинг қудратига ишонч руҳи билан суғорилган. Булар ҳаммаси Ҳамзанинг совет адабиёти ижодий методи — социалистик реализмни эгаллаш йўлидаги муваффақиятларидан дарак беради.

Фридрих Энгельснинг «Англияда ишчилар синфининг аҳволи» деган китоби ҳақида гапириб, В. И. Ленин шундай деган эди: «Энгельсдан илгари ҳам жуда кўп кишилар пролетариатнинг азоб-уқубатларини тасвирлаган ва унга ёрдам бериш зарурлигини айтган эдилар. Лекин пролетариат фақат азоб-уқубат тортувчи синфигина эмас; пролетариат кечираётган жуда оғир иқтисо-

дий аҳвол уни муқаррар равишда илгарн суради ва уни ўзини тамомила озод қилиш учун кураш олиб боришга мажбур этади, деб ҳаммадан олдин айтган киши Энгельс эди. Курашувчи пролетариат ўз мушкулдини ўзи осон қилади». (В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 2-том, 9—10-бетлар.)

Бу ҳолни бадий адабиётда ҳаммадан олдин акс этириш М. Горькийга муяссар бўлган. М. Горький ишчилар синфини бутунлай янгича тасвирини адабиётга олиб кирди. Ишчилар синфи фақат эзилувчи эмас, эзиб келганларга, эксплуататор синфларга қарши курашувчи ва бу курашда ғолиб кела олувчи эканини тасвирлади. Ишчиларни, умуман меҳнат аҳлини ҳаётнинг эгаси, тарихнинг яратувчиси эканини кўрсатди. Унинг «Она» романи, унда тасвирланган ишчилар синфи вакилларининг образлари бунинг ёрқин мисолидир.

Ишчиларни, умуман меҳнаткаш аҳлини шундай кўрсатиш, турмушни унинг революцион тараққиётида олиб тасвирлаш социалистик реализм адабиётининг асосий принципи ҳисобланади. Бу принципда бадий асар ёзишни М. Горький бошлаб берди. У социалистик реализм адабиётининг асосчисидир.

Ҳамза улуғ Горький узидан борди. «Бой ила хизматчи» драмаси, унда тасвирланган Ғофир, Жамила образлари ҳамда ишчилар, меҳнатчиларни улуғлаб яратган революцион шеър-қўшиқлари бунга ёрқин далил бўла **олади.**

Шуларга кўра, Ҳамзани ўзбек совет адабиётининг асосчиси, деймиз. Унинг «Бой ила хизматчи» драмаси социалистик реализм методи асосида яратилган биринчи ўзбек драма асаридир.

«Бой ила хизматчи»нинг ўзбек совет драматургияси тарихидаги роли ҳақида ўзбек театр санъатининг атоқли арбоби Маннон Уйгур шундай дейди: «1918 йилда Ҳамза ўзининг Фарғонада ташкил қилган труппаси билан Тошкентга гастролга келди. Бу сафар биз Ҳамзаниннг янги, «Бой ила хизматчи» асарини саҳнада кўрдик. Асар Ҳамза раҳбарлигида саҳнага қўйилган эди. Бу асар ўзининг реалистик стили ва кучли бадий образлари билан бизда жуда кучли таъсир қолдирди... Биз ҳам «Бой ила хизматчи»ни ўз репертуар планимизга киргиздик, уни 1918 йилнинг кузида тайёрлаб, Туркфронт Сийсий бўлимининг топшириғи билан Агитпоезд составида

Оренбург фронтига бориб, қизил аскарларга қўйиб бериб юрдик. «Бой ила хизматчи» драмаси ана шундан буён сахнадан тушмай ўйналиб келади... Бу асар кўп ёш артистлар учун театр мактаби вазифасини бажармоқда».

«Ҳамза Ҳакимзоданинг бу асарида,— дейди Комил Яшин,— хотин-қизлар образи жуда катта куч билан гавдалантирилган. Ўзбек совет адабиётида продали, пишиқ, курашчан одам образини ҳам биринчи бўлиб ана шу асарда Ҳамза қаламга олган».

Бу асар рус, тожик, туркман ва бошқа қардош халқлар театр сахнасида ҳам муносиб жой олгандир. «Ҳамза Ҳакимзоданинг юракни тўлқинлантирувчи «Бой ила хизматчи» пьесаси,— дейди Берди Кербобоев,— туркман давлат театри сахнасида ҳам кўп йиллардан бери қўйилиб, мингларча томошабинларни ўтмишга нафрат ва инсонга муҳаббат руҳида тарбиялаб келмоқда», «Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» драмасидаги Жамила образида,— дейди Мирза Иброҳимов,— революциягача бўлган даврдаги мингларча озарбайжон аёлларининг тақдири, ҳазон бўлган севгиси, орзу ва умидлари ҳам ақс эттирилган. «Бой ила хизматчи» инсонга туганмас эстетик завқ берадиган улкан санъат асарлари жумласидандир. Мен шахсан Ҳамзанинг ушбу классик пьесасининг ошиғиман».

Шубҳасиз, бу асар кўп миллатли умумсовет адабиётимиз хазинасига қўшилган муносиб ҳиссадир.

Улкан совет адабиётимизнинг таниқли арбоблари томонидан яратилган энг яхши драматик асарлари тўплалиб, Москвада рус тилида нашр этилди. Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» драмаси иккинчи бўлиб жой олган<sup>1</sup> (биринчи бўлиб В. В. Маяковскийнинг «Мистерия Буфф»и берилган). Шу тўпламга ёзилган кириш мақолада шундай дейилади: «Совет драматургияси Октябрь революциясининг биринчи йиллариданоқ кўп миллатли драматургия бўлиб ривожланади. Бу йилларда яратилган муҳим аҳамиятга молик драма асарларидан бири ўзбек ёзувчиси коммунист Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» драмасидир».

Бу фактнинг ўзиёқ, Ҳамза асарининг кўп миллатли совет адабиёти тарихида тутган ўрнини кўрсатади.

<sup>1</sup> «Пьесы советских писателей», т. 1, М., Изд-во «Искусство», 1953, стр. 71—132. Перевод с узбекского И. Султанова и Л. Бать.

Ҳамза доимо замон билан бирга борди. Халқ ҳаёти билан, унинг янги ҳаёт учун кураши билан бирга бўлди ва унга хизмат қилди. Шунинг учун ҳам унинг асарлари, жумладан, драмалари замонавий, долзарб темаларда ёзилган эди. Ўтмиш темаларга ҳам ҳозирги замоннинг муҳим масалаларини чуқурроқ уқиб олишга ёрдамлашиш ниятида ёндашар эди. 1926 йили Ўзбекистонда меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий советларига сайлов ўтказиш кампанияси вақтида «Сайлов олдида» пьесаси билан бирга, «Бурунги сайловлар» драмасини ёзди. Паранжига қарши ҳужум, хотин-қизлар озодлиги учун кескин кураш қизиган йилларда замонавий темадаги пьесалар билан бирга, ўтмиш темасида «Паранжи сирларидан бир лавҳа» (1927) пьесасини яратди.

Янги ҳаёт учун фаол курашувчи бўлган Ҳамза эскилик сарқитларига, диний хурофотларга бепарво қараб туролмайди. Уларга қарши кураш темасида «Тухматчилар жазоси», «Майсаранинг иши» каби бир қатор пьесалар ёзади.

### «ТУҲМАТЧИЛАР ЖАЗОСИ»

Асар икки пардали комедия бўлиб, 1918 йилда ёзилган ва ўша йили Ҳамза бошчилигида саҳнага қўйилган.

Буни ўша вақтда чиқарилган театр афишалари, газеталаридан кўриш мумкин. Асар тексти ўз вақтида нашр этилмаган, автор қўлёзмаси ҳам сақланмаган. 1920 йилга оид кўчирма нусхаси бор<sup>1</sup>.

Асарнинг асосий темаси — хотин-қизлар озодлиги масаласидир. Советлар мамлакатада инсоният тарихида биринчи бўлиб хотин-қизлар эркаклар билан тенг ҳуқуққа эришдилар. Маълумотларини ошириш, талантларини ривожлантириш имкониятига эга бўлдилар. Бу тарихий воқеа халқпарвар ёзувчиларни илҳомлантирмай қолмади. Ҳамза биринчи бўлиб бу масалани қаламга олган ёзувчилардан.

<sup>1</sup> Бу асарни 1920 йилда саҳнага қўйишда иштирок этган таниқли санъат арбобларимиздан Музаффар Муҳамедов 1939 йилда Ҳамза Ҳакимзода юбилейини ўтказиш ҳукумат комиссиясига олиб келиб берган. Шу асосда нашр этилган.

«Тухматчилар жазоси» асари маълум даражада «Бой ила хизматчи»ни давом эттиради, эскиликка қарши янгилликнинг кураши ва унинг ғалабаси тасвирланади.

Улуғ Октябрь берган озодликдан баҳраманд бўлган икки ёш — Қодиржон билан Фотима янгича оилавий турмуш қурадилар. Қодиржон хотин-қизлар ҳуқуқини ҳурмат қилади, хотини Фотиманинг паранжисини ташлатади ва ўқиши учун ёрдамлашади. Эр ва хотин бир-бирларини самимий севиб, аҳиллик билан умр ўтказдилар. Лекин уларнинг янгича турмушига, айниқса, Фотиманинг паранжи ташлаб, эрлар билан тенг ҳуқуқда ўқиб ва ишлаб юришига реакция кучлар, бой ва руҳонийлар чидай олмайдилар. Домла ва пияниста бойвачча Фотиманинг очиқ чеҳрасига кўз олайтириб қарайдилар, «ошиқи беқарор» ҳам бўладилар. Ўзларининг бузуқ ниятларига эришиш учун унинг ҳақида игво тарқатадилар. Қодиржонга «хотиннинг бузилиб кетган» деб вайсайдилар. Душманнинг найрангларини сезмаган Қодиржон бу уйдирма гапларга ишонади ва хотини Фотимадан шубҳалана бошлайди.

Фотима эрининг кайфиятидаги ўзгаришнинг асли сабабини билишга интилади ва хизматчиси Акбарали ёрдамида воқеани пайқаб олади, сўнг туҳматчиларнинг жазосини бериш, уларнинг шармандасини чиқариш режасини тузади. «Ҳали қараб турсин, — дейди Фотима, — бу аҳмоқларни алдаб бу ерга қамаб қўйиб, Қодиржон келгандан кейин бир жазосини бердирмасам бўлмайди. Менга шунча озор бериб, эримнинг олдида мени бузуққа чиқармоқчилар. Очилган хотин-қизларимизнинг чин турмуш қурувчи, ҳам соф кўнгилли эканликларини сенлар каби микробларга кўрсатиб, шундай шарманда қилайки, ҳеч бир бўлмасин. Сенлар ўйлайсанки, қайси бир хотин-қиз очилса бузилиб кетади, деб. Йўқ, бу хилда номуссиз ишларни қилишга қанча очилсак ҳам номус қиламиз».

Фотима аввал домла, сўнг пиянистага хат ёзиб, бир келиб кетишни сўрайди. Худди шуни кутгандек ҳаёсиз домла, шармсиз пияниста олдинма-кетин Фотима турган ҳовлига келадилар. Домла эгри гапга ўтмоқчи бўлганда кўча эшиги қўнғироғи чалинади, Қодиржон келиб қолди деб домла чўчийди. Фотима уни қазноққа бекитган бўлади. Пияниста бойвачча ҳам шу хилда қўлга туширилади. Улар Қодиржон келгунча шу ҳолда сақланади.

Бу тухматчиларни ўз кўзи билан кўрган Қодиржон хотинидан узр сўрайди. Тухматчилар жазоланади.

Фотима — Октябрь революцияси натижасида озодликка эришган, сиёсий ва маданий савияси анча юксалган ўзбек хотин-қизларининг образидир. Фотима ўзини бақувват ҳис этади, чунки у совет тузуми шароитида ҳаракат қилаётганини, совет ҳукумати унинг суянчиги эканини яхши тушунади. Ёзувчи бу асарида хотин-қизлар озодлиги душманларини фош этиб кўрсатиш билан, эрларни душман ифвосига, таъсирига берилмасликка, ҳушёр бўлишга чақиради.

Ҳамза «Бой ила хизматчи» асарида бойлар, руҳонийлар ҳоким бўлган даврда улар зулмига қарши фаол курашган хотин-қизлар образини (Жамила образини) яратган бўлса, «Тухматчилар жазоси» асарида бойлар, руҳонийлар ҳокимияти афдарилган, меҳнаткашлар ҳокимияти ўрнатилган даврда ўтмиш сарқитларига қарши фаол курашаётган хотин-қизларни Фотима образида кўрсатган. Адабиётимиз хазинасини янги образ билан бойитган.

#### «МАЙСАРАНИНГ ИШИ»

Улуғ Октябрь инқилобига қадар ўзбек хотин-қизлари энг оддий инсоний ҳуқуқлардан ҳам маҳрум эдилар. Амир ва хонлар, бой ва феодаллар ҳукмронлиги, ислом шариати уларни қуллик ҳолатида тутиб турар эди. Хотин-қизлар зулм ва зўрликка индамай юравермаганлар. Инсоний ҳуқуқларини талаб қилиб, куч-қудрат ва қобилиятларини намойиш этиб турганлар. Пайти келганда шариат пешволарининг алдамчи ва ор-номусдан бегоналикларини фош этиб, шармандаи шармисор қилганлар. Улар устидан ахир бир кун енгиб чиқиш умидини йўқотмаганлар. Буни Ҳамза «Заҳарли ҳаёт» (1916) драмасида кўрсатиб ўтган эди. Асарининг бош қаҳрамони Марямхон зулмат мужассами бўлган Эшон чангалидан қутулишга уриниб, азобланади ва ҳалок бўлади, лекин озодлик умидидан кечмайди.

Ҳамза яна бу темага қайтиб, хотин-қизларнинг ғолиб келиш ҳолларини тасвирлайди. Улар доно ва устомон, тадбиркор она измида уюшиб, бамаслаҳат ҳаракат қилдилар ва ниятларига эришадилар. Буни Ҳамза «Бу-



рунги қозилар ёхуд Майсаранинг иши» асарида кўрсатиб ўтади<sup>1</sup>.

Асар айни вақтда ёзилган эди. Чунки у вақтлар хотин-қизларни эскилик сарқитларидан тамом озод қилиш ва жамиятимизнинг фаол кучига айлантириш учун кураш жуда кескинлашган йиллар эди. Ўтмишда хотин-қизларнинг ҳуқуқсизлик ва қулликда сақланишларига мадад бериб турган руҳонийлар, совет замонида уларни тенг ҳуқуқли ва озод бўлишларига қарши турадилар. Янги ҳаёт сари қадам ташлаган кўп хотин-қизларнинг ҳалок этилишига маънавий мадад берган қора куч ҳам руҳонийлар бўлган.

Хотин-қизлар озодлигининг оташин курашчиси бўлган Ҳамза Ҳакимзода бу асарида озодлик душманлари — руҳонийларнинг ҳақиқий башараларини очиб ташлайди ва совет кишиларини эскиликка, диний хурофотларга қарши кескин курашга даъват қилади.

Асар сюжети асосида реал, ҳаётий воқеа бўлиб, уни тасвирлашда халқ эртаклари усулларидан фойдаланилган. Буни ёзувчининг ўзи ҳам айтиб ўтади.

Ҳамза ижодий фаолиятининг бошиданоқ халқ оғзаки ижоди намуналарини тўплашга аҳамият берган, улардан озиқланиб оригинал асарлар ярата борган. Ҳамзанинг сафдошларидан Қори Ниёзий ўз хотираларида шундай ёзади: «Ҳамзанинг ажойиб хусусиятларидан бири шунда эдики, у кўп вақт кенг омма орасида бўлар, улар ҳаётини ўрганар ва улар билан суҳбатлашар эди. Унинг чўнтагида доимо махсус бир дафтарчаси бўлиб, унга халқ хазинасидан чиққан нодир сўзлар ва мақолларни ёзиб юрарди».

Ҳамза архивида сақланган ён дафтарнинг 1917 йилга оид ёзувлари орасида шундай бир гап ёзилган: «Қуёшнинг хаффошга (кўршапалакка) қадр-қиммати бўлмагани билан дунёдаги бошқа жон эгаларига қуёш қимматсиз бўлиб қолмас. Ёхуд, хаффош мени ёқтирмас экан, деб қуёш йўқ бўлишга бурчланмас».

Бу иборани Ҳамза 1917 йил бошларида Вақтли ҳуку-

---

<sup>1</sup> Бу уч пардалик сатирик асар 1926 йил август ойида ёзилган бўлиб, қўлёзмалигича қолган. 1939 йили Ҳамза Ҳакимзода юбилейини ўтказиш ҳукумат комиссияси унинг асарларини тўплашга киришганда бу пьесанинг қўлёзмасини олиб келиб беришган. Бу қўлёзма Ҳамза дастхатига мансуб бўлиб, бинафша қалам билан дафтарга ёзилган. Асар шу асосда 1939 йилдан бери нашр этилиб келинади.

мат кишиларига қарата ёзган «Шундоқ қолурму?!» шеърида ишлатган:

Сиз боғлаган элининг кўзи  
Маорифсиз очилурму?!  
Филҳақиқат, кўршапалак  
Қуёшдан баҳра олурму?!

Ҳамза халқ оғзаки ижоди материалларини тўплаш учун махсус экспедицияларда ҳам бўлган. Шулардан бири 1924 йил кузида эди. Туркистон АССР Маориф халқ комиссарлиги Давлат билим кенгаши унга ўзбек халқ қўшиқлари, эртаклари ва шу сингари халқ адабиётининг намуналарини тўплаш топширилади. Шунинг бажариш мобайнида Ҳамза Ҳакимзодадан Фарғона область сиёсий-маориф бошқармаси ишидан озод этиб туриш сўралади<sup>1</sup>.


Ҳамза «Майсаранинг иши» асарини ёзишда шу экспедиция давомида тўплаган материалларидан фойдаланган албатта.

Утмишда хотин-қизларнинг гўзал бўлиши улар учун бир ташвиш ҳам эди. Қимнинг қизи ёки хотини гўзал бўлса, юртнинг қози, аълами, бойдан тортиб хон ва амиригача, ҳеч уялмай, кўз олайтирар ва хўрлар эди. Ота ва оналарининг кўрган тadbирлари кўпинча натижа бермас эди. Бечора ор-номусли қизларнинг қанотлари боғланиб, дийдаси қон, юзи заъфарон бўлиб, умрлари хазон этиларди.

Мана, Иноят ота қизи Ойхонни хон, бек ва шарият пешволарининг тузоғига илинтирмаслик учун кўздан яшириб юради. У ўз яқинларидан камбағал йигит Чўпон билан қизи Ойхонни севишганларини эшитади-ю, бир томондан Чўпоннинг қобил ва покнзалигига қизиқиб, *Иккинчидан қизи учун бўлган хавфдан қутулиш тadbири* деб билиб, Ойхонни Чўпонга ишкоҳлаб беради.

Чўпон ҳам, Ойхон ҳам софдил, ор-номусли ёшлар. Улар тотув яшайдилар. Олижаноб инсоний фазилатлар улар муҳаббатининг асосини ташкил этади. Чўпон:

<sup>1</sup> Туркистон АССР Маориф халқ комиссарлиги Давлат билим кенгашининг ўзбек билим комиссияси томонидан Ҳамза Ҳакимзодага 1924 йил 12 ноябрда берилган 11603 сонли гувоҳнома (Гувоҳнома Ҳамза архивида сақланмоқда).



Ҳамзаободда Ҳамза мақбараси. Архитектор А. Бобохонов.

«...мен сени кўнгилдагидек чоғ-чоғида кийинтириш, кунда ёруғ дунёнинг бошқа-бошқа ширин неъматлари билан яшатмоққа бечораликдан қўлим қисқадир». — деб ўкиниб гапирганда, Ойхон: «Минг, минг марта Сизга тавалло қиламанки, мен Сизни бойлик билан бўлишингизни суйиб тегмадим. Бори тўрт мучангиз билан соғлиқ-саломатликда бўлиб юришингизни севиб тегдим. Меннинг энг бахтли кунларим соғлигимда айрилмаслик, ўлимда Сиздан кейин қолмасликдир», — деб кўнглини изҳор қилади ва ёрига тасалли беради. Қандай самимий муҳаббат ва қандай кучли ифода этилган! Севганининг бундай юксак илтифотига қойил бўлган Чўпон унинг олдида ўзини янада бурчли ҳис этади ва моддий аҳволи оғирлиги уни ташвишга солади: «...сенингдек жоним жононаси тенг-тўшлари, дўст-душманлари орасида маънос бўлганидан Чўпондек бўз йипит донгини яхшироқдир!» Ойхон уни яна юпатади: «...ҳар бир гулнинг ўзгача иси бўлгани билан булбулнинг суйгани қизил гулнинг ўзи эмасми! Мен сени суйдим, ўзгасига не парвойим бўлмай!.. Менга хону султонларнинг олтин саройларидан... ўрмонлик ичида сен билан яшил ўт чайнаб яшамоқ ортиқ яхшидир».

Булар шунчаки айтилган гаплар бўлмай, чин қалб сўзларидир. «Иккимиз ҳам меҳнат, ҳам роҳат қилайлик» — уларнинг аҳду паймонлари, орзулари ана шундай.

Чўпон узоқ сафарга отланмоқчи бўлганида Ойхон ундан: «Билмасман, севганимчали соғинармисан? Соғина қолсанг қандай чидарсан?» деб ташвишланади. Чўпон унга муносиб жавоб бериб юпатади: «Севганимчали соғинарман, соғинганимчали чидарман. Чунки мен **сенинг билан умрли тириклик** этурман, деганман».

Бир-бирларини яхши билиб, чиндан севишиб оила қурган, қўша қариб яшашга қатъий аҳд қилган ёшлар характерини ана шундай аниқ, мантиқли ва гўзал ибораларда ифода этилгани Ҳамзанинг халқ ҳаётини яхши ўрганган зукко санъаткор эканидан далолат беради.

Кўнгиллари гўзал орзуларига тўлган, самимий, покиза муҳаббатли оила қурган ёшларни қора кучлар тинч қўймайди. Ишқ ўтидан бегона шарият пешволари дарак топиб гўзал Ойхонга «ошиқ» бўлиб қоладилар ва унинг висолига эришув пайига тушадилар. Очиқ ҳа-

ракат қилишга халқдан ҳайиқадилар, чунки эл кўзида ўзлари шарнат йўли билан никоҳ қилганлар. Шунинг учун лавозимларидан фойдаланиб, яширин йўллар билан ҳаракат қиладилар. Чўпоннинг отасидан қолган мерос пул қозиде сақланган бўлади. Қози шундоқ қайтаргиси келмайди. Ёшлар номидан Майсара талаб қилганда, ҳеч бир уялмай, Ойхон висолига етиштиришни шарт қилиб қўяди. Бу ишлардан нафратланган Майсара «хўп» дейишга кўнгли бормайди, лекин номусни ҳам сақлаш, пулни ҳам ундирини, шу билан бирга, уларни жазолаш тадбирларини ўйлайди.

Дин, шарнат ҳукмрон бўлиб, юрт ҳокими, амири, хони томонидан қўллаб-қўлтиқланиб турган бир шаронда шарнат пешволарига қарши тўғридан-тўғри кураш олиб бориш, айниқса, бунда енгиб чиқиш мушкул эди. Шунинг учун Майсара қози, муфти, аъламларнинг бузуқ ниятларига қаршилигини сездирмай, зимдан иш олиб боради. Улар раъйига кўнгандай бўлиб кўриниб, ишонч ҳосил қилади ва истакларига «эриштириш» учун етаклайди.

Майсара ўзининг тадбирлари ҳақида Чўпонга шундай дейди: «Қочсак номардликдир, киши ўлдирсак жиноятдир. Турсак икки бошдан тилагимиз, номусимиз барбод бўлур. Бир иш қилиш керакки, душманларни ўз ўзларича ўлимга маҳкум этайлик, Ойхонни соғлом қўлда қолдириб, юрт-элга номусимиз билан саломат кетайлик. Уғлим, шер йигитни одам ўлдирмас, номус ўлдирур. Биз бир иш қилайликки, шармандаларни ер юзига дoston қилиб кетайлик!» Оқила ва доно Майсара ёмонларнинг сирларини эл олдида ошқора қилишни энг ўтқир жазолардан деб билади. Бу тадбир қандай мумкин бўлурини Чўпон сўраганда, Майсара дейди: «Қози — эшоннинг кичик хотинлари билан топшидим. У менга кўмак бергусидир. Отангнинг берган олтин ҳаменини ҳам ўз кўзим билан кўрдим. Сўзларига, ваъдаларига ишондим, у бечорани ҳам бир севганидан айириб олган экан. Мана, ичидан бузилмай қўшин енгилмас дегандек, ичдан топилган кўмак бизга зўр ёрдамдир. Бу баҳонада у бечорани ҳам золимнинг панжасидан қутқазиб, ўз севганига қўшиб олиб кетурмиз». Майсара тадбир билан иш кўришга киришади: гўзал Ойхон учун ўлиб бораётган беномус қози, аълам, муфтиларни, уларнинг раъйига «қаршилиқ кўрсатмай», уйига чақиради. Улар бир-бир-

ларидан хабарсиз тайинланган вақтда йўлга чиқадилар ва Майсара қўйган тузоққа бирин-кетин илинадилар, ноилож аҳволда қолиб, халқ олдида сирлари очилиб қолишидан қўрққан аълам снгир терисига ўралишга, муфти эчки терисини ёпинишга, қози эса бешикка беланишга мажбур бўлади.

Қўлга тушиб шармандаси чиққан шарнат пешволарига қарата Майсара шундай дейди: «Қалайсиз уйинг куйгурлар! Сизларга ким айтдики, хотинларнинг қўлидан ҳеч иш келмас, деб! Биз ҳам одам боласимиз... Хали сизми шарнатнинг посбони! Минг лаънат сизга!»

Майсара ва ҳамроҳлари бирлашиб, қози, муфти, аъламларни пода сингари ҳайдаб, халқ гавжум бўлаган жойга боғлаб кетадилар.

Майсара тadbирли, зийрак хотин. У ўз фарзандларини ҳар қандай балолардан асраш йўлида жон фидо қиладиган, меҳрибон ва уддабурон она. У фаол курашчи, руҳонийлар ишидан нолибгина қолмай, уларни жазолашга қодир ҳам. У турмуш тажрибаларига эга. У ўз хатти-ҳаракатида халқ донолигининг ифодаси бўлмиш мақолларга тез-тез мурожаат этиб, уларни ўрни билан ишлатади. Чўпон билан Ойхон хафа бўлиб турганларида шундай юпатади: «Ёмғирнинг ортидан боғлар қандайин яшнаса, йиғининг ортидан бўлган кулки шунчалик ярашгусидир...», «бекорга кўз ёшламоқ — жафо билан ўйнашмоқдир», «Айланай, айланай, мошовамиз қайнапти, қизи сақич чайнапти, Чўпон билан Ойхонлар йиғлаб-йиғлаб ўйнапти». Чўпон хиёнат, ёмонлик авж олган жамиятда яхши бўлишнинг машаққатларини татиб кўради, «дунёнинг барча заҳмат, кулфатлари ҳар палла бизларга ўхшаш, ёмонликдан қўрққанлар устида» дейди ва бошига тушган мушкул ҳодиса олдида илож тополмай бўйинини эгиб турганда, Майсара унга шундай насиҳат қилади: «Бошингни кўтар! Эр йиғитнинг боши солнингани ўлганидир... Мен саломат бўлсам Ойхон қўлдан кетмас. Кичик душманнинг ҳам ортидан из қувмоқ ақллилар ишидир».

Асардаги асосий образлардан яна бири Мулладўстдир. У қозихонада кўп йилдан бери мулозим бўлиб ишлаб келади, қози, аъламларнинг сирларини билади, диншарнат арбобларининг хиёнатли ишларини кўра бериб, диний эътиқодлардан, қози, муфти, домлалардан бутунлай ихлоси қайтган киши. У Майсаранинг қози, аълам-

лар ҳақидаги фикрларини қувватлайди. У ўз аҳволи ва кўз олдида бўлиб турган хиёнатлардан шикоят қилиб шундай дейди: «Билмайман, мучалим тўнғиз бўлиб, сафар ойининг ўн бирида туғилибманми, бу дунё ҳамма ёнидан бизни сафар қочди қилган... Бетларимиз тиришди, бизнинг тенглар эшиги шуваладиган ҳовлига киришди, бизгаям ажал деган рўдапо деворнинг орқасидан қарашди. Соқол оқариб, озиқ тишлар тўкилиб, нозик бу бел деган жонивор ҳам эски маҳсидек букилди-ю, ҳалигача паричеҳра-ю боги гуландом, юзи тўлин ой, зулфи паришон, қошлари камон, кўзлари бодом, тиллари асал, лаблари шакар, бўйлари раъно, ўзлари доно деган қизжувонлар у ёқда тура берсин, кўзи шишган, тиши тушган, бетлари шафтоли қоқидек тиришган, қабристонга қараб лаҳад учун киришган, оғзи гўрдек, бурни қувурдеккина, бели камалак, юзи сумалаккина бир бедаво, саксонми, юзни урган бир кампир билан ҳам ўйнашни худойимиз кўп кўрди... (пешанасига уриб), вой сени бекорчиликда яратган худойимдан ўргулай. Бу бизнинг пешанамизга хотин ёзишга келганда ё қалами қудратнинг сиёҳи адо бўлиб қолган, ё бу мурдорнинг тупроғини туз конининг чуқур жойидан олиб, лойтурушига ҳожилар айтган шўр дарёнинг сернамакоп жойидан олиб қўшган-қўйган-да!» Мулладўст бу гаплари билан руҳонийларнинг одам тақдири азалда пешанасига ёзилган бўлади, деган хурофий насиҳатларига шаъма қилмоқда.

Мулладўстнинг сўзлари унинг характери ва лавозимига мос қилиб берилган. Кўринишда ўз аҳволидан ҳасрат қилаётгандек туюлса-да, аслида у ўзининг ўткир, чуқур мантиқий сўзлари билан дин, шариятдан шикоят қилади, унинг сир-асрорини очиб ташлайди.

Мулладўст шарият аҳллариининг гапларини кўп эшитган, қилмишларини кўп кўрган. Уларнинг сўзлари билан ишларини бир-бирига тўғри келмаслигини, ўз манфаатлари учун шариятдан фойдаланаётганликларини кўриб туради. Билади. Бу Мулладўст сўзини ўткирлаштиради.

Қози ва аъламлар билан масала талашганда Мулладўст сира бўш келмайди. Узининг ҳазилнамо, лекин ўткир гаплари билан уларни енгади. Мана у билан Мулларўзи аълам ўртасидаги суҳбат:

«Мулладўст (ўтириб). Хўш, нимадан шикоят

қилиб турибсиз? Бир оёғ гўрда, бириси тўрда бўлиб қопти-ку!

Мулла дўст. Эй, тақсири биродар, қағда бир оёғим дейсиз, иккавиям барабар гўристонга йўрға чиқариб қолди-ю, лоақал бировисиям бўлсаки, никоҳ чойшабини босолмай кетаётибди-да. (*Рўзи кулар*). Илоҳимки, дуо қилинг, бу дунёда бўлмаганга яраша охирагдаём ишқал бўлмасин. Худо урганни пайғамбар ҳасаси билан туртади, дегандай, у ерда ҳам арвоҳ уриб, жин қоқмаса эди. Облоҳумма саллиало, учинчи дунё қайда дейсиз.. (*Мулла рўзи қотиб кулар, Мулла дўст сўзини давом эттиради.*) Худойим қулоғи билан биздақа камбағаллар оғзининг орасига Жабрайил деган бесўнақай қанотларини тўсиб олган-да! Бўлмасам наҳот бир кам қирқ йилдан бери хотин сўрашни қилавериб, оғзимиз халта бўп кетди-ю, бир алвастигаям учрамасак-а! Ургулиб қўйдим!

Мулла рўзи (*қаттиқ кулиб*). Қўйинг, хафа бўлманг ахир, қози домлагаям шунақа пайт-пайтида йиғлаб қўйсангиз бўлмайдими?

Мулла дўст. Қўйинг ўша қози домлангизга ҳам отган ошиқнинг ҳаммаси пуккасига тушади. Худо солмаган қулоқни қозиси соладими! Ўзлари бўлса тўқсон бешни жева қилиб, иккам юзни бева қилдилар.

Бу ўринда драматург Мулла дўстнинг ҳазилнамо йўсинда оқилона айтилган сўзлари билан руҳонийлар **халқий «у дунё роҳати»** билан алдаб келганликларини, қози, аъламлардан яхшилик кутиш пуч хаёл эканини **уқтириб ўтади.**

Ҳамза қози, аъламларга қарши Мулла дўстни тиклаб қўйиб, уларни фош эта боради:

«Мулла рўзи. Эшикда мулла Мадали ўтирибдир. Айтинг, кетаверсин. Кечқурун мадрасадан бориб қоғозини олсин. Ундан сўнг айтинг, назирини дуруст-роққина қилиб берсин. Бунима? Уч сафардан буён қулпа-қуруқ келади. Тангрининг ҳам беҳиштига қуруқ кириб бўлмайди, денг.

Мулла дўст. Тўғри-да, тақсир. Эшакка шўра бўлмаса, ётиб олади-ю, қуруқ сўз қулоққа ёқсинми?»

Мулла рўзи аълам ўғирлик қилишдан ҳам тортинмайди, яна буни «ҳийлайи шаръий» йўли билан оқламоқчи бўлади.



У қозихона сандиғидан тегишли ҳужжатни қўлга киритиш учун Мулладўстга ўргатади:

«Муллаарўзи. Сиз калитни ённингиздан бир нарса олмоқчи бўлиб тушириб юбориб, билмаган бўлиб, чиқиб турасиз. Биз олиб очиб, ишни тўғрилаб бўлгандан кейин яна ерга ташлаб қўямиз. Сиз оласиз-қўясиз-да. Мана шунга ҳийлайи шаръий дейдилар.

Мулладўст. Ургилай, ҳамма касофат омиллигимизда-да! (Чўнтағидан рўмолини олиб калитни туширар). Ана энди уволи ўзингизнинг бўйнингизга... (Тескари қараб.) Эй, тақсир, анави ҳалигини яшириб туриб, бир нарса эсимдан чиқиб қопти.

Муллаарўзи. Орқангизга қарамай айтаверинг энди! Ёмон бўлади.

Мулладўст. А, ҳа, ҳалиги бизнинг маликаи дилором нима бўлдилар?

Муллаарўзи. Ҳа, албатта бўлади, хотиржам бўлинг.

Мулладўст. Тағин эшак лойдан ўтиб, орқага қарамай, оғиш шаҳрига индамай жўнайверманг.

Муллаарўзи. Йўқ, йўғ-е, хотиржам, дедим-ку. Уламоларда ёлғон гап борми?

Мулладўст. Уламоларда ёлғон гап йўқ-ку, ҳийлайи шаръий жуда кўп-да.

Муллаарўзи. Йўқ, йўқ, бўлинг! Эшикдан бохабар бўлинг, тағин!..»

Ойхонга қози «ошиқ», буни била туриб, унинг ўғли Ҳидоятхон ҳам кўз тикади. Бу ишда отаси боласидан, боласи отасидан номус қилмайди. Ўзларининг ваҳший ҳирслари олдида ор-номусни йиғиштириб қўядилар.

Қози, муфти, аъламлар халққа ўзларини софдил, шафқатли кишилар қилиб кўрсатишга тиришадилар, ҳақиқатда эса мансабларидан фойдаланиб, халққа зулм ва хиёнат қилишдан тортинмайдилар, шахсий ҳаётларида эса қулоқ эшитмаган бузуқликларни ҳам қила берадилар.

Шариат пешволарига ихлос қўйиб кўп йил хизмат қилган, сўнгра уларнинг кимлигини яхши билиб ихлоси қайтган киши — Мулладўст орқали очиб ташланиши жуда ишонарли ва муваффақиятли чиққандир. Айниқса, Муллаарўзи аъламнинг ўғирлик қилиб, яна уни ҳийлайи шаръий билан ёпмоқчи бўлганини ўз кўзи билан кўриб турган Мулладўстнинг сўзларини уламоларга берилган

аниқ характеристика деса бўлади. «Уламо деган пестлардан ҳам ихлосим ачитма гўжадек қайтди-да! — дейди Мулладўст. — Шайтон буларнинг олдида қип-қизил валиюллодир. Аҳвол шу-ю, тагин булар халқ ичига кирса буруннинг сувидек кўз ёшини оқизиб (*йигламси-раб*): «Эгамдан кимки кўрқмас, ул сазоворий жаҳаннамдир» деб амри маъруфни наврўзнинг ёмғиридек шилт-шилт қилворади. Билмайман, ўша жаҳаннамга ўзларидан бошқа қайси махлуқлар борар экан».

Жаҳаннам агар бўлса, Мулладўст фикрича, унга энг гуноҳкор, яъни уламолар бориши керак.

Мулладўст характерида халқ сатирик эртаклари қаҳрамони бўлган Афанди образининг хусусиятлари бор. Маълумки, халқ оғзаки ижодида яратилган Афанди образи доно ва ҳозиржавоб киши. Унинг донишмандлиги олдида на қози, на муфти, на бой ва подшоҳ бардош бера олади. У ўз рақибларига қарши кураш ва тортишувларда ҳамма вақт галиб келади. Унинг енгилмаслигида халқнинг енгилмаслиги, куч-қудрати образли равишда акс эттирилгандир. Ҳамза ҳам дин-шариатнинг халққа қарши ишларини фош этиб кўрсатишда халқ ижодидан озиқланиб, афандинамо образ — Мулладўст образини яратган ва бу жуда муваффақиятли чиққан.

Асарда қози, аъламларга зид ўлароқ, Чўпон, Ойхон, Майсара образлари бериллади. Булар софдил, ор-номусли кишилар. Улардаги ишқ-муҳаббат эса қози, муфтиларники каби бетайин, қалбаки эмас, самимий ва покизадир. Бу ўринда биз «Бой ила хизматчи»даги Жамила билан Гофир ўртасидаги муҳаббатни эсласак, *ёзувчининг умуман ишқ-муҳаббат масаласига бўлган муносабатини* яққол кўраимиз. «Ҳар бир гулнинг ўзгача исми бор!» деб хотин олиб, хотин кўювчи, хотин-қизларни *хўрловчи бойлар*, руҳонийларнинг қалбаки севишларига қарама-қарши, Ҳамза «Ҳар бир гулнинг ўзгача исми бўлган билан, булбулнинг суйгани қизил гулнинг ўзи эмасми!» деб, ҳақиқий ошиқ қандай бўлишини қўяди. Бундай ишқ-муҳаббат меҳнат аҳллари учун характерли эканини унинг типик вакиллари (Жамила ва Гофир, Ойхон ва Чўпон) орқали тасвирлаб берган.

«Бой ила хизматчи»да икки вафодор — Жамила билан Гофир қора кучлар орқасида қўша қарий олмай ўтганлари кўрсатилган бўлса, «Майсаранинг иши»да

икки ёр — Ойхон билан Чўпон оқила Майсаранинг пухта ўйлаган тадбирлари орқасида ёвузлар ҳужумидан қутулиб қолганликлари тасвирланади. Меҳнаткаш омма ўзининг кучига, эксплуататор синфларга қарши курашларда албатта ғолиб келажагига қаттиқ ишонган ва бунини ўз оғзаки ижодида оптимистик равишда ифодаллаган. Ҳамза ҳам халқнинг руҳонийларга қарши курашини кўрсатар экан, халқ адабиётининг ана шу анъанасидан жуда ўринли ва ижодий фойдаланган.

Асарнинг тили ранг-баранг, ихчам, пишиқ ва маънолидир. Ҳар бир персонаж ўзи учун характерли тилда сўзлайди. Мулладўст руҳонийлар орасида кўп бўлган, улар ҳаётини яхши билади. Шунинг учун ҳам қози, аъламлар ҳақида сўз юритганда ёки улар билан суҳбатлашганда тегишли гапни топиб айтади, кўпгина диний иборалар орқали динга қарши фикрларни ўхшатиб айтиб юборади. Унинг пичинг ва қочириқ билан тўла бу гапларини қози, аъламлар ёқтирмай тингласалар ҳам, лекин рад этмайдилар, алам қилгандан ё жим қоладилар, ёки бошқа гап айтиб чалғитадилар. Мана қози билан Мулладўст ўртасида бўлиб ўтган бир гап:

«Қ о з и. Мадҳолиқнинг бувисини сизга мўлжаллаб қўювдик, бу ҳам вафот топибди-да.

Мулладўст. Энди, тақсир, биз оладиганни мункарнакир илибди-да, ўзингиз ҳам сатта азройил билан ҳамдастурхонни топибсиз-да!

Қ о з и. Йўғ-э, энди қуппа-қуруқсиз. Аввал шунақа ўлимга яқинроқ, юқу юримликни олиб, ундан кейин ўшанинг майда-чуйдасидан бир дурустроғини олиб берамиз, девдик. Бу ошингизга ҳам пашша тушипти-да!

Мулладўст. Ургилай тақсир! Бебахтнинг ошига пашша ҳам, кана ҳам, сўна ҳам, қолаверса шалоплаб олиб мана шунақа азройил ҳам, мункарнакир ҳам тушаверади. Ундан кўра қуппа-қуруқ бўйи бўлса ҳам олиб бераверинг!..»

Бу ерда қозининг сўзларидан унинг диди паст, ўлгудек хасис, тамагир, юлғичлиги, Мулладўст эса унинг ибораларидан фойдаланиб, уни бошлаб фош этаётгани кўриниб турипти.

Мулладўсти аъламнинг шарнат қондаларини ўз фойдасига қўллашини Мулладўст: «Худойим шарнатни икки буклаб, олти қатлаб, сизлардек улуғ зотларнинг қўлларига қистириб қўйган»,— деб уламоларнинг хиё-

гўрда-ю, ҳалиям паранжи ёпиниб, хотин-қизлар ахтаради.

Гулжон. Сут билан кирган, жон билан чиқади, болам. Айтгандек, Ўлмасжондан хабарингиз борми? Паранжи дедингиз, эсимга тушди.

Мастура. Йўқ. Айтгандек, нимага у жума кунига гапга келмади?

Гулжон. Қавиш бозоридан Асадуллобойваччанинг қаллиғини кўргани кетиб турган экан. Қавишидан таниб, старший тутиб, паранжисини олибди.

Мастура. Вой ўлай!

Гулжон. Бозорда йиғилипти одам, бўлипти кулги, шармандалик, ўшанинг учун келмаган экан.

Мастура. Қамашиб қўйиптими?

Гулжон. Бирон нарса берган шекилли, ҳазил қилувдим, деб қутулиб кетипти».

Хотинбоз Норбойвачча паранжи ёпиниб хотин-қизлар сайилгоҳига боради. У ерда бой қизи Холисхонни кўриб, «ошиқи беқарор» бўлиб қолади. Қизни қўлга тушириб беришни сўраб Мастура яллага келади.

«Мастура. Улар катта даргоҳ, ҳазилни кўтармайди, иним. Бир бева-бечоранинг қизи бўлсаям гўрга эди!

Нор. Ҳа, бунинг шохи борми?!

Мастура. Албатта, ҳеч нарсаси бўлмаса пулининг кучи бор, ўргулай. Осонми улар билан курашмоқ!

Нор (яна туриб). Келинг, хола. Ҳаммага сипориш қилсангиз ҳам менга савдони очиқ қилаверинг. Сиз тикилган иш белбоғ ечилмай битади. Ҳаммага қоронғи бўлса ҳам менга ойдин. Шу нарсага охири чоғда етиштиринг... Бизнинг учун ҳам умрингизда бир жафо кўрсангиз кўрибсиз-да.

Мастура. Вой, айланай, олифта йигит, қизнинг ҳузурини сиз кўриб, «олма-анори»га биз ўйинга тушар эканмиз-да!

Нор. Қўйинг, хола, майда гапни! Ҳаммага ҳунар бўлса, сизга мерос. Сизнинг тор кўчаларингизда шайтон қанқийди. Соғини кўп таранг қилмай, нархини гапиришаверинг...

Қандай аждаҳодаларининг кўксигаги қиз-жувонларни илма қилган Мастура хола бугун анчайин бир қизга безгакман, деб ўлтургунча белбоғни ешиб қўйсин!..

Мастура (қизиб). Олифта йигит, қуруқ қочирим.

га бу белбоғлар ечилмайди. Икки дунёни сотиб бу белбоғни олганмиз, Норбойвачча! Биз майдонда қолурмиз, сиз чакалакка урарсиз.

Н о р. Сизнинг белбоғингизга қирқ кунлик шолипоянинг кучи етмасмикин?! Етмаган жойига жон улармиз.

М а с т у р а. Васиқалик мовазага шафтолиқоқи олиб ейсиз-да, бўйидан!..

Н о р. Хола, мени кўп чархламангу уврангизни кесаверинг! Оғзингизга сиққанини уч кунда лаққа жигардек қанорангизга илиб қўяман.

М а с т у р а. Хўп, бўйидан...»

Яллачилар қора ниятларини юзага чиқаришда хотин-қизларнинг ҳуқуқсизлиги, ўз севганларига етолмасликлари фактларидан фойдаланадилар. «Менинг қўлимдан юзга етиб, хуфияси, сатанги, ака баччалари чиқди. Йигирмага етиб ҳар юртдан қиз қочирдим. Ҳаммаси зўрлик билан эрга тегиб, кўнгилсиз бўлганлар», деб мақтанади Мастура ялла. У ўз хиёнатлари оғирлигини сезиб ташвишланса-да, руҳонийларнинг пасткашлиги, хотин-қизларни буюмдек ҳисоблашларини эслаб яна ўзини юпатади: «Хотин-қизларда ҳеч гуноҳ йўқ. Хўп қилади, ажаб қилади. Туслик эшонни қаранг, саксонга кирибдилар, оёқларини осмонга қилиб қўйсанг, аранг осмонни кўрадилар. Шу ҳолларига беш хотин, олди ўн тўрт яшар».

Хотин-қиз ўғрилари ўз жиноятларини пул ёрдами билан ёпиб юрадилар, чунки пулдорлар ҳукмронлик қилган жамиятнинг ҳукмрон ахлоқи шундайдир. Уғрилар навбатдаги жиноятларини қандай яшириш ҳақида ўзаро шундай маслаҳат қиладилар:

«М а с т у р а. Жойни нима қиламиз?

М и р з а к а р и м. Шундай пирхонани қўйиб, бошқа жойни нима қиласан!

М а с т у р а. Қўйинг, пирхонангиз курсин! Катта иш бу. Ҳукуматнинг бир балоийн азмига қолмайлик.

М и р з а к а р и м. Ундақа дема пирхонани, кофир бўласан! Ҳукуматинг нимаси?

М а с т у р а. Ҳукумат эсингиздан чиқдимми?

М и р з а к а р и м (кулиб). Вой жинни-ей, ҳалиям эсинг кирмайди. Ишнинг ўзи лаққа бўлиб ётибди-ю, бу ўртада ҳукуматга бало борми. Ё юртда ҳукумат борми? (Пулни шифтга отиб ўйнаб.) Мана юртда ҳукумат. Мана, губернатори-ю, қўрбошидан тортиб қози-

мозиси!.. Бир камбағалнинг уйига куппа-кундуз паранжи ёпиниб кириб, ўн уч яшар қизини қийнаб, ўлдириб, кўмиб турганининг устига кириб тутдилар. Нима қилдилар? Уч ойгина қамаб, икки юз сўмини шилқиллатдилару, «Ўзинг қўшиб даъво қилгансан! Мастлик билан ўлдирипти», тагин алланима балоларни топиб, бунга оқ фотиҳани бериб, у шўринг қурғурни уч йилга кесдилар. Бунни ким қилди? Икки юз сўм қилдимми?!»

Мирзакарим айтган бу мудҳиш воқеа мисолида подшо ҳукумати кимларни ёқлаши, жинояти аниқ бўлса ҳам бойларни ёқлаб, меҳнаткашларга жабр устига жабр қилганини ёзувчи яққол кўрсатиб берган.

Икки ёш — Холисхон билан Рустамбек бир-бирларини севадилар ва бахтли оилавий ҳаёт қуришга интиладилар. Рустамбек камбағал, меҳнаткаш; Холисхон эса бойнинг қизи. Уртадаги самимият, инсоний туйғулар бу ижтимоий тенгсизликни енгиб ўтади. Лекин бу ёшларнинг орзуси зулмат ҳукмронлигида вужудга чиқа олмайди.

Холисхоннинг отаси Умрзоқбой шарнат ақидаларига муккасидан кетган кимса. У қизининг кўнглини тунгиси, тақдири ҳақида дурустроқ ўйлаб кўргиси келмайди. Вексели синганда, озгина бўлса-да, суянчиқ бўлган бир бойга қизини сотишга қарор қилади, бойлик орттиришни ўйлайди. Ўзининг зил кетган ижтимоий вазиятини сақлаб қолиш учун қизидан бир восита сифатида фойдаланмоқчи бўлади, кўнмаса «гўштини сизга тортиб, ёғини совунгарга сотаман», дейди. Акаси бўлса дадаси ёнини олиб: «Ҳинг десанг қонингни шиннидек шимирай!» деб дўқ қилади. Она эса: «Нима қилай, азрўйи азал иродаси шу экан», деб ўзини юпатади.

Умрзоқбой кўзига бўлажак куёвнинг тутқаноқ касали ҳам кўринмайди.

«Ҳар ҳолда, қизимизга ҳеч нарса бўлмайди-ю, бир оз кўрқаман,— дейди бой ўз хотинига мурожаат қилиб,— бунинг шу касали учун яхшироқ жой қиз бермади. Мундоғроқ жойдан ор қилишди. Мен бўлса, ўзинг биласан, баъзи олди-берди дараклик жаям қадрдонман. Хусусан, икки марта вексилим протес бўлди. Ҳаммадан пок айрилувдик, шу сабаб бўлиб халос топдим. Бир томондан, биргина ёлғиз ўғил, ҳамма давлат шунга қолади. Нима, ажали етиб иякни қоқишга қараб қолди, пўк этиб ўлса, бўлганимиз бўлдик...»

Умрзоқбойда фарзандини севиш туйғусига қараганда бойиб қолиш ҳисси устун туради. У қизи учун молдунё сўрашга осмондан келади. Қизини мол ўрнида сотади, ҳатто уни қизим демай ғунажиним деб, атайди. Хотинига шундай дейди: «Сен нима деб ўтирибсан, мен дунё охиратимни шу қизингнинг устига қўйиб ўлтирибман-ку, ўнтадан бермасин-чи, ғунажинимнинг қулоғини кўрармикин! Бедаво ўғлига ҳурдек қизимни бераман-ку, тагин ўндан беришга бели оғрийдими?!»

Холисхоннинг холаси Ҳайиджон унга шундай насихат қилади: «Сен бўлсанг юрт қизларининг ичида ой деса ой, кун деса кунсан, холанг ўргулсин, париштадек бўйингга ҳар қандай одам муносибмас. Қўша-қўша сеп берганга эп кўрсин». Бой отаси ҳам, бойвачча акаси ҳам шу фикрда. Қиз қанча чиройли бўлса, шунча кўпроқ пулга сотиш, кўпроқ мол-дунёли бўлиб қолиш, қўша-қўша сеп берганга эп кўриш феодал-буржуа ахлоқининг чириклигини кўрсатувчи белгилардир. Холисхон бу ярамас одатга кўнишни истамайди ва унинг сиртмоқларидан чиқиб кетишга интилади, «пешанага ёзганини кўрасан» деган хурофий насихатларга қарши чиқиб, «Менинг пешанамга «Ота, онаси ўшанга берсин» деб ёзиб қўйингми?», «Ота-онаси йўқларга нима деб ёзиб қўйинпти, бўлмаса?!» — дейди у.

Хотин-қизларнинг оғир аҳволи уларни шундай фикрга, ўзлари учун ўзлари курашувига олиб келади.

Холисхон ўз қадр-қимматини яхши тушунади. У шундай мулоҳаза юритади: «Севганига текканларнинг бахти қандай бахт экан! Қошки тақдир деган банданинг ўз ихтиёрига берилган бўлса эди. Кўмирчи бўлсин, темирчи бўлсин, тўрт деворнинг ичида севганинг бўлсин...» «Тўйнинг ҳузурини одамлар, обрўсини ота-онам кўрсин-да, жабри жафосини мен кўрайми...» Холисхон ота-онасидан паноҳ топмагандан кейин шу фикрга келади. Бунда эскиликка қарши дадил борган Кумушхон сингари айрим хотин-қизларнинг намунаси унга далда беради.

Аввал Кумушхон ҳақида турли гап тарқатган маҳалланинг «оғзи катталари» зиёфатини еганларидан сўнг жим бўлиб кетганликлари Холисхоннинг аҳдини яна қувватлаб тушади. У муҳокамасида давом этиб дейди: «Тунов кун Кумушхонни ҳароми, писмадон, деб маҳалладан ота-онасини чиқариб қўйган мунофиқ маҳалла-

нинг оқсоқоли, номлари бугун бешик тўйисига кириб, соқолларини селкилатиб, ошни лимиллатиб кекирдакларига урдилар, тўнларини ловиллатиб кийиб чиқдилар. На ҳаромиси қолди, на бўлаги. Бизга ҳам шу бўлади-да!

Ке қўй, кўз ёши тўкиб ўтирганинг билан молдек боғланиб кетасан. Ундан кўра, селнинг бошини олиб Рустамбек билан кўришиб, ўз ишингни кўргин!»

Афсуски, бундай бўлмайди. Яллачилар Холисхоннинг Рустамбек деган бир йигитга кўнгил қўйгани, у билан хат орқали гаплашувини пайқаб қоладилар ва уларнинг бир-бирига хатини уюштирадилар, Холисхон қочишга рози бўлиб, қулай кунни айтади. Рустамбек буни маъқуллаб, одам юборишини ёзади. Яллачиларга шу керак эди.

Тайинланган кунни Гулжон кампир келиб, ўзини Рустамбек одами қилиб кўрсатади ва Холисхонни олиб чиқиб кетади.

Холисхон кечқурун қайга оборманларини билмайди, паранжи ичида кўчаларни яхши кўролмайди. «Паранжи курсин-да, шунинг ўрнига бошқа бир нарса бўлмас эканми? Бутун бошдан-оёқ кулфат. Қайси ёғдан қайга келганимни бир-да билмадим. Оёғим юрди, кўзим ҳеч нарсани кўрмади». Кўрмайин тикан босади.

Яхши ниятлар билан ўсиб-унган уйдан чиқиб кетган Холисхон қаттиқ алданади. Мастура ялла, Мирзакарим қоралар уни йўлдан адаштириб, тузоқларига илтирадилар. Бунда улар паранжидан фойдаланадилар.

Паранжи — қуллик тимсоли. Унга кўниш — у билан **боғлиқ бўлган эски** урф-одатларга, хўрланишларга кўнишдир. Унинг бундайлигини исботлаш унчалик қийин эмас. Бунга руҳонийларнинг ўзлари ҳам, қисман бўлса-да, иқрор бўладилар. Лекин паранжининг бу томонини эл назаридан иккинчи планга буриб ва уни сақлашга ёрдамлашиб турган нарса бор. У ҳам бўлса паранжига ахлоқлилик белгиси деб қараш ва бунга ишонтира олганлик.

Паранжи ёпиниш билан хотин-қизлар ўзини кўрсатмайди, уялади, демак ахлоқли экан. Сиртдан қараганда худди шунга ўхшайди, руҳонийлар, бойлар паранжини сақлаш учун бу тарафга зўр бериб гапирадилар. Лекин унинг одамларга «сир» бўлиб келган томони бор. Бу



сирни очиш керак. Асар конфликтининг асосий тугуни ҳам шу ерда.

Норбойвачча хотин-қизлар йиғилишиб бемалол ўтирган жойга паранжи ёпиниб бориб уларни томоша қилди. Холисонни мўлжалга олади. Унинг бу «иши» уят ҳисобланади, лекин у бундан тортинмайди. Қўлга тушгудай бўлса, пули кўп, подшо амалдорларига пора бериб қутулиб кета олади. Демак, паранжи бойлар учун хизмат қилган. Паранжисиз қилиш қийин бўлган жиноятларини унинг ёрдами билан осонроқ бажарганлар. Паранжи бойлар, бузуқлар қўлида жиноятни яширувчи ниқоб вазифасини бажарган. Шунинг учун ҳам Мирзакарим қора паранжи ёпиниб олиб, уйма-уй юриб қиз танлайди ва уларни Мастура ялла, Гулжон кампирлар ёрдамида олиб қочиб сотади. Бундай мудҳиш жиноятлар подшо чиновниклари паноҳида бўлади.

Мана бу сирларнинг очиб ташланиши фақат бойвачча ва руҳонийларнинг сирларини очишгина бўлмай, уларни қўллаб-қувватлаган тузумнинг, подшолик тузумининг сирларини ҳам фош этишдир. Ҳамза паранжининг қуллик занжири эканини фош этиш билан бирга унинг ахлоқлилик пардаси сифатида тарғиб қилинишига ҳам қаттиқ зарба берган.

Холисон уйдан паранжи ёпиниб чиқиб, юрган йўлини кўролмай адашганига минг-миг афсусланади. Бунга сабаб паранжи, у билан боғлиқ бўлган ҳуқуқсизликдир. Истаганига бермасалар, хоҳламаганига сотиб юборсалар, хўрласалар... у қочишга мажбур бўлади. Буларнинг барчаси паранжи сирларидир.

Ҳамза паранжининг манфур сирлари орқали эски жамиятнинг ярамасликларини ҳаётий фактларда ҳаққоний тасвирлаб берган ва ёзувчининг юксак маҳорати ҳам шундадир.

Умрзоқбой ўзининг зил кетган вазиятини тиклашга уриниб, навқирон қизини сотади ва унинг олижаноб тилагини поймол қилади. У моддий жиҳатдан синган, маънавий жиҳатдан чириган ўзбек бойларининг типик образи бўлиб кўринади. Ҳамза бу образ орқали буржуа ахлоқининг чириганлигини очиб ташлайди.

Холисоннинг умри хазон бўлади, Рустамбек оҳу-фиғонлар билан ўтади, уларнинг мушкулларини осон этишга уринган дўстлари эса ҳалок бўлади. Бу ҳодисаларни ёзувчи ҳаётдан олинган аниқ лавҳаларда кўрса-

тиб берган ва бу лавҳалар кишилардаги энг яхши умид-орзуларни янчиб келган эксплуататорлик тузумига, феодал ва буржуа ахлоқига қарши кучли бир айбномадир.

Келтирилган мисоллардан кўринадики, асар пишиқ, равон, ширали тил билан ёзилган. Ёзувчи халқ мақоллари, ибора ва қочирмаларидан яхши фойдаланган.

Замонасига кўра, эрлардан вафо кўрмаган хотинларнинг йиғилиб ҳасратлашувини «куйган юрак бўлмаса гулханда нима қилади?» деб ифодалайди. Бойвачча эрларнинг вафосизлигини улар дастидан куйган Ойниса тилидан шундай таърифлайди: «Эркаклар ўз-ўзидан кўрсин. Уламо, шайхидан тортиб, жуда яхши умр қилса бир йил, ундан кейин қўшнингнинг қизига ҳайитлик беришга бошлайди».

Чапани Норбойвачча ўз характерига хос қочирма ибораларни ишлатади ва булар унинг шахсини аниқроқ тасаввур этишга ёрдам беради. У Мастура ялла билан навбатдаги қиз ўғирлаш ҳақида маслаҳатлашар экан, унинг олғирлиги ва бериладиган пулга қараб муомала қилиниши шундай ифодаланади: «Сиз тикилган иш белбоғ ечилмай битади... Сизнинг тор кўчаларингизда шайтон қанқийди. Соғини кўп таранг қилмай, нархини гапираверинг», «белингизга қирқ кунлик шолিপоянинг кучи етмасмикан? Етмаган жойига жон улармиз», «Мени кўп чархламангу, уврангизни кесаверинг». Мастура ялланинг сўзида унинг бузуқ характерига мувофиқ мақол, иборалар кўпроқ учрайди: «Овимизга энди борар бўлипти», «Хотинини синасанг ўйнашини санама», «Ошиқ билан ўйнасанг ошиғингга ўт тушар, маъшуқ билан ўйнасанг қошиғида тут пишар...» Мирзакарим қора гапида унинг доғули ва муттаҳамлигини ойдинлаштирувчи ибораларга дуч келамиз: «Моли от устида сотилади... «суф» деганига қўл қоқа беради», «Пул ҳам сомон пайса бўлиб қолади», «Нима бало келса (пулни кўрсатиб) мана бу улуг балоғардонга ҳавола қиламан».

**Винобарин, Ҳамза халқнинг бой тил хазинасидан яхшигина озиқланган, неча-неча йиллар давомида маромига етказилган сўз ва ифодаларни зўр эътибор билан ўрганиб, асарларида ишлатган.** Фикрни аниқ ва ихчам ифода қилиш учун сўзларни ўринли қўллаб, уларга тобора сайқал бериш учун курашган.

Халқ ҳаётининг ўсиши, ўзгариши, илм-маърифат тараққиёти талабларига кўра вужудга келган сўз, ибора-

ларни, шунингдек, бошқа тиллардан керакли сўз, терминлар олиб, ўзбек адабий тилида қўллаган. Шунинг учун ҳам биз Ҳамза асарларини ўқиб, ўзбек адабий тили муваффақиятларини кўрамиз ва ҳақли равишда, Ҳамза ўзбек адабий тили тараққиётига қимматбаҳо ҳисса қўшган улкан адиблар, деймиз.

\* \* \*

Ҳамза драматургияси халқчиллик, коммунистик партиявийлик руҳи билан суғорилган. Буни, аввало, тема танлашда ва уни талқин қилишда кўрамиз.

Октябрь революциясининг аҳамиятини кенг халқ оммасига чуқур тушунтириб, революция натижасида улоқтириб ташланган эксплуататор синфларнинг ўз мавқеларини қайтаришга уринишларига қарши кураш олиб бориш зарур эди. Бу вақтда Ҳамза «Биз ишчимиз», «Уйғон», «Яша Шўро!» каби шеър, ашулалари билан бирга, «Бой ила хизматчи», «Ишчилар ҳаётидан» пьесаларини ёзади.

Совет ҳокимиятига, меҳнаткашлар озодлигига қарши бош кўтарган ички контрреволюция ва халқаро реакциянинг бирлашган кучларини тор-мор этиш учун халқ кучларини сафарбар қилиш керак эди. Ҳамза бу вақтда «Фарғона фожиаси», «Лошмон фожиаси» деган катта драматик асарларини ва бир қанча шеър, қўшиқлар ёзади.

Совет сайлов системасининг энг демократик эканлигини кўрсатиб, душман унсурларининг совет идораларига суқилиб киришларига йўл қўймаслик зарур эди. Ҳамза шу мақсадда «Бурунги сайловлар», «Сайлов олдида» пьесаларини ёзади.

Хотин-қизларни социализмнинг фаол қурувчиларига айлантириш ва бунга тўсқинлик қилган бойлар, руҳонийлар ва улар таъсиридаги кишиларни фош этиш лозим эди. Бу темада у «Паранжи сирларидан бир лавҳа», «Женотдел» пьесаларини, «Ўзбек хотин-қизларига», «Муборак» каби ашулалар билан бирга, ҳажвий шеърлар ёзади.

Ҳамзанинг кўп асарлари, айниқса драмалари, маълум реал турмуш фактларига асослангандир. «Лошмон фожиаси» унинг кўз ўнгида бўлиб ўтган воқеа, «Фар-

ғона фожиаси» эса кўрган, билган воқеалари асосида ёзилгандир.

«Хоразм инқилоби» пьесасини Ҳамза 1921 йилда Хоразмга бориб, воқеани чуқур ўрганиш асосида ёзган.

Ҳамза драматургияси театр тараққиётимиз билан зич боғлангандир.

Ўзбек совет профессионал театри Улуғ Октябрь самарасидир. Бу театрға асос солувчилардан бири Ҳамза бўлди. У пьесалар ёзганда театримиз имкониятлари ва актёрларимиз савиясини ҳисобга олади. Революциянинг биринчи йилларида алоҳида драма, алоҳида музыкали драма ёки опера ва балет театрлари йўқ эди. Театрларимиз у вақтда асосан, музыкали драма типига бўлган. Шунинг учун ҳам пьесалар бир жанрда бўлмай, уларда бир неча жанр элементлари мавжуд эди. Ҳамза ёзган пьесалар ҳам музыкали драма ёки музыкали комедия шаклида эди. Ўша вақтларда музыкали драма театри кўпроқ оммавий бўлганини қайд этиб ўтади. «...бутун инқилобий ташвиқотда, — дейди Ҳамза, — Ўзбекистонимизда энг яхши таъсир берган нарса ҳам шу сахна ва шу сахнадаги дардли шеърлар билан мунгли ашулалар бўлди», деб ёзади у. (1926 йил 20 сентябрда Ўзбекистон Компартияси МКнинг Ташвиқот — тарғибот бўлимига ёзган маълумотида.)

Ҳамза Ҳакимзода ўзбек совет драматургиясини бошлаб бериб, унинг ажойиб намуналарини яратиб, умумсовет драматургиямиз тараққиётига, кўп миллатли совет адабиётимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшган улкан совет ёзувчисидир. Театр санъати соҳасидаги самарали ишлари билан совет театримиз пойдеворини қурган таниқли санъаткорлардан биридир.

## ҲАМИША БАРҲАЕТ

Ҳамза Ҳакимзода 1928 йилнинг август ойида Фарғона район Шохимардон қишлоғига (ҳозирги Ҳамзаобод) боради. Маълумки, бу қишлоқ Фарғона водийсидаги гўзал манзарали ва об-ҳавоси шифоли жойлардан. Бу қишлоққа ўша вақтда бир тўда реакцион руҳонийлар уя қуриб олган эдилар. Улар бу жойнинг табиий фазилатларини қандайдир бир «авлиё»нинг каромати, деб кўрсатардилар. Насл жиҳатидан ўзларини

бир неча пушт билан пайғамбар авлодларига етказган бу хўжалар ишламасдан, кучламасдан, ҳийла либосини кийиб, олғир мушук тасбиҳларини ўгириб, меҳнаткашларнинг миясини хурфот билан заҳарлаб, уларнинг топган-тутганларини ем-тама қилиб, бойлик орттириб келардилар. Ҳар қанча тўқ бўлсалар ҳам тама супасидан тушмас эдилар.

Лекин Фарғонадаги меҳнаткашлар орасида ортган синфий онг Шоҳимардон батрак ва камбағал деҳқонларига таъсир қилмасдан қолмайди. Меҳнаткашлар устидан кун кўриш, қабрларни восита қилиб халқни талаш зарарли эканини тушунадилар. Шу кезларда қишлоққа келган Ҳамза Шоҳимардонни текнинхўрлардан тозалаб, маданий оромгоҳга айлантириш масаласини ўртага ташлайди. Қишлоқ меҳнаткашлари унинг ташаббусини қувватлайдилар. Ҳамза у ерда қолиб, зўр ғайрат билан ишга киришади. У катта ташкилотчилик қобилиятига эга эди. Батрак ва камбағал деҳқонларни уюштириб артеллар ташкил этади. Болалар учун мактаб, катталар орасида саводсизликни тугатиш курси очади. Уларда ўзи ўқитувчилик қилади. Қишлоқда янги ҳаёт тантанаси учун курашади, эски урф-одатларга, диний хурфотларга қарши кучли ташвиқот-тарғибот ишлари олиб боради. 1928 йилнинг октябрь ойи охирида ёзган бир хатида у шундай дейди: «70 уйлик хўжалардан кучли ташвиқот орқасида 50 хўжалик камбағалларни меҳнатга тортган эдик. 50 хўжаликдан 15 хўжаликча кўр, шол... (буларга ёрдам уюштирилган), 35 хўжалик соғлом йигитлар бўлиб, булар ҳозирча бир хумдон бино қилиб, комхоз билан договорлашиб иш бошлашга ҳозирланди, артель тусини олди. Қолган 20 хўжалик, ўзига тўқ ифвогарлар, ғиштхона (хумдон)га сармоя тўплаб, комхоз билан тенг шерик шартнома қилиб, фойдаланишга киришди...

Ишни ўз иқтисодлари билан тиклаб, ўз меҳнатлари билан нон ошамоқ жойига етказиб, ишни яқунлаштирдик».

Ҳамза қишлоқда маданий-маориф, ободончилик ишларини йўлга қўяди. Янги ерларга сув чиқариш, тоғ бағирларига дарахт ўтказиш ишларида ташаббускор бўлади. Яна шундай тадбирларни белгилайди: йўللарни тузатиш, трактор келтириш, электростанция қуриш, клуб ташкил қилиш, амбулатория очиш, боғча очиш...

Ишлар гуриллаб юриб кетади, артелларнинг ишлари авжланади, батракларнинг инқилобий руҳи кўтарилади. Қишлоқда В. И. Ленинга ҳайкал ўрнатилади.

Шоҳимардон қишлоқ аҳолисининг 1929 йил 14 январда бўлган мажлисида шундай қарор қабул этилган:

«Э ш и т и л д и: Меҳнаткашларнинг доҳийси ўртоқ Лениннинг кўздан узатилганига 5 йил тўлиш муносабатила 1929 йил 21 январь хотира кечасига тайёргарлик қилиш ҳақида Ҳамза Ҳакимзоданинг тушунарлик маърузаси.

Қ а р о р қ и л и н д и: ўртоқ Ҳамза Ҳакимзода маърузасини қарсак била қарши олиш билан бирга, шунча йиллар хурофот чангалида эзилиб келган Шоҳимардон қишлоғи хурофотдан тозаланиб, эзилган меҳнаткашлар озодлик турмушга қадам қўйиши билан, бугун бутун ер юзидаги эзилган, мазлумларнинг доҳийси бўлган ўртоқ Лениннинг ҳайкалини янгидан сув чиқариш учун ишлаб турган Шалангга бир Ленин майдони олиб, шул жойга қуриш лозим топилсин.

Ушбу ҳайкални 1929 йил 21 январь хотира кечасигача улгуртиш (тайёр қилиш) учун ...лардан иборат комиссия сайлансин.

Юқоридаги комиссияга 21 январь хотира кечасигача юклатилган вазифаларни бажариш учун тезда ишга тушиш таклиф этилсин».

1929 йил 21 январь куни Шоҳимардонда Владимир Ильич Ленин ҳайкалини очиш маросими бўлади.

Ҳамза 1928-1929 йили ўтказилган меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига бўлган сайлов кампаниясида фаол қатнашади. Олтиариқ район сайлов комиссияси томонидан 1929 йил 17 февралда берилган 405 сонли гувоҳномада шундай дейилади: «Берилди бу гувоҳномани Ҳамза Ҳакимзода ўғлига шул хусусидаким, бу ўртоқ 1928-1929 йилдаги ўтказилган шўроларни қайта сайлов маъракасида район комиссияси томонидан бўйнига юклатилган вазифаларни жиддият билан бажарди».

1929 йили Шоҳимардон қишлоғида Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Март байрамини ўтказиш комиссиясининг раиси сифатида ўша куни аҳоли ўртасида хотин-қизлар озодлиги ҳақида доклад қилади. Шу куни 23 хотин-қиз паранжиларини ташлайдилар. Ҳамза аҳоли ўртасида эски урф-одатларга, диний хурофотларга қар-

ши кураш олиб борганда маъмуриятчиликка берилмайди, тушунтириш ишига аҳамият беради. У юксак онгли зиёли эди. Халққа илм-маърифат тарқатишда, эски урф-одатларнинг зарарини, руҳонийларнинг алдамчилигини очиб, тушунтириб беришда маълум тажрибага эга эди. Сўзлаганда турмушдан аниқ далиллар келтириб, ишонарли ва кучли хулосалар чиқарарди. Хўжаларнинг катталари билан масала талашганда уларни мот қилиб қўярди. Мана бир мисол: 1928 йил октябрь ойида бўлган бир йиғинда Ҳамза шайхлардан: «Мозорингиз чиндан ҳам муқаддасми?» деб сўраган. Улар: «Ҳа, муқаддас!» деб жавоб берганлар. Ҳамза: «Агарда шундай бўлса, нега мозорни ёндиргансизлар?» деб сўраган. Шайхлар лом-мим деялмай, саросимада қолганлар. Сўнгра, Ҳамза сўзга чиқиб, бўлган воқеани тушунтириб берган:

1921 йил декабрь ойи охирларида Водил-Шоҳимардон районидан Фарғона шаҳрига қайтаётган 7 — Алоҳида Туркистон отлич бригадасининг 48 жангчидан иборат бир отрядига 300 нафар босмачи ҳужум қилган. Отряд Шоҳимардонга чекиниб, мозор мачити ичига бекиниб, мудофаага ўтган. Жанг икки сутка давом этгач, учинчи кун, хўжаларнинг фатвоси билан, қўрбоши мачит биносига ўт қўйишни буюрган. Бино ёниб, қулаб тушган, унинг ичидаги қизил аскарлар ҳалок бўлганлар<sup>1</sup>. Кейинчалик, 1925 йилда хўжалар аҳолидан пул тўплаб, мачит ва мақбарани тиклаганлар. Ҳамза бу фактларни келтириб, мозор ва унинг тўғрисидаги афсоналар шайхлар томонидан тўқилганини исботлаб берган. Тўпланган одамлар Ҳамзанинг сўзидан чуқур таъсирланганлар.

Ҳамзанинг йиғинларда гапирган ўткир сўзлари таъсирида хўжалар мозорни ёпишга кўнадилар. Лекин кўпчилик олдида кўнганлари ўзларига алам қилади, зимдан қаршилик қиладилар.

Илгаридан текин томоққа ўрганган қузғунлар, муштумзўр хўжалар батрақларда инқилобий руҳ ортиб, улар иши яхши кетаётганидан ташвишга тушадилар, батрақлар орасига иғво солиб, артелларни тўздирмоқчи бўладилар. Уша йили маҳаллий Советларга сайлов бўлиши муносабати билан бу кураш яна кучаяди.

<sup>1</sup> М. Мансуров. Шоҳимардон фожияси. «Совет Ўзбекистони», 1966, 10 декабрь.

Шайхлар сайловда ўз номзодларини ўтказиб, меҳнат қилмай меҳнаткашларни талаб кун кўриш касбларини сақлаб қолмоқчи бўладилар.

Ҳамза синфий душманларнинг турли нгво ва найрангларини фoш этиб, уларга қарши кураш олиб боради ва янги ҳаёт қуриш йўлидаги ишларини зўр гайрат ва матонат билан давом эттиради. Унга нисбатан халқнинг муҳаббати ва ишончи ортади. Бир тўда қутурган реакцион кучлар эса, Ҳамзага сунқасд уюштирадилар ва 1929 йил 18 март куни ваҳшиёна ўлдирадилар.

Лекин Ҳамза Ҳакимзода халқимиз кўнглида ҳаминша барҳаётдир. У халқ хотирасининг олтин китобидан мангу ўрин олган. Унинг асарлари она тилида бир неча марта кўп минг нусхада нашр этилди, шунингдек, рус, украин, белорус, озарбайжон, қозоқ, тожик, туркман, қорақалпоқ, қирғиз, уйғур ва бошқа тилларга таржима этилиб, нашр қилинган. «Бой ила хизматчи» ва «Майсаранинг иши» пьесалари мамлакатимизнинг кўп театрлари саҳналарида мустақкам ўрин олиб келмоқда. «Бой ила хизматчи» 1972 йили қардош болгар халқи тилига таржима этилиб, болгар театри саҳнасида кўрсатилди. «Майсаранинг иши» асосида яратилган опера Польша халқ республикаси саҳналарида қўйилди.

Республикамизнинг кўп жойлари — колхоз, совхоз, мактаб ва театр, клуб ва кўчалар унинг номига қўйилган. Ленин орденли ўзбек Давлат академик драма театри унинг номидадир. Республикамиз пойтахти — Тошкент шаҳрининг бир райони унинг номи билан аталади. Республика Санъатшунослик институти, Наманган давлат педагогика институти Ҳамза номидадир. Қардош республикаларда ҳам Ҳамза номига кўча ва мактаблар қўйилган.

1964 йили Ҳамза номида Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти таъсис этилди. Бу мукофот ўзбек совет адабиёти, музыкаси, тасвирий санъати, театр ва кино санъатининг энг яхши асарларига архитектура иншоотларини яратганлик учун, шунингдек, концерт фаолияти учун берилди.

Узининг ажойиб асарлари билан ёшларнинг бир неча авлодини коммунистик дунёқараш руҳида тарбиялашдаги жуда катта хизматларини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Қомсомол Марказий Комитети 1968 йили Ҳамза Ҳакимзодага Ленин комсомоли мукофоти берди.



Инқилоб солдати сифатида ҳалок бўлган Ҳамза бутун улугворлиги билан ўз номи берилган мактаб, театр, колхоз, институт ва районлар қиёфасида абадий барҳаёт иккинчи умрини яшамоқда.

Ҳамзанинг жасади Шоҳимардонга қўйилган. 1939 йилда бу қишлоққа Ҳамзаобод номи берилди. 1952 йили махсус мақбара бино қилиниб, Ҳамзанинг хоки унга кўчирилди.

Бу қишлоқни келиб кўрган улуг совет шоири Николай Тихонов шундай ёзади:

«Шоҳимардон ўзининг ўтмишдаги даҳшати билан видолашган. Эндилликда у ерда чароғон, янги Ҳамзаобод яшиамоқда. Тоғ устида мақбарада меҳр-муҳаббат ва шон-шуҳратга бурканиб, сўнгги душманлар кўксини пора-пора қилиб, Октябрь байроғини буюк жасорат билан тоғ устига тиккан инқилоб яловбардори абадий уйқуга чўмган.

Тоғ этакларидаги дарада зилзила отиб юборган улкан қоя тошлар қалашиб ётибди. Чўққилар вайрон бўлиб кетган. Ҳамзанинг зарбалари ана шу табиат зарбаларидан кам қудратга эга эмас эди. У жаҳолат ва нодонлик деворларини ер билан яксон этди. Бу жойда бугунги кунда шоирнинг ҳаётбахш шеърлари сингари Ҳамза номи билан аталган анҳордан обиҳаёт мавж уриб турибди. У эски турмушни йўқлик қаърига тикқан янги ҳаёт рамзидай ҳайқариб оқмоқда».

Ҳамза ўзбек совет адабиёти ва санъатининг асосчиси деймиз. Бу шунинг учунки, ўзбек адабиёти ва санъатининг революциядан кейинги тараққиёти Ҳамза қадам босган йўлдан, социалистик реализм йўлидан борди.

Зўр мамнуният ва ифтихор билан айтамикки, ўзбек совет адабиёти ва санъати Улуг Октябрь тонгида туғилди, унинг нурларидан баҳраманд бўлиб ўсди, вояга етди. Унинг биринчи асосий темаси ҳам шу революция ва бу революция натижасида озодликка эришган халқ ҳаёти, унинг бунёдкор меҳнати бўлди. Халққа, Коммунистик партия ишига фидокорона хизмат қилиш адабиётимиз ва санъатимизнинг асосий хусусияти бўлиб қолди.

Ҳамзанинг шонли анъаналарини шогирдлари, ўзбек совет адабиёти ва санъатининг изма-из етишиб борган ва бораётган истеъдодли вакиллари ривожлантирмоқда.

Ёзувчи Ойбек 20-йилларни эслаб шундай дейди: «Уша вақтларда хотин-қизларни озод қилиш темаси мени жуда ҳам қизиқтирган эди. Ҳамзадан бошланган бу тема шаклланган традицияга эга бўлиб, уни ҳеч бир ўзбек ёзувчи четлаб ўта олмади». Ҳақиқатан ҳам, Ойбек улкан ёзувчининг анъаналарини давом эттириб, хотин-қизлар озодлиги темасида «Бир ўйнаган қизчага», «Ўзбек қизининг бахти» каби бир неча шеърлар ва «Дилбар давр қизи» (1932) поэмасини ёзган. Комил Яшин, Собир Абдулла, Миртемирлар ҳам бу темада қатор асарлар яратганлар.

Ҳамза ўзбек адабиёти тарихида биринчи бўлиб, жамиятимизнинг етакчи яратувчи кучи — ишчилар синфи вакиллари образини берди. Унинг ишчиларни улуғлаб ёзган ашулалари — «Биз ишчимиз», «Ишчилар уйғон!», «Яша Шўро!», «Яшангиз ишчи, деҳқонлар!» ҳамда «Ишчилар ҳаётидан» драмаси бунинг шоҳидидир. Бу мўтабар темани Файратий, Ойбек, Шароф Рашидов, Асқад Мухтор кенг кўламда давом эттирдилар.

Ўзбек совет адабиётида Ҳамзадан сўнг драма жанрини муттасил давом эттирган ёзувчи Комил Яшин бўлди. У Ҳамза сингари биринчи галда замонавий темаларда қатор пьесалар ёзди. Унинг «Ёндирамиз» (1931) «Тор-мор» (1934), «Нурхон» (1940), «Йўлчи юлдуз» (1957), «Инқилоб тонги» (1972) драмалари шунини кўрсатади.

Шоирларимиздан Фафур Фулом, Уйғун, Ҳамид Олимжон замонавий муҳим темаларда Ҳамза сингари сиёсий ўткир шеърлар яратдилар. Масалан, Ҳамид Олимжоннинг Улуғ Ватан уруши йиллари ёзган «Қўлингга қурол ол!», «Кузатиш», «Ғалаба қўшиғи» каби жанговар шеърлари Ҳамза Ҳакимзоданинг гражданлар уруши йилларида яратган «Ҳой, ҳой отамиз!», «Берма эркингни қўлдан!», «Қизил аскарларга» каби революцион қўшиқларининг давоми десак бўлади.

Ҳамза революция тонгидаги ўзбек меҳнаткашларининг ҳаёти ва революцион курашини ўзининг «Бой ила хизматчи» (1918) драмасида биринчи бўлиб ҳаққоний тасвирлаб берган бўлса, Ойбек унинг изидан бориб, у давр ҳақида ўзининг машҳур «Қутлуғ қон» (1938) романини яратди. Мазкур романдаги Йўлчи ва Гулнорни кўриб, «Бой ила хизматчи» драмасидаги Гофир ва Жами-

лани эслаймиз. Шунингдек, Мирзакаримбойни кўриб, Солиҳбойни эслаймиз. Лекин бу образларнинг ҳар бири ўзига хос индивидуал хусусиятга эга бўлиб, мустақил типик образлардир. Масалан, Йўлчи Ғофирнинг укаси десак бўлади, лекин у Ғофирга қараганда кенгроқ планда кўрсатилган, у бойларга қарши ўзи курашибгина қолмайди, бойлар ва подшолар истибдодига қарши халқ кўзғолони бошчиларидан бирига айланади. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, бу икки асар мустақил бадний полотнолардир.

Ҳамза истеъдоди кўп қиррали эди. У шоир, драматург, композиторгина эмас, моҳир педагог, оташин маърифатпарвар ҳам эди. Ҳақиқатан ҳам Ҳамза 1910 йиллардаёқ мактаб очиб, дарсликлар ёзиб, ўқитувчилик қилган. Кенг халқ оммасини саводли, илмли, бахтли бўлиши учун астойдил курашган. Лекин унинг орзулари революцияга қадар вужудга чиқа олмади. Фақат Улуғ Октябрь социалистик революцияси натижасида, совет тузуми шароитида вужудга чиқди. Чиққанда ҳам кутгандан ортиқ бўлди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев «Улуғ Октябрь ва инсоният тараққиёти» деган докладида совет маданиятининг ютуқларини юксак баҳолаб, шундай дейди: «Бир авлоднинг умри давомида Совет мамлакати саводсизликнинг оғир бўйинтуруғидан батамом ва абадий қутулди. Меҳнаткашлар маданий ҳаётнинг актив қатнашчилари, маънавий бойликларининг ижодкорлари бўлиб қолдилар. Халқ ичидан янги, социалистик зиёлилар етишиб чиқди, улар фан ва техниканинг, адабиёт ва санъатнинг ғоят буюк ютуқлари билан Ватан шуҳратини оширдилар. Инсониятнинг энг зукко кишилари орзу қилиб келган учрашув, меҳнат билан маданиятнинг тарихий учрашуви амалга ошди»<sup>1</sup>.

Халқимизнинг бахтли ва маданиятли бўлишини орзу қилиб, бунинг учун курашиб келган зукко кишиларнинг бири Ҳамза бўлган.

Ҳамзада улкан санъаткорга хос ўткир кўз ва оташин қалб бор эди. Бу хусусиятлар айниқса Улуғ Октябрь кунлари, граждандар уруши ва тинч қурилиш йилларида намоён бўлди. У замоннинг революцион вазифаларига ҳозиржавоб эди, асосий диққатини куннинг дол-

<sup>1</sup> «Совет Ўзбекистони» газетаси, 1977 йил, 3 ноябрь.

зарб темаларида асар ёзишга, таланти, ақл-идрокнинг халққа астойдил хизмат қилишга қаратди. У оташин революцион шоир, драматург, композитор, педагог, режиссёр ҳамда фаол жамоат арбоби бўлиб кўзга кўринди ва халққа манзур бўлди. Унинг бундай хилма-хил фаолияти Совет Ватанининг равнақи, совет халқининг бахт-саодати учун хизмат қилишга йўналтирилгандир. Ҳақиқатан ҳам, «унинг жўшқин овози ва қўшиқлари, шеър ва драмалари,— дейди Н. С. Тихонов,— бахтли келажак учун олиб борилган курашларда байроқ янглиф юксалди, унинг ўзи эса, барча замонлар ва халқларнинг муқаддас байроғи — Октябрь байроғига садоқат тимсоли бўлиб қолди».

83007

## МУНДАРИЖА

Демократик адабиётни давом эттириб . . . . .	7
Илм истаб, нур излаб . . . . .	20
Халқ озодлиги йўлида . . . . .	37
Шундоқ қолурму?! . . . . .	46
Инқилоб куйчиси . . . . .	49
Социалистик ҳаёт тароналари . . . . .	73
Хотин-қизлар озодлиги курашчиси . . . . .	88
Нодир мусиқий талант . . . . .	93
Драматургиямиз асосчиси . . . . .	101
«Бой ила хизматчи» . . . . .	102
«Тухматчилар жазоси» . . . . .	118
«Майсаранинг иши» . . . . .	120
«Паранжи сирларидан бир лавҳа» . . . . .	132
Ҳамиша барҳаёт . . . . .	142

*На узбекском языке*

Юсуф Султанов

ХАМЗА

О жизни и творчестве Х. Х. Ниязи

Редактор *К. Қодиров*

Рассом *Б. Хайбулин*

Расмлар редактори *В. Немировский*


Техн. редактор *Т. Смирнова*

Корректор *М. Қудратова*

ИБ № 1215

Босмахонага берилди 26.03.79. Воснига руҳсат этилди 4.10.79.  
Р, 13678, Формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босма қоғози № 1. Адабий гаринту-  
раси. Юқори босма. Шартли босма л. 7,98. Нашр л. 7,48. Тиражи  
5000. Заказ № 140. Баҳоси 75 т. Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва  
санъат нашриёти. Тошкент. Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 20—79.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари  
Давлат комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш  
бирлашмасида босилди. Тошкент. Ҳамза кўчаси, 21.





2 220000 919074

83007

